

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

«ЭНЕРГЕТИКА» ФАКУЛЬТЕТИ

**«ЭЛЕКТР ТЕХНИКАСИ, ЭЛЕКТР МЕХАНИКАСИ ВА ЭЛЕКТР
ТЕХНОЛОГИЯСИ» КАФЕДРАСИ**

“Касб таълим (Электр энергетикаси)” йўналиши талабалари учун

“КАСБИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ”
фанидан

МАЪРУЗА МАТНИ

Фарғона-2014 й

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

«ЭНЕРГЕТИКА» ФАКУЛЬТЕТИ

**«ЭЛЕКТР ТЕХНИКАСИ, ЭЛЕКТР МЕХАНИКАСИ ВА ЭЛЕКТР
ТЕХНОЛОГИЯСИ» КАФЕДРАСИ**

“Касб таълим (Электр энергетикаси)” йўналиши талабалари учун

“КАСБИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ”
фанидан

МАЪРУЗА МАТНИ

ФарПИ услубий
Кенгаши томонидан тасдиқланган:

«_____» _____ 2014 йил йиғилиш
баёни № _____

"Касбий таълим методикаси" фанидан фанини ўрганиш давомида талабалар таълим мазмунини таҳлил қилиш, уларда педагогик фаолиятни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, фанлардан ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқиш, таълим методларини ривожлантириш муаммоларини мустақил ўрганишга олиб келади.

"Касбий таълим методикаси" фанидан маърузалар матни 5111000 «Касб таълими» йўналиши бўйича тасдиқланган наъмунавий дастур ва Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим тизими давлат стандарти асосида тузилган бўлиб, унинг мазмуни ва ҳажми намунавий ишчи ўқув режаси, давлат таълим стандартлари талаблари ҳамда фаннинг дастурига мос келади.

Маъруза матнлари талабаларни маъруза машғулотларида олган ва назарий билимларини мустаҳкамлашга, уларда мустақил ишлаш кўникмаларини ҳосил қилишга хизмат қилади.

Кафедра услубий семинарида
муҳокама қилинган.
баён № ____ «____» _____ 2014 й.

Факультет услубий комиссияси
тасдиқ учун тавсия этган
баён № ____ «____» _____ 2014й.

Муаллиф:

асс.Д.И.Эргашева

Такризчи:

доц. Қ. Ахунов

СЎЗ БОШИ

“Касбий таълим методикаси” фани 5140900 - «Касб таълими» (5111000 - “КАСБ ТАЪЛИМИ (ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ)”) мутахассислиги йўналишида таълим олаётган талабаларни ушбу йўналишдаги давлат стандарти йўналишининг умумий тавсифида келтирилган академик лицейлар, касб – ҳунар коллежларида педагогик фаолият юритишлари учун дастурий кўникмаларни беради.

“Касбий таълим методикаси” фанининг дастури ўз хажмига касбий таълим бериш принциплари масалалари; касбий таълим услубиётининг методологик асослари; мутахассислик йўналишидаги назарий билимларни рухий, педагогик ва методологик асосларини; фанлараро боғлиқликлар ва уларнинг таркибий тизимлари; талабаларни шахс сифатида шаклланишлари ва тарбияланишларидаги мутахассислик фанларининг роли; ўқитиш принциплари ва методлари; фанларни услубий баозасини яратиш; ўйув ишларини илмий нуқтаси – назардан ташкил этиш; оммавий дарсларда ва дарсдан ташқариги ишлаб чиқариш вазиятларида талабалар онгига яратувчанлик фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш; услубий ва ўқув адабиётларини ўқиш, ўрганиш ва уларни таълил этиш; дарсларни режалаштириш; режалаштириш ҳужжатларини юритиш; талабаларнинг ўқув дастурларида режалаштирилган амалиётларни мақсади ва вазифаларини белгилаш; ҳисоб график ва курс ишларини режалаштириш ҳамда уларни бажарилишини ташкил этиш; ўқитишнинг моддий таъминотини таҳлил этиш каби масалалар мажмуини киритади.

1—Маъруза

ДИДАКТИКА - ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ СИФАТИДА

Режа:

1. Дидактика – таълим ва ўқитиш назарияси эканлиги.
2. Дидактиканинг мақсад – вазифалари ва асосий тушунчалари.
3. Ҳозирги даврдаги дидактика ривожининг асосий йўналишлари.

Таянч сўз ва иборалар

Дидактика; ўқитиш назарияси; умумий дидактика; таълим; таълим жараёни; таълим тамойиллари; дидактик тамойиллар; таълим методлари; таълим воситалари; таълим шакли; билим, кўникма ва малакалар; ўрганиш, ўргатиш, ўқиш ва ўқитиш; ташкил этиш; дидактик материаллар; тарқатма материаллар; дидактик қобилият; дидакоцентрик технологиялар;

Дидактика – таълим ва ўқитиш назарияси эканлиги

Дидактика – педагогиканинг мустақил тармоғи. Таълим – тарбия назарияси, яъни мақсадлари, мазмуни, қонуниятлари, тамойилларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Дидактика педагогикада таълим жараёнининг умумий қонуниятларини ўрганувчи қисмдир.

Дидактика грекча сўз бўлиб, “**didasko**” – ўқитиш, “**didaskol**” – ўргатувчи деган сўзлардан келиб чиққан.

Методика – бу методикага тегишли, қатъий кетма – кетликка (алгоритмик характерга), илгариан ўрнатилган режа (қоида), тизимга аниқ риоя қилишдир. **Методика** – бирор ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуаси.

Педагогика фани соҳасида маълум ўқув фанини ўқитиш қонуниятларини тадқиқ қилади. Масалан, тиллар методикаси, математика фанини ўқитиш методикаси, тарбиявий ишлар методикаси ва шу кабилар.

“Дидактика”нинг сўзма – сўз таржимаси таълим назариясини англатади.

Бу атамани немис педагоги В. Ратке (1571-1635) фанга киритган. Дидактика номи остида назарий ва методологик асосларини тадқиқ қиладиган илмий фанни тушунди. Дидактиканинг фундаментал илмий асослари илк бор Я. А. Коменский (1592 - 1670) томонидан ишлаб чиқилган. У 1657 йилда у чех тилида «Буюк дидактика» асарини ёзди. Дидактика номи остида Коменский “Ҳаммани ҳамма нарсага ўргатиш санҳати”, деб тушунди. Дидактиканинг моҳиятини ишлаб чиқишда Г. Песталоцци, И. Гербарт, К.Д. Ушинский, В. Острогорский, П. Каптерев каби машҳур олимлар катта ҳисса қўишди. Бу йўналишда дидактлар Ю.К. Бабанский, Н. Груздев, М. Данилов, Б. Есипов, Л. Занков, М. Скаткин кабилар ҳам анча ишларни амалга оширишди.

Дидактика педагогиканинг “Нима учун ўқитиш керак”, “Нимани ўқитиш керак”, “Қандай ўқитиш керак”, “Қандай ҳажмда ўқитиш керак”, “Кимларни ўқитиш керак”, “Қаерда ўқитиш керак”, “Нимадан фойдаланиб ўқитиш керак” каби саволларига жавоб излайди.

Умумий дидактика ўз навбатида айрим фанларга оид усуллар билан жуда мустаҳкам боғланган бўлиб, уларга оид маълумотларига таяниб ўқитишнинг умумий қонуниятларини очиқ беради ва айни вақтда ҳар бир ўқув фанини ўқитиш усуллари учун умумий асос бўлиб хизмат қилади.

Дидактика ўз олдига ўқитишнинг ўқувчиларни ҳар томонлама тарбиялаш мақсадларига жавоб берувчи умумий қонуниятларни билиб олиш вазифасини қўяди.

Дидактикада таълимни ташкил этишнинг умумий масалалари, ўқитиш жараёнининг моҳияти, таълимнинг мазмуни, ўқитиш қонуниятлари, ўқитиш тамойиллари, методлари, унинг ташкилий шакллари ёритилади.

Ўқитиш жараёни педагогнинг ўргатувчилик фаолиятини ва таълим оловчиларнинг махсус ташкил этилган билиш фаолиятини ўз ичига олади. Шу ўринда бу жараёнларнинг таҳлилига эътибор қаратайлик. Таълимда ўқитувчининг бошқарувчилик роли ўз касбининг ижтимоий асосларидан келиб чиқиб, аждодларининг бой тажрибасини, инсониятнинг асрлар давомидаги билиш, меҳнат, мулоқот, умумий алоқалар, эстетик ҳамда ахлоқий қарашлар жараёнида қўлга киритган ютуқларни эгаллашни шарт қилиб қўяди.

Дидактика ва методика мустақкам алоқа ҳамда ўзаро боғлиқликда жойлашади. Дидактика ўқитишнинг умумий қонуниятларини ўрганади. Аниқ бир предметни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари хусусий методикаларда ишлаб чиқилади.

Хусусий дидактика – муайян ўқув фанларини ўқитиш қонуниятлари, усуллари, воситалари, шакллари ва йўлларини ўргатувчи методика (тадрис) фанлари ҳам педагогика фанлари туркумининг асосий соҳаларидан бири бўлиб ҳисобланади. У умумий дидактика ютуқлари асосида ривожланади ва унинг назарий умумлашмаларига асосланган ҳолдагина такомиллашиб боради. Муайян бир фанга тадбиқ этилган дидактик қонуниятлар, ўша предметнинг умумий жиҳатларини қонунлаштиради ва уларда ўқитишнинг универсал жиҳатлари намоён бўлади.

Дидактиканинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Таълим жараёни жамият ривожланишининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлари, одамлар фаолияти ва ҳаётининг эҳтиёжлари, замонавий фан-техника тараққиётининг ютуқларига ҳамма таълим олувчиларнинг шахсий сифатларига қўйилган катта талабларга асосланади.

Дидактика соҳасидаги натижалар унинг олдида янги-янги масалаларни қўндаланг қўяди. Бу муаммоларни ҳал қилиш бошқа фан ютуқларидан максимал даражада самарали фойдаланишни талаб этади.

Дидактиканинг **асосий вазифаси** ёш авлодни илмий билимлар, кўникма ва малакалар тизими билан қуроллантиришдан иборат.

Буларнинг барчаси ўқитувчининг **таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи** вазифаларини амалга оширишида ўз аксини топмоғи лозим. Ана шу асосдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таълим жараёнида ўқитувчи ўз таълим олувчиларига қўлга киритилган билимларни ўргатади. Ўқув фаолиятида уларни кўникма ва малакалар билан қуроллантиради. Шу билан бир пайтда у таълим олувчиларда дунёқараш ва ахлоқ меъёрларини ҳосил қилади, қизиқиш ва қобилиятларни шакллантиради, уларнинг билиш фаоллигини оширади. Ўқитувчининг фаолияти таълим олувчи шахсининг мақсадга мувофиқ шаклланишига катта имкониятлар очиб беради. Янада аниқ қилиб айтсак, бутун ўқув жараёнини режалаштиради, ушбу жараёнда таълим олувчилар билан биргаликдаги фаолиятни ташкил этади. Таълим олувчиларга қийинчиликларни енгиб ўтишда ёрдам беради ҳамда уларнинг билимларини ва бутун таълим жараёнини ташхис қилади. Ўз навбатида таълим олувчиларнинг фаолияти ўқув жараёнида ўрганишга, билим, кўникма ҳамда малакаларни эгаллашга, ўзини жамиятга фойдали фаолиятга тайёрлашга йўналтиради. Таълим жараёнида таълим олувчиларнинг фаолияти кўп қиррали йўналган ҳаракатни ифодалайди ва бу ҳаракат билишга доир вазифаларни ҳал қилишда уларга катта ёрдам беради.

Дидактиканинг асосий тушунчаларига таълим, таълим жараёни, таълим тамойиллари, таълим методлари, таълим шакллари, таълим воситалари, билим, кўникма, малака, ўқитиш, ўқиш ва шу кабилар қиради.

Дидактик тамойиллар – бу таълим жараёни қонуниятлари, мазмуни ва методларини белгилаб берувчи ўқитиш тамойилларидир. Шунинг учун ҳам ўқитувчининг педагогик маҳорати ва таълим олувчининг ўрганувчанлик фаолиятини бир қолпга солиб, белгиланган мақсадга эришишни таъминлайдиган қоидалар мажмуаси таълим жараёнида қўлланиладиган дидактик тамойиллар моҳиятини ташкил этади.

Дидактик тамойиллар назарий ва амалий таълимида мақсад, мазмун, методлар, ташкил этиш шакллари, ўқитиш воситалари ва усуллари; меҳнат ва тарбиявий фаолият; таълимнинг турли босқичлари ҳамда педагогик ва меҳнат жараёнлари; таълим олувчиларнинг жамоавий ривожланиши ва ҳар бирининг алоҳида ривожланиши ўртасидаги алоқадорликларни акс эттиради.

Дидактик воситалар ва тарқатма материаллар – бу фанни ўқитишда зарур бўлган жиҳозлар, компьютерли воситалар, моделлар ва макетлар, кўргазмалар ва техник воситалар, асбоб – ускуналар ва маҳсулотлардир. Шунингдек, ўқитиш жараёнида ўқитувчи томонидан қўлланиладиган тарқатма материаллардир. Улар: карточкалар, саволномалар, йўриқномалар, қизиқарли савол ва топшириқлар, амалий ишни ташкил этиш бўйича технологик хариталар ва ҳакозалардир.

Проф. Б.Зиёмуҳаммадовнинг ижод маҳсулида **дидактик материаллар** – педагог томонидан ҳар бир дарсга алоҳида тайёрланган, дарс мазмунини тўла ифодалаш ва ўқувчи – талабалар дарс мазмунига яхши тушуниб етишлари учун хизмат қилади, деб қайд этилади. Буларга турли кўргазмали қуроллар, турли муаммоли вазиятларни яратувчи мосламалар, ўйинлар ва ҳақозолар киради. Дидактик материаллар ҳам дидактиканинг тамойилларига мос равишда яратилади. Дарс жараёни фақат усул ва услублар орқали амалга оширилиб, дарснинг ажралмас қисми ҳисобланади. Педагогсиз ва талабасиз ҳамда ўқув дастури ва режасиз дарс ўтиб бўлмагани каби, педагогик усуллар ва услубларсиз дарсни амалга ошириб бўлмайди [3].

Дидактик қобилият – ўқув материали, кўргазмали қуроллар ва воситаларини тайёрлаб қўйиш, ўқув материални аниқ, ифодали ва изчил баён қилиш, ўрганишга бўлган қизиқиш ҳамда маънавий, ҳиссий истақларни рағбатлантириш, ўқув билимини ошириш, фаоллаштириш маҳоратлари мажмуидан иборатдир.

Дидактик қобилиятга эга бўлган раҳбарлар турли вазиятларда шароитдан келиб чиқиб, таълим муассасасида вужудга келадиган муаммоли вазиятларда, муаммоларни ҳал қилишга вазиятли ёндашув асосида ҳамда раҳбарларга хос равишда, ўз ваколати даражасида фаолият кўрсатади, стереотипларни, яъни жамоада мавжуд бўлган сунъий тўсиқ ва муаммоларни ҳал этишда, турли йўналишларда қарорлар қабул қилишда жамоа фикрини ўрганади. Бу қобилиятлар асосида жамоа психологиясига (руҳиятига) хос доимий йўналтириш ётади ва бундай қобилият эгаси бўлган раҳбар ўз ходимларининг билим, кўникма, малакаси, дунёқарашини, қизиқишларини, бошқарув жараёнида тарбиявий муносабатлар мавжудлигини ҳамда унда “раҳбар – ходим” муносабатларининг кўп қиррали эканлигини, бошқарув жараёнида ўзаро бевосита таъсирлар мавжудлигини тасаввур қила олади.

Дидакто центрик технологиялар – бу ўқув дастуридаги режалаштирилган материални ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам таълим олувчиларга етказишдаги педагог фаолияти жараёнидир.

Ҳозирги даврдаги дидактика ривожининг асосий йўналишлари

Узлуксиз таълим тизими – кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий тараққиётини таъминловчи шахснинг жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий – техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устивор соҳа.

Узлуксиз таълим тизими ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш зарурий шарт – шароитларини яратади. Ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш, **баркамол авлодни** шакллантиради.

Таълим олишда, шунингдек, болалар ва ёшларни маънавий – ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашда оила, ота – оналар, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар алоқаси асосида чора – тадбирларни белгилайди ва амалга оширишда узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида уларга аҳамият берилади. Таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш сифатига ҳолис баҳо бериш тизимини яратиш ва жорий этишга кенг имкониятлар яратади.

Инсон қобилиятларининг шакллантирилиши ва ривожлантирилиши ҳамда унинг таълимга нисбатан турли – туман эҳтиёжларининг қондирилиши миллий ва умумбашарий қадриятлар устиворлигининг таъминланиши, инсон жамият ва атроф – муҳит ўзаро муносабатларини уйғунлашувини амалга ошириш борасида қўлланилади.

Узлуксиз таълим – миллий моделнинг асосий қисми бўлиб, қуйидаги турларни ўз ичига олади: мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб – ҳунар таълими; олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълим.

Узлуксиз таълим – малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турлари, ДТС ни, кадрлар тайёрлаш тузилмасини ва унинг фаолият кўрсатиш тизимини ўз ичига олади. Ўзаро мантиқий изчиллик асосида боғланган ҳамда

соддадан мураккабга қараб ривожланиб боровчи ва бир – бирини тақозо этувчи босқичлардан иборат яхлит таълим тизими. Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири 1997 йил 29 – августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида тамойил сифатида қайд этилган. Умумий таълим миллий моделининг асосий таркибий қисмларидан бири, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий – иқтисодий тараққиётини таъминловчи жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий – техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устивор соҳадир. Умумий таълимнинг фаолият кўрсатиш тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1. Таълимнинг ушворлиги.
2. Таълимнинг демократлашуви.
3. Таълимнинг инсонпарварлашуви.
4. Таълимнинг ижтимоийлашуви.
5. Таълимнинг миллий йўналтирилганлиги.

Назорат учун саволлар

1. Дидактиканинг келиб чиқиш тарихи.
2. Таълим тизимида дидактика ривожининг асосий таъмойиллари
3. Дидактик материаллар нималар асосида яратилади?
4. Дидактиканинг асосий тушунчалариганималар киради?
5. Умумий дидактика билан хусусий дидактиканинг узвий боғлиқлиги.
6. Узлуксиз таълим тизими нима?
7. Дидактика қобилиятини тушунтириб беринг.
8. Таълим ушворлиги деганда нимани тушунаси?
9. Дидактик восита билан тарқатма материалнинг фарқи нима?

2-Маъруза

МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ. МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Режа:

1. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» модулли ўқитиш тизими ҳақида.
2. Ўқитишнинг модуль тизими моҳияти ва афзалликлари.
3. Ўқитишнинг модуль тизимини ЮНЕСКО томонидан эътироф этилганлиги.
4. Модулли ўқитишнинг мақсадлари омиллари ва босқичлари.

Таянч сўз ва иборалар:

Илм-фан ривожининг экспоненциал қонуни; ақлий меҳнатни автоматлаштирилиши; ахборотнинг кўчкисимон оқими; телекоммуникацияли ахборот тизими; фанларни ўзаро боғланиши; фан дараҳти; ахборотни узатиш; ахборотни қайта ишлаш тезлиги (ҳисоблаш техникаси); таълимни индивидуаллаштириш; масофадан ўқитиш; символли кўрсатмали ўқитишни жадаллаштириш; кадрлар тайёрлашнинг модуль тизими; микромодуль; модуль; модуль элементи; модулли ўқитиш.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» модулли ўқитиш тизими ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини, жамиятнинг маънавий янгилалишини, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириши, жаҳон ҳамжамитига қўшилишини таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қурмоқда.

Замонавий бозор иқтисодиётининг шаклланиши корхоналар орасидаги рақобат асосида, халқ хўжалигининг барча тармоқ ва звеноларини кескин ривожланишини тақозо этади. Чунки бозор иқтисодиётини рақобатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Корхоналар орасидаги рақобат ўз навбатида, илм-фан, техника ва технологияни, яъни илмий-техник тараққиётининг (ИТТ) жадаллашувига олиб келади.

ИТТнинг жадаллашуви, ҳаётнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиниши натижасида, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш имкониятини беради.

Бу ерда ҳам, биринчи қаторга юқорида қўйилган масалаларни ҳал қила оладиган кадрларни тайёрлаш муаммоси кўндаланг бўлиб туради.

Шунинг учун ҳам бизнинг давлатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимни яратишдир.

Ривожланган демократик давлатлар даражасидаги олий маълумотли юқори малакали кадрларни тайёрлаш, қуйидаги шартлар асосида оширилиш лозим:

Биринчидан, ИТТнинг ҳозирги замон ҳолати илм-фаннинг ривожланиш тезлиги ўзининг энг катта сурхатларига эришди. Охирги ҳар 10-15 йил ичида илмий фаолиятнинг асосий кўрсаткичлари 2 маротаба ошиб бормоқда.

XX асрда, айниқса унинг иккинчи ярмида илм-фаннинг ривожланиш тезлиги ўзининг энг катта сурхатларига эришди. Охирги ҳар 10-15 йил ичида асрнинг иккинчи ярмида олинган маълумотлар, инсониятнинг тўла тарихи давомида тўпланган билимларининг $\frac{3}{4}$ қисмини ташкил этди.

Шунинг учун илм-фан ривожининг асосий қонуни экспоненциал қонун ҳисобланади. Ҳозирги пайтда илм-фан ривожининг юқори сурхатлари ақлий меҳнатнинг борган сари автоматлаштирилиши туфайли амалга ошмоқда.

Илм-фан ривожининг жадаллашуви илмий-техникавий информациянинг жадал ўсишига ва тез-тез янгиланишига олиб келади. Илм-фан ривожининг экспонент қонуни бўйича ривож, унинг кўчиксимон ўсишини англатади. Демак, илмий-техникавий информациянинг ўсиши ҳам, кўчиксимон жараён ҳисобланади. Жаҳонда ҳар йили минглаб китоблар, журналлар чоп этилади ва ўн минглаб диссертациялар ҳимоя қилинади.

Ахборотнинг юксалиб бораётган кўчиксимон оқими тезлигини таъминлаш мақсадида, замонавий телекоммуникацияли ахборотнинг тизимлар қўлланмоқда.

Кўриниб турганидек, илм-фан ва информациянинг ҳозирги замон ўсиш тезлиги ва ҳажми уларнинг ўтган 15-30 йилдаги ҳолатидан кескин фарқ қилади.

Илм-фан ривож, бу олий маълумотли мутахассисларнинг фаолият доирасидир. Шунинг учун олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш тизими, уларнинг ўта иқтидорлигига замонавий ахборот оқимини ўзлаштиришга, илмий текшириш фаолияти, индивидуал ва мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга, илмий-техникавий информация ва ўқув-илмий адабиёт билан ижодий ишлай олишга имконият бериш лозим.

Иккинчидан, ҳозирги замон фанининг кўчиксимон ривож икки, уч ва ундан ортиқ фанлар уланишларида янги турдаги фанлар пайдо бўлиши билан ҳам таъминланади. Масалан, биофизика, биогеоқимё, информатика, физика-кимёвий механика ва ҳоказо фан дарахти ҳосил бўлади. Маълум фанлар уланишларида туғилган янги фан – бу янги йўналишлар, муаммолар, мавзулар ва илмий масалалар демакдир. Бу масалаларни олий мактабнинг истеъдодли бириктирувчилари ҳал этиш лозим.

Шунинг учун кадрлар тайёрлашнинг замонавий тизим, уларда ўзига хос ва ностандарт фикрлаш қобилиятини ўстириши, ўз устида доимий равишда чидам ва матонат билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириш лозим.

Талаба ҳайратлана олиши, мағрурлана олиши лозим, фақат шундагина у бошқаларни ўзининг ижодий иши билан ҳайратга солиши мумкин.

Учинчидан, илм-фан ривожининг кўчиксимон ривож ва илмий-техникавий ахборотнинг шунга ўхшаш ўсиши, ахборотни узатиш ва қайта ишлаш тезлигини ошишига олиб келади, бунинг асосида эса ҳисоблаш техникаси ётади. Таълимни индивидуаллаштирмасдан, замонавий ахборот тизимлардан фойдаланишни кўз олдига келтириш мумкин эмас. Шунинг учун олий мактаб олдига кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўрсатилганидек – ўқишни, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш ҳамда масофавий таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш вазифаси қўйилган.

Тўртинчидан, ИТТ хусусияти муҳандислик ечимлар турининг кескин ошиши, материалларнинг тезда алмашинуви, технологик жараёнлар, машиналар конструкцияси, бошқариш тизимлари автоматлаштириш даражасини ошиши, илмий ютуқлар натижасини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш муддатларининг камайиши ҳисобланади. Масалан, телефон алоқасини ихтиро қилиниши билан уни амалга ошириш орасида 56 йил ўтган бўлса, радио учун 35 йил, телевизор учун 14 йил, атом энергияси учун 6 йил, транзистор учун 5 йил ўтди. Ҳозирги пайтда эса бу муддатлар одатда бир йилдан ошмайди.

Шунинг учун олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш тизими, уларда узлуксиз ўзгариб турадиган ишлаб чиқариш техника ва технологияси шароитида зудлик билан мослашувнинг шаклланишига йўналтириш лозим. Улар билимининг ҳаракатчанлиги, танқидий фикрлаш, касбий фаолиятда ижодийлик ва мослашувчанлик каби хислатларга эга бўлиши зарур.

Бешинчидан, олий мактаб жадаллашаётган ИТТнинг ортиб борадиган талабларига тўла жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш учун ўқитишни жадаллаштириш, инсон организми, унинг онгини бутун имкониятини ўқитиш жараёнида ишга солиши зарур, яъни символли кўрсатувли ўқитишни жадаллаштириши зарур. Бу эса ўқув жараёнида ахборот берилаётганида, ўқув материалларини структуралаш ва тизимга солиш ўқитишнинг компьютерлаш, ўқув телевидениясидан фойдаланишни тақозо этади.

Олтинчидан, ҳар қайси одам туғилганидан бошлаб алоҳида индивидуал ҳисобланади, яъни ҳар кимнинг ўзига хос ақлий куртақлари, таълим олишга қобилияти бўлади. Бундан келиб чиққан ҳолда замонавий ўқитиш тизимининг вазифаси инсоннинг индивидуал қобилиятларини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

«Модулли ўқитиш» термини халқаро тушунча модуль билан боғлиқ бўлиб, унинг битта маъноси – фаолият кўрсата оладиган ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат бўлган тугунни билдиради. Бу маънода у, модулли ўқитишнинг асосий воситаси сифатида, тугалланган информация блоки сифатида тушунилади.

Модуль фанининг фундаментал тушунчаларини – маълум ҳодиса ёки қонун, ёки бўлим, ёки маълум бир йирик мавзу ёки ўзаро боғлиқ тушунчалар гуруҳини ўз ичига олади.

Модуль – бу ўқув материалининг мантиқан тугалланган бирлиги бўлиб, ўқув фанининг бир ёки бир неча фундаментал тушунчаларини ўрганишга қаратилгандир.

Модулли ўқитиш – ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у одам бош миясининг ўзлаштириш тизимга энг яхши мослашгандир. Модули ўқитиш асоси инсон бош мияси тўқималарининг модулли ташкил этилганига таянади.

Инсон бош мияси тўқимаси, қарийб 15 миллиард нейронлардан (нерв хужайралари) ёки шартли модуллардан иборат. Тўқима хужайралари бир-бири билан кўп сонли тўқнашувларда бўлишади. Бир хужайра ва унинг ўсимтасини бошқа хужайра ва унинг ўсимтаси билан тўқнашувлари сони 6000 гача етиб боради.

Демак, бош мия тўқимасидаги тўқнашувлар (контактлар) сони астрономик сонни (15000000000х6000) ташкил этади. Шу нуқтаи назардан, модуль ўқув жараёнининг бир хужайраси сифатида қаралади.

Бу хужайра бир вақтнинг ўзида информацион умумликка ўзига хос яхлитлик ва тизимлиликка эга бўлган турли элементлардан ташкил топган бўлади.

Ўқитишнинг модуль тизими ҳақида расмий равишда биринчи марта, 1972 йил, ЮНЕСКОнинг Токиодаги бутун жаҳон концепциясида сўз юритилган эди. Модулли ўқитиш

технологияси – функционал тизимлар, фикрлашнинг нейрофизиологияси, педагогик-психологияларнинг умумий назариясидан келиб чиқади.

Бу соҳалардаги изланишларга кўра, тўқимаси модулли ташкил топган инсон мияси, информацияни квант кўринишда (бошқача айтганда маълум порциялар кўринишида) энг яхши қабул қилинади.

Одатда модул 3-6 соатли маърузавий машғулотлар ва шу билан боғлиқ бўлган амалий (семинар), лаборатория машғулотларидан иборат бўлади.

Фаннинг тушунтирув апаратининг қатъий тизимли (кўп қиррали) таҳлили асосида, энг самарали модул тузилади. Бу эса фундаментал иборалар гуруҳини ажратиш, материални мантиқан ва компакт гуруҳлаш имкониятини беради. Модул – мустақил таркибий бирлик бўлгани учун, баъзи ҳолларда, алоҳида талабаларга фанни тўлалигача эмас, балки фақатгина бир қатор модулларини тинглаш имкониятини беради. Бу эса иқтидорли талабаларнинг индивидуал ва мустақил ишларини оптимал режалаш имкониятини туғдиради.

Модулли ўқитишда, ўқув дастурларини тўла, қисқартирилган ва чуқурлаштирилган табақалаш орқали, ўқитишни табақалаш имконияти яратилади, яъни ўқитишни индивидуаллаштириш мумкин бўлади.

Модулли ўқитишга ўтишда қуйидаги мақсадлар кўзланади.

- ўқитишнинг (фанлар орасида ва фаннинг ичида) узлуксизлигини таъминлаш;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- ўқув материални мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш;
- ўқитишни жадаллаштириш;
- фанни самарали ўзлаштиришга эришиш.

Шундай қилиб, модулли ўқитишда талабаларни ўз қобилиятига кўра билим олиши учун тўла зарур шарт-шароитлар яратилади.

Ўқитишнинг модул тизимига ўтиш самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- ўқув муассасасининг моддий-техникавий базси даражаси;
- профессор-ўқитувчилар таркибининг малакавий даражаси;
- кўзланган натижаларни баҳолаш;
- дидактик материаллар ишлаб чиқиш;
- натижаларнинг таҳлили ва модулларни оптималлаштириш.

Модулли ўқитишга ўтишда қуйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилади:

- ишчи ўқув режани чуқур таҳлили асосида, ўзаро чамбарчас боғлиқ фанлар гуруҳи аниқланади, яъни бутун ўқув режаси алоҳида макромодуллар тўплами сифатида қаралиди.

Кўпчилик ҳолларда қуйидаги уч турдаги макромодуллар тузилиши мумкин:

- а) гуманитар фанларни ўз ичига оладиган;
- б) иқтисодий фанларни ўз ичига оладиган;
- в) умумтаълим, умумтехник, умумкасбий ва махсус фанларни ўз ичига оладиган.

Ҳар қайси макромодулнинг мутахассисни шакллантиришда ўз мақсади ва вазифаси бўлади.

Маълум макромодулни ўрганиш мақсади, унга кирадиган фанларнинг ўрганиш мақсадларидан келиб чиқади.

Ҳар қайси макромодулнинг ўрганилиш мақсадлари тўплами, давлат таълим стандартларида акс эттирилган, мутахассис кадр тайёрлашнинг бош мақсадини ташкил этади. Ҳар қайси макромодулнинг мақсади аниқ тузилган бўлиб, унинг биринчи фани ўрганила бошлаганида, талабаларга етказилиши лозим. Макромодулнинг ҳар бир кейинги фани ўрганила бошлаганида, у фаннинг ўрганиш мақсадлари талабаларга етказилиши зарур:

- ҳар қайси макромодул ичида, ўрганиладиган фанларнинг оптимал кетма-кетлиги ва уларни ўрганиш муддатлари ўрнатилади (1.1-жадвал).

**«Касбий-педагогик тайёргарлик» йўналишлари учун макромодул тузилмаси
(педагогик-психологик цикл фанлари мисолида)**

Т/р	Фанлар номи	Семестрлар ва аудитория соатлари миқдори						
		I	II	III	IV	V	VI	VII
1.	Ёш даврлар физиологияси ва гигиенаси	64						
2.	Психологияси		100					
3.	Педагогикаси			72	70			
4.	Дидактик воситалар мажмуасини лойиҳалаш				50			
5.	Янги педагогик технологиялар					36		
6.	Касбга йўналтириш						42	
7.	Махсус фанларни ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими методикаси					72	56	
8.	Психологик-педагогик диагностика							54
9.	Педагогик маҳорат							54

Яъни ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаб, фанларнинг ўрганиш муддатларини ва шу орқали макромодулнинг ўрганиш муддатларини қисқартиришга эришиш зарур.

Ўқув соатлари ҳажми катта бўлмаган (ҳафтада 1-2, айрим ҳолларда 3 соатли аудитория машғулоти) фанлар, блокни ташкил этувчи фанлар рўйхатига киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади ва улар ўқув семестрининг биринчи ва иккинчи ярмида ўтилиши мумкин.

Макромодуллар, вертикал ўзаро боғлиқликларни ҳисобга олиш асосида тузилади, аммо уларнинг ўрганиш муддатларини ўрнатишда макромодуллар орасидаги горизонтал боғлиқлар ҳам ҳисобга олиниши лозим:

- ўқув материалларининг такрорланишининг олдини олиш мақсадида макромодулга кирувчи фанлар, ўқув дастурларини ўзаро боғлиқлиги таъминланади.

Фаннинг ишчи ўқув дастури, алоҳида мавзуларни модулда гуруҳланиши инobatга олиниб, қайтадан кўриб чиқилади. Ҳар қайси модул учун назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган мақсадлар тузилиши зарур.

Модул ўз ичига 2-3 маъруза ва шу маърузалар билан боғлиқ бўлган амалий дарслар ва лаборатория ишларини қамраб билан боғлиқ бўлган амалий дарслар ва лаборатория ишларини қамраб олиши мумкин.

Ҳар қайси модул бўйича қуйидаги материаллар тайёрланади:

- талабаларнинг билимини назорат қилиш учун тестлар;
- индивидуал ишлар учун топшириқлар;
- мустақил ишлар учун топшириқлар;
- ўқув-услубий тарқатма материаллар;
- ўқув-илмий адабиётлар рўйхати;
- ишчи ўқув дастур.

Ҳар бир модул тест-синовлари билан тугалланиши лозим: жорий модул учун бу ўтилган материалнинг назорати бўлса, кейинги модул учун эса бу кириш (бошланғич) назорати бўлади.

Ҳар қайси модул учун тарқатма ва тасвирли материаллар тўплами тузилади ва улар талабага машғулотдан олдин берилади. Модул тавсия қилинадиган адабиётлар билан таъминланади. Ҳар бир талаба материалларни ўзлаштира бориб, бир модулдан иккинчи

модулга ўтади. Иқтидорли талабалар бошқаларга боғлиқ бўлмасдан тест синовларидан ўтишлари мумкин.

Модулли ўқитиш, фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган информациялар берувчи муаммоли ва йўриқли маърузалар маърузалар ўқишлигини тақозо этади. Маърузалар талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Модулнинг амалий ва лаборатория машғулотлари маърузалар билан бирга тузилади, улар маърузалар мазмунини ўрганиладиган янги материал билан тўлдиради. Талабалар маълум амалий кўникмаларга эга бўладилар.

Маърузалар матнини тайёрлашда, структуралаш ва тизимлаш усуллари кўллаб, материалларни блок-схема, расмлар блоки кўринишида тақдим этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда материалнинг ўзлаштириш самарадорлиги ошади, чунки:

- модулнинг пировард мақсади тушуниб етилади;
- ўқув материалининг элементлари орасидаги боғланишлар ва унинг ўтишлари яққол кўрсатилади;
- ўқув материалининг (модулнинг) бутун ҳажми талабанинг кўз олдида гавдаланади.

Модул тизимида ўқув материалининг мазмунини структуралашда энг аввало информацияни «сиқиш» вазифаси кўзланади.

Билимларни тўла, фойдаланиш учун қулай ҳолда тақдим этилишига ҳаракат қилиш лозим.

Ўқув информацияси бир вақтнинг ўзида 4 хил – расмли, сонли, символли ва оғзаки кўринишида узатилганида энг мустаҳкам ўзлаштиришга эришилади.

Модулли таълим методикасини тузатишда, бу ҳолат асос бўлиб хизмат қилади. Ҳар қайси модул бўйича расмлар блокларида символли аломатларни (саволлар қўйилиши тарзида) жойлаштириш, саволларни расм тарзида тасвир этиш, формулалар, жадваллар, графиклар ва услубий кўрсатмаларни тақдим этиш, мақсадга мувофиқ бўлади.

Расмлар блоки, схемалар блоки ва бошқа суратли (кўргазмали) материаллар талабалар учун тарқатма материал вазифасини ҳам бажарадилар. Шу билан бир қаторда ҳар бир фан, жумладан, модул учун атамаларнинг изоҳли луғатини тузиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Модулни ўқитишнинг самарадорлигини оширишга эришиш учун ўқитишнинг қуйидаги усуллари кўллаш лозим: миялар ҳужуми, муаммоли мулоқотлар, эвристик суҳбатлар, ўқув ўйинлар ва ҳ.к.

Ўқитишнинг модул тизими мазмунидан унинг қуйидаги афзалликлари намоён бўлади:

- фанлар, фанлар ичидаги модуллар орасидаги ўқитиш узлуксизлиги таъминланади;
- ҳар бир модуль ичида ва улар орасида ўқув жараёнини барча турларининг методик жиҳатдан асосланган мувофиқлиги ўргатилади;
- фаннинг модулли тузилиш таркибининг мослашувчанлиги;
- талабалар ўзлаштириши мунтазам ва самарали назорат (ҳар қайси модулдан сўнг) қилиниши;
- талабаларнинг зудлик билан қобилиятига кўра табақаланиши (дастлабки модуллардан сўнг, ўқитувчи айрим талабаларга фанни индивидуал ўзлаштиришни тавсия этиши мумкин);
- информацияни «сиқиб» бериш натижасида, ўқишни жадаллаштириш, аудитория соатларидан самарали фойдаланиш ва ўқув вақти таркибини, маърузавий, амалий (тажрибавий) машғулотлар, индивидуал ва мустақил ишлар учун ажратилган соатларни оптималлаштириш.

Бунинг натижасида, талаба етарли билимларга ҳам, кўникмага ҳам, уқувга ҳам эга бўлади.

Шундай қилиб, модулли ўқитишдан фойдаланиб олий малакали мутахассисни тайёрлаш қуйидагилар асосида таъминланади:

- ўқитишнинг узлуксизлиги (бунда фанларни ўзлаштириш самарадорлиги ошади);
- ўқитишни жадаллаштириш (бунинг натижасида информациянинг кўп қисми, индивидуал ва мустақил ишлаш пайтида, компьютер тармоқлари орқали ўзлаштирилади);

- ўқитишни индивидуаллаштириш (талаба ўз қобилиятига кўра билим олиш имкониятига эга бўлади).

Назорат учун саволлар:

1. Ўқитишнинг модул тизимининг долзарблигини тушунтириб беринг.
2. Нима учун илмий-техника тараққиёти даврида замонавий ўқитиш тизими инсоннинг индивидуал қобилиятларини ривожлантиришга йўналитирилиши керак?
3. Модулли ўқитиш одам бош миясининг ўзлаштириш тизимига мослашганини тушунтириб беринг.
4. Модулли ўқитиш самарадорлиги омилларини тушунтириб беринг.
5. Модулли ўқитишни амалга ошириш босқичларини кўрсатиб беринг.
6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури моҳиятини тушунтириб беринг.
7. Ўқитишда Модел тизимининг асл моҳияти нимадан иборат?
8. Ўқитишда модел тизимининг афзалликлари нимадан иборат?
9. Модулли ўқитишнинг мақсади нимадан иборат?
10. Модулли ўқитишнинг асосий омиллари ва босқичлари нимадан ташкил топган?

3-Маъруза

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ЭЛЕМЕНТЛАРИ

Режа:

1. Педагогик технология тушунчаси.
2. Янги педагогик технологияларнинг асосий тамойиллари.
3. Таълимий педагогик технология тизимини яратиш.

Таянч сўз ва иборалар:

Технология, педагогик технология, тизимли услуб, таълим жараёнини лойиҳалаш, такрорланувчан таълим натижалари, дастурлаштирилган таълим, бихевиоризм таълимоти, стимул-реакция, илгор ижодкор, меҳнат турлари, диагноз (ташҳис), тамойиллар ва элементлар.

«Технология» атамаси юнонча сўз бўлиб, «techne» - маҳорат, санҳат ва «logos» - тушунча, ўрганишни англатади. Демак, технология – ҳунар, санҳат маъносини билдиради ва жараёнларни амалга ошириш усуллари ҳамда воситалари ҳақидаги билимлар йиғиндиси, шунингдек объектда содир бўладиган сифат ўзгаришлар тушунилади.

Педагогик технология тушунчасига берилган таърифлар хилма-хил бўлиб, улар қуйидагича таърифланади:

- Педагогик технология – бу, таълим шакллари оптималлаштириш мақсадида техник воситалар, инсон салоҳияти ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб ўқитиш ва билим ўзлаштиришнинг барча жараёнларини аниқлаш, яратиш ва қўллашнинг тизимли усулидир(ЮНЕСКО).

- Педагогик технология – бу, ўқитувчи амалиётга жорий этиш мумкин бўлган педагогик тизим лойиҳасидир(В.П.Беспалько).

- Педагогик технология, педагогик мақсадларнинг рўёбга чиқиши учун фойдаланиладиган шахсий, ускунавий воситаларнинг тизими мажмуасини ва фаолият кўрсатиш тартибини билдиради(М.В.Кларин).

- Педагогик технология – таълимда режалаштирилган мақсадларга эришиш жараёнининг тавсифидир(И.П.Волков).

- Педагогик технология – бу, ўқитувчининг таълим-тарбия воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароитда ва маълум кетма-кетликда таъсир кўрсатиши ва акс таъсир

маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини жадал шакллантириш жараёнидир (Н.С.Саидахмедов).

Педагогик технологиялар бўйича билдирилган фикрларни умумлаштирсак педагогик технология мазмуни, педагогнинг касбий фаолиятида энг замонавий ўқитиш воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг билим олиш сифатини яхшилаш, талаб этилган билим даражасига эриши учун таълим жараёнини олдиндан лойиҳалаштиришдан иборат деб тушуниш мумкин. Педагогик технологиянинг марказий муаммоси ўқувчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат.

Ўқув амалиётида педагогик технология тушунчаси қуйидаги уч даражага бўлинади:

- 1) умупедагогик технология – таълим тизимининг аниқ қисми, таълим муассасаси, таълим босқичининг маълум даври учун таълим жараёнини тавсифлайди;
- 2) хусусий предметли(услугий) даража – бир фан, гуруҳ, ўқитувчи доирасида ўқитиш мазмуни ва таълим – тарбияни амалга оширишга хизмат қиладиган усул ва воситалар мажмуаси;
- 3) локал(модулли) даража – таълим-тарбия жараёни қисмларининг технологияси(фаолият турлари технологияси, дарс технологияси, янги тушунчаларни ҳосил қилиш, такрорлаш, назорат қилиш технологияси, тарбия турлари технологияси ва ҳоказолар....).

Илғор ижодкор педагоглар томонидан анъанавий таълим технологиясидаги камчиликларга жавоб топиш, самарали услубларини такомиллаштириш, ўқувчининг ақлий меҳнатини амалга ошириш усуллари излашлари натижасида ўзига хос таълим усули воситалари яратилдики, бунинг оқибатида янгича педагогик фикрлаш тарзи вужудга келди. Ана шу изланишлар замирида янги педагогик технологияга асос солган педагогик технологиялар яратила бошланди. қўлланиладиган педагогик технологияларни бир тизимга солиш, унга мақсадли йўналиш бериш таълимни амалга оширишдаги шакл ва мазмун яхлитлигини таъминлаган ҳолда кутилиши зарур натижани олишни белгилайди. Таълимга тестларнинг жорий этилиши, диагноз ва диагностик таҳлилнинг киритилиши, мониторинг назоратининг юритилиши, билимларни рейтинг тизимида баҳолашга ўтиш, фаннинг боб, бўлим мазмунини яхлит ҳолда ўзлаштиришни моделлаштириш, тизимга солинган назорат турларида ўқувчиларнинг ишлаши ва ниҳоят ноанъанавий дарс шакллариининг вужудга келиши ўқув жараёнидаги анъанавий таълим ўрнига вужудга келган янги педагогик технологиялар бўлиб, улар янгича фикрлаш тизимидаги таълимга ўтишни тақозо этади.

Ҳозирги даврда ўқув меҳнати ҳам бошқа меҳнат турлари каби ўзига хос билим, кўникма ва малакаларини шахсда шакллантиришини талаб қилади, бунинг учун эса ирода, диққат, кузатувчанлик, фикр юритиш, хаёлпарастлик каби шахсий сифатларнинг тарбияланганлиги зарур.

Биз таълим самарадорлигини оширувчи омилларни тўхтовсиз таҳлил қилиш, мутахассисларнинг узлуксиз малакасини ошириш ҳамда қўйиладиган услубларнинг нечоғлик мослигига тўғри баҳо бериш тамойилларни белгилашимиз ва таълимнинг олиниши зарур бўлган натижасини ифодалай олишимизга кўрсатадиган йўл ҳисобланади. Мана шу тамойилларга таяниб таълим жараёни самарали бўлишини таъминлайдиган технология янги педагогик технология ҳисобланади.

Таълимнинг амалга ошириш жараёнига янги педагогик технологияларни киритиш қуйидагиларга асосланади:

- таълим жараёнида иштирок этувчи ўқувчи шахси устиворлигини таъминлаш;
- таълим мақсадининг натижага эришувини (кафолатланганлигини) амалга ошириш;
- таълим жараёни бошқарилувчи жараён эканлигидан келиб чиққан ҳолда унинг мақсадли бошқарилувига эришиш;
- таълим мазмунини таъминловчи восита, усул шакллари технологиясини ягона бир тизимга келтириш.

Янги педагогик технологияларнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- Узлуксиз малака ошириш;
- Мунтазам таҳлил қилиб бориш;
- Лойиҳалаштирувчи воситаларнинг энг зарурини танлаш;
- Танланган услубларнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлай билиш(таълим методлари);
- Олиниши зарур бўлган натижани олдиндан тахмин қилиш(кафолатланган мақсадга эришиш);
- Таълим жараёнининг яхлитлигини таъминлаш.

Янги педагогик технологияларнинг таълим жараёнига татбиқ этилиши, ўқув жараёнига бир қатор янги элементларни олиб киради ва булар қуйидагилар:

- Ўқув бирликларини(мезонлар) белгилаш;
- Диагностик таҳлил;
- Тузатиш киритиш;
- Қайта ишлаш(тўлдириш);
- Кутилиши лозим бўлган(кафолатланган) натижани олиш;
- Рейтинг(таққослаш).

Юқоридаги тамойиллар ва элементларга асосланган ҳолда ва янги педагогик технологияларни таълимга жорий этиш, айниқса ривожланган давлатлардаги педагогик технологиялардан фойдаланиб, таълимий педагогик технология тизимини яратиш борасида амалга ошириладиган ишларни умумлаштириш ва таълим жараёнида қўллаш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. Таълим жараёнининг иштирокчилари – педагог ва ўқувчи ўртасида ўқув меҳнати режасини ишлаб чиқиш: яъни педагог бўлим ёки бобни ўрганиш режасини тузар экан, ушбу режада ўқувчи фаолият ўз аксини топмоғи керак.

2. Фаннинг ички боғланиши ёки фанлараро боғланиш имкониятларидан мақсадли фойдаланиш. Маълумки, ҳар бир ўрганиладиган кичик ёки йирик ўқув бирликлари олдин ўрганилганларига таянади. Демак ўқувчини янги бўлим, бобни ўрганишга олиб киришда ундаги мавжуд билимларга таяниш, агар мавжуд билимлар янги бобни, бўлимни ўрганишга етарли бўлмаса «оралиқ тайёргарлик» олиб бориш ва шундан кейингина ўқувчини билимларини ўрганишнинг навбатдаги босқичига олиб кириш лозим. Бундай ишлаш янги педагогик технологиянинг асосий элементларидан бири **диагноз**(ташҳис) ҳисобланиб, ўқувчиларнинг янги билимларини ўзлаштириш қанчалик даражада тайёр эканликларини аниқлашдан иборат.

3. Ўқув бирликлари (мезонлари)ни белгилаш. Ўқув бирликлари ўқувчи томонидан ўрганилиши лозим бўлган тушунчалар, таърифлар, қоидалар, қонунлар, ҳодисалар, воқеалардан иборат бўлиб, улар орасидаги мантикий боғланишнинг таъминланиши шу боб ёки бўлимнинг ўзлаштирилишига олиб келади. Ўқитувчи боб, бўлим учун ажратилган соатларда ўқувчилар ўрганиши керак бўлган ўқув бирликларни аниқлайди, у учун ажратилган вақтни белгилайди. Ўқув бирликлари ўзлаштирилиши (билиши) зарур бўлган мезонлар ҳисобланиб, ўқувчи билимини баҳолашнинг чегаравий қиймати билан ўлчанади, яъни ўқувчи ушбу кўрсатилган мезонларни билсагина баҳоланади. Ўқитувчи шу пайтда гуруҳга нисбатан ўртача баҳо билан ишламайди, балки аниқ ўлчовларга асосланган ҳолда иш олиб боради. Шунинг учун ҳам ўқув бирликларини билиш ўқувчи учун зарур топшириққа айлантирилади. Дарс режасини тузишда ўқитувчи ўқувчилар билиши лозим бўлган ўқув бирликларини бўлимлар, боблар, семестрлар бўйича аниқлайди ва ўқувчиларга топшириқ сифатида бўлимни ўрганишдан олдин вазифа қилиб беради. Берилган топшириқлар ўзлаштириш рейтингини аниқлашда назорат топшириғига ўтказилади.

4. Диагностик таҳлил. Билим, кўникма ва малакадаги камчиликларни аниқлаш, уларни тўлдириш ва навбатдаги ўзлаштириш босқичига кўтарилиш мақсадида ташҳислаштириш амалга оширилади. Диагностика қуйидаги мақсадларни амалга оширади:

- ўқувчилар ўзлаштириш даражасини ташҳислаштириш;
- бўлимлардаги етишмовчиликларнинг олдини олиш;
- аниқланган етишмовчиликларини тўлдириш мақсадида махсус топшириқлар ишлаб чиқиш;
- якуний диагностик таҳлил қилиш.

Диагностика таълим технологиясининг навбатдаги босқичи бўлиб, унинг асосий элементларидан ҳисобланади. Ўзлаштиришдаги камчиликлар сабабини аниқлаш, ҳар бир ўқувчининг билим даражасини аниқлаш, режанинг боришида тузатишлар киритиш йўли билан таълим жараёнининг кафолатланганлиги таъминланади. Диагностик таҳлил назорат турларидан тест сўровида амалга оширилади. Тест сўрови натижаларини диагностик таҳлил қилиш икки муҳим вазифани ҳал қилади:

1. Қайси ўқувчи қайса ўқув бирликларида қийналади;
2. Ўқитувчи қайси билимларини кучайтириш лозимлигини аниқлайди.

5. Тузатиш киритиш. Бўлим, бобнинг ўзлаштирилиш даражасининг диагностик таҳлили натижасида 50% дан кам кўрсаткич олинса, ўқитувчи таълим жараёнининг боришига тузатиш киритиши лозим. Тузатиш киритишда қуйидагилар бажарилади:

- Ўқувчилар ўзлаштириши қийин бўлган мавзуларни аниқлаш (диагностик таҳлил асосида);
- қайта ўрганиши лозим бўлган мавзуларни янгича ўргатиш услубларини ишлаб чиқиши;
- Дарс режасида тузатиш киритиш вақтларини белгилаш.

6. Қайта тўлдириш (нуксонларни тугатиш). қайта тузатиш киритишдан мақсад олинган билимлардаги камчиликларни бартараф этишдан иборат. Камчиликларни тузатиш тўлдириш асосида амалга оширилади. Қайта тўлдириш асосан амалиёт машғулотларида бажарилади. Шу мақсадда ўқитувчи ўқувчилар ўзлаштириш даражасидаги «тўлдиришни» амалга оширмоғи лозим. Бунда ўқитувчи танлаётган ўқув вазифасининг даражасини ўқувчиларда мавжуд бўлган реал билимларга мослаштириши зарур.

7. Кутилиши лозим бўлган (кафолатланган) натижани олиш. Бу элемент янги педагогик технологиянинг марказий ғояси ҳисобланади. Янги педагогик технология таълим жараёни натижасида кафолатли бўлишини талаб қилиш билан бирга, жараённинг боришини кўзда тутилган мақсадда амалга оширилиши ва натижали бўлишининг мақсадли режалаштирилишини ўқитувчи олдиға мақсад қилиб қўяди. Жараён бориши давомида шу жараён таҳлил қилиниб борилади, тузатишлар киритилади, қайта тўлдиришлар амалга оширилади ва олдиндан кутилиш режалаштирилган натижа олинишига эришилади.

Назорат учун саволлар

1. Педагогик технологиялар анъанавий таълим методларидан нимаси билан фарқланади?
2. ЮНЕСКО нинг педагогик технологияга таърифида нимага урғу берилган?
3. Диагностик таҳлил нима?
4. Таълим жараёнининг иштирокчилари кимлар?
5. Янги педагогик технологияларни таълимга жорий этишда нималарга асосланади?
6. Педагогик технология тушунчасини таърифлаб беринг.
7. Янги педагогик технологияни ўқитишни асосий сабаблари.
8. Янги педагогик технология афзалликлари ва камчиликлари айтинг.
9. Педагогик технология ва таълим технологиянинг фарқи нимада?
10. Диагностик таҳлил нима?

4-Маъруза

КАСБИЙ ТАЪЛИМ МУТАХАССИСЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ БИЛИМЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Режа:

1. Назарий дарс ва амалий машғулотларни режалаштириш
2. Таълим берувчининг дидактик хатти ҳаракатлари.
3. Ўқитиш ва ўқиш цикли.

Таянч сўз иборалар:

Назарий дарс, амалий машғулот, дидактик хатти ҳаракатлар, дарсни режалаштириш, метод, мақсад, мазмун, шариоитлар, ўқитиш ва ўқиш цикли, таълим берувчи, амалиёт устахона.

Назарий дарс ва амалий машғулотларни режалаштириш

Касбий педагогика фанида **назарий дарс** – режали ташкиллаштирилган, аниқ мақсадга қаратилган ва таълим берувчи томонидан бошқариб туриладиган таълим ва тарбия жараёнидир. Бу жараёнда маълум бир соҳа бўйича назарий билимлар тизимли равишда билим олувчиларга етказилади. Бу жараёнда таълим берувчи назарий билимларни амалиётда қўллаш йўллари билан таништиради.

Назарий дарс асосан махсус жихозланган дарсхоналарда ўтказилади. Бу синфхоналарда турли техник воситалар ишлатилиши мумкин.

Амалий машғулот – аниқ мақсадга қаратилган ва таълим берувчи томонидан бошқариб туриладиган. Аниқ бир топширикни бажариш учун керакли назарий дарсда олинган махсус билимлар асосида малака ва кўникмаларни шакллантириш мақсадида олиб бориладиган режали дидактик ҳаракатга айтилади.

Амалий машғулот касб-хунар таълимининг таркибий қисми бўлиб ўқув устахоналарида, лабораторияларда, ўқув палигонларида иш ўрнида жойлашган реал воситалардан фойдаланилган ҳолда ўтказилади.

Касб-хунар таълими тизимининг шуки назария ва амалиёт бир биридан алоҳида, яни назарий таълим ўқув аудиторияда, амалиёт устахона ва лабораторияларда амалга оширилади. Назарий дарсда керакли махсус билимлар амалий дарсга нисбатан илгарилоқ берилишини таъминдаш керак. Амалий машғулотларда таълим берувчи иш фақат иш топшириқларига тегишли қўшимча билимларни бериши керак. Агарда амалий машғулотларда таълим берувчи таълим олувчиларнинг аввалги билимларида камчиликни аниқласа, у керакли назарий билимларни беради.

Дарсни режалаштириш – кутилаётган ўқув натижаларига эришиш мақсадида ўқув жараёнига тайёргарлик кўриш: таълим методларини танлаш, тарқатма материаллар ва ўқув дидактик воситалар тайёрлаш.

Барча имкониятларни ҳисобга олган ҳолда, бир марта тузилган режада ўзгартиришлар бўлмаслигига ҳаракат қилиши керак. Таълим берувчи учун режалаштириш ўқув жараёнини бошқаришда хатоларга йўл қўймаслик деганидир. Таълим олувчи учун режалаштириш, у бўлажак ўқув жараёни тўғрисида ва таълимдан нималарни кутиши мумкинлиги ҳақидаги аниқ тасаввурга эга бўлиши деганидир.

Назарий дарс ва амалий машғулотларни режалаштириш қуйидаги даражаларда амалга оширилиши мумкин:


- Бутун таълим даври даражасида;
- Бир ўқув йили даражасида;
- Бир семестр даражасида;
- Бир ой даражасида;
- Бир ҳафта даражасида;

- Бир кун даражасида;
- Назарий дарснинг бир соат даражасида;

Кўпинча ҳар хил вақт даражалари учун мўжалланган режалар бир вақтнинг ўзида қўлланилади.

Мақсадлар ва мазмунларни режалаштириш одатда махсус бир соҳа бўйича бўлади ва уни таълим берувчининг ўзи тузади. Бунинг учун танланган махсус соҳа бир неча мавзуларга ёки материал соҳаларига бўлинади. Сунг методлар ва режалаштирилади.

Бу муносабатда эътиборингизни «**Таълим берувчининг дидактик хатти-харакатлари**» моделига қаратмоқчимиз (**4.1 -чизма**).



4.1-чизма. Таълим берувчининг дидактик хатти-харакатлари.

Юқорида тасвирланган таълим берувчининг дидактик хатти-харакатлари модели бир махсус соҳани режалаштириш мақсадида қўлланиши мумкин. Назарий дарс ва амалий машғулотларни туғри режалаштириш учун, таълим берувчи ўзининг вазиятидан бошлаши лозим, яъни «Мавзуни илм-фаннинг энг сўнгги замонавий талабларига мувофиқ ўргата оламанми ёки бунинг учун мен яна алоҳида тайёрланишим керакми?» ҳамда «Бирор ишлаб чиқарилган назарий дарс режаси ёки амалий машғулотларнинг режаси борми?» деган саволга жавоб бериши керак. Бундан кейин, таълим берувчи таълим олувчиларнинг дастлабки билим ва кўникмаларини аниқлаб олиши лозим. Бунинг учун қуйидаги асосий саволлар қўйилиши лозим:

Назарий дарс ёки амалий машғулотларни ўтказиш учун таълим олувчиларнинг дастлабки билимлари қай даражада?

- Назарий дарс ва амалий машғулотларни ўтказиш учун қандай шарт-шароитлар мавжуд?

- Кандай ўқув мазмунлар ўргатилиши кў
- ллбзда тутилмокда?

Режалаштириш учун юкоридаги саволларни ўрганиб чиқиш - назарий дарс ва амалий машғулотнинг бошқа барча тайёрлаш ҳаракатларига асосдир. Бу тушунчалар ва саволлар ўртасидаги боғлиқликни куйида кўрсатилган омиллар аниқ кўрсатади.

Мақсадлар: Нима учун ?

Хар бир назарий дарс ва хар бир амалий машғулот олдиндан белгиланган мақсадларга риоя қилиши лозим. Одатда Ўқув дастури асосида белгилашимиз мумкин булган аниқ бир мақсадга эришилиши лозим. Мақсадлар ёзма равишда назарий дарс режасига киритилади ва мақсад эришилган-эришилмаганлиги тест ва топшириқлар ёрдамида текширилади ва мустаҳкамланади.

Мазмунлар: Нима ?

Белгиланган ўқув мақсадларга мувофиқ равишда билимлар соҳанинг мазмуни (шу жумладан кўникмалар ва ўзини тутиш тарзлари) белгиланади. Бу мазмунлар бир томондан керакли дастлабки билимларни (назарий дарс мазмунини) ва бошқа томондан топшириқларни бажариш учун керакли махсус билимларни (амалий машғулот мазмунини) инобатга олиши керак.

Метод: Қай тарзда ?

Агар мақсадлар ва мазмунлар аниқ бўлса, айнан шундай методлар танлаб олиниши керакки, улар шу мақсад ва мазмунларни ўлчанадиган натижаларга айлантира олишлари лозим. Бу муносабатда "анъанавий" ва "интерфаол методлар" деб аталган методлар таълим берувчи томонидан танлаб олинади ва қўлланади.

Шароитлар: Нималар ёрдамида ?

Шароитлар деганда, биринчи навбатда моддий-техник шарт-шароитлар тушунилади. Бир томондан, моддий-техник шароитлар. яъни бинолар, синфхоналар, ўқув устахоналар, лабораториялар, уларнинг жихозланганлик даражаси, инструментлар, чиқим материалларнинг умумий ҳолати ва ҳоказо, чунки улар маълум сифат стандартларига жавоб бериши керак.

Бошқа томондан эса, ўқув воситалари тушунилади, чунки улар ўқув жараёндаги билимларни ўзлаштирилишига ёрдам беради. ўқув мақсадларига мўлжалланган кўплаб ўқув воситалари мавжуд. Лекин гап воситаларнинг кўплигида эмас, балки муайян ўқув мақсадига эришиш учун маъқул келадиган воситаларни танлаб олишдадир.

Ташкиллаштириш: Бу қандай амалга оширилади ?

Юкорида айтилган ҳамма нарсалар вақт омилини инобатга олган ҳолда ташкил қилиниши керак. Чунки хар бир назарий дарс ва хар бир амалий машғулот учун аниқ вақт меъёрлари бор ва айнан шу вақт доирасида ўқув мақсадларга эришиш лозим. Бунинг учун нафакат пухта режа, балки унумли ташкиллаштириш ҳам керак. Вақт даври, вақт давоми ва ўқув жойи - ташкиллаштириш жараёнида белгиланади. Ўргатиш ва урганишни ташкил қилишнинг хилма-хил имкониятлари мавжуд.

Натижалар: Мақсадга эришилди ?


Назарий дарс ёки амалий машғулотнинг охирида мақсадларга эришилган-эришилмаганлиги текширилиши керак. Бунинг учун баҳолаш воситалари, методлари ва мезонлари белгиланиши лозим. Бунинг имкониятлари - машқдар, оғзаки ва ёзма тестлар ҳамда имтиҳонлар. Улар таълим олувчиларнинг қобилиятлари, билим, қуникма ва малакаларини баҳолаш имкониятини яратади.

Ўқитиш ва ўқиш цикли- назарий дарс ва амалий машғулотларни режалаштириш омилларига асосланган бўлиб, назарий дарс ва амалий машғулотлар режалаштириш, амалга ошириш ҳамда ҳулоса чиқариш босқичларига тааллуқли дидактик ҳатти-ҳаракатларни тушунтиради (4.2-чизма).

Бу циклда назарий дарс ва амалий машғулот бир-биридан ажратилмайди.

1-боскич:

Назарий дарс ва амалий машғулотга нисбатан иноватга олиниши керак бўлган **мавжуд вазият ва дастлабки шарт-шароитларни ўрганиш**. Шу ўринда 3 хил таҳлил, яъни адресатлар (таълим олувчилар) таҳлили, шарт-шароитлар таҳлили ва махсус соҳа (мазмун) таҳлили амалга оширилиши лозим. Бу таҳлиллар одатда таълимнинг бошланишида, натижалари эса кейинроқ керак бўлади.



4.2-чизма. Ўқитиш ва ўқиш цикли.

2-боскич:

Ўқув дастури асосида ўқув мақсадларни белгилаш ёки аниқлаш. Назарий дарс ва амалий машғулот учун махсус ўқув мақсадлар белгилаб оли

3- боскич:

Назарий дарс ёки амалий машғулот режасини тузиш. Бу режада барча мазмунлар, мавзулар, режалаштирилган методлар, танлаб олинган ўқув-дидактик материалларга мувофиқ ҳолда ўқув воситалар ҳамда умумий вақт тақсимоти ақс этади.

Бу режада нафақат таълим берувчининг хатти-ҳаракатлари, балки таълим олувчиларнинг режалаштирилган хатти-ҳаракатлари ҳам кўрсатилса мақсадга мувофиқ бўлади.

4-боскич:

Ўқув-дидактик материалларни тайёрлаш, чунки улар амалга ошириш босқичининг асосий дастлабки шартларидан биридир. Агар тайёр материаллар бор бўлса, уларнинг орасидан тўғри келадиганлари танлаб олинади. Агар тайёр ўқув-дидактик материаллар ёки ўқув воситалар бўлмаса, улар ишлаб чиқарилиши керак. Одатда босма ўқув воситалар, масалан таркатма материаллар, слайдлар ва топширик варакалари керак бўлади, уларга

қўшимча равишда эса матнли ўқув адабиётлари ишлатилади. Худди шунга ўхшаб дарсдан олдин плакат лойихалари ва плакатларнинг ўзи ишлаб чиқилади.

5-босқич:

Режалаштириш ва ташкиллаштириш асосида назарий дарс ва амалий машғулотни амалга ошириш (ўтказиш). Бу дегани, барча ўқув воситалари билан жихозланган синфхона ҳамда, керак бўлса, устахонада жойлашган ўқув бурчаги ва вақт етарлича бўлиши керак.

6-босқич:

Назарий дарс ва амалий машғулот давомида ўзлаштирилган назарий билимларни баҳолаш. Бир томондан, бу - таълим олувчилар керакли билимларни ўзлаштириб олганликларининг назорати. Яъни «Таълим олувчилар мақсадга эришишдими?» деган саволга жавоб берилиши керак.

Бошқа томондан эса, таълим берувчи учун уз-узини ҳамда ишининг сифати қандай булганлиги текшириш. Яъни «Мен олдимга қўйган мақсадларимга эришдимми?» деган саволга жавоб берилиши керак. Иккала ҳолда ҳам ўлчанадиган натижалар бўлиши муҳимдир.

Назорат учун саволлар

1. Назарий дарс ва амалий машғулотларни қандай режалаштирилади?
2. Педагогик технологияда ўқитиш ва ўқиш цикли.
3. Назарий дарс ва амалий машғулотларни режалаштириш қандай даражаларда амалга оширилиши мумкин?
4. Таълим берувчининг дидактик хатти-ҳаракатлари моделини изоҳланг.
5. Тушунчалар ва саволлар ўртасидаги боғлиқликни қандай омиллар асосида аниқ кўрсатади?
6. Амалий машғулотларнинг мақсади ва тузилишини тушунтиринг.
7. Дарс қандай режалаштирилади?
8. Мақсад-мазмун-усул-тушунтириб беринг.
9. Ўқитиш ва ўқиш цикли деганда нимани тушунасиш?
10. Ўқитиш босқичларини санаб беринг.

5-Маъруза

КАСБИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎҚУВ МАҚСАДЛАРНИ БЕЛГИЛАШ

Режа:

1. Ўқув мақсадларининг турлари.
2. Ўқув мақсадларининг соҳаси.

Таянч сўзлар ва иборалар

Аниқлаш, номлаш, таърифлаш, ёзиш, ўқув мақсадлари, умумий мақсадлар, когнитив, аффектив, психомоторик, билиш, тушуниш, қўллаш таҳлил синтез баҳолаш, ясаш, монтаж қилиш, хатосини топиш, хизмат курсатниш, амалга ошириш. созлаш, ўрнатиш, лойихалаш, конструкциялаштириш. яратиш, симуляция қилиш, текшириш.

Ўқув мақсадларининг турлари

Ўқув мақсадлари - муайян таълим жараёни якунида таълим олувчи томонидан ўзлаштирилиши, янги ҳосил қилиниши лозим булган билим, хатти-ҳаракат билан боғлиқ булган амалий топшириқни уддалай олиш маҳорати, шахсий фазилатлар ва хулқни белгилайди.

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ўқув мақсадлари олдиндан кўзланган якуний натижалар тавсифидир. Назарий дарс ва амалий машғулот аниқ мақсадга йуналтирилган

ўқув жараёнларидир. Назарий дарс ва амалий машғулотларнинг мақсадлари аниқ булган тақдирдагина, уларнинг мазмунини белгилаш ва уларни дидактик нуқтаи назардан ишлаб чиқишга киришиш мумкин. Шу боис, қар бир касб-хунар коллежи таълим берувчилари учун ўқув мақсадларини билиш, тўғри қўя олиш ва танлаш қуникмаларига эга бўлиш - таълим жараёнида жуда муҳим аҳамият касб этади.

Қар бир назарий дарс ва амалий машғулотнинг ўқув мақсадлари олдиндан аниқланиши лозим. Аниқланган ўқув мақсадлари, дарс мазмуни бўйича қайси назарий материалларни танлаш, уни утказиш бўйича қандай методик ва дидактик воситалардан фойдаланиш лозимлигини белгилаб беради. Шундай қилиб, қар қандай таълим жараёнида ўқув мақсадлари таълим мазмуни, методлари ва воситаларини белгилар экан.

Ўқув мақсадлари таълим жараёнининг қўламига қўра турлича тарзда ифодаланиши мумкин. Ўқув мақсадлари қуйидагича бўлинади:

- алоҳида олинган битта дарснинг мақсади;
- фаннинг бирор бўлимини ўрганишнинг ўқув мақсадлари;
- бутун бир фанни ўрганишнинг ўқув мақсадлари;
- бутун бир мутахассисликни эгаллаш бўйича ўқув мақсадлар.

Қичик қўламда (алоҳида дарс, фаннинг бир бўлими учун) мақсадлар аниқ белгиланса, қўлам қатталашган сари (мутахассисликни эгаллаш учун) ўқув мақсадлари умумлаштириб бўрилади. Ўқув мақсадлари қамров қўламига қараб уч хил турга ажратилади:

- **Йўналтирувчи ўқув мақсади** - таълим жараёнининг устивор йўналишини қўрсатади.
- **Умумий ўқув мақсади** - таълим жараёнининг ўрта қўламига тааллуқли бўлиб, таълим жараёнининг устивор йўналишини қўрсатади.
- **Аниқ ўқув мақсади** - қичик қўламдаги таълим жараёнига тааллуқли бўлиб, қўзланган натижани (билим, ҳатти-ҳаракат ва ҳулқни) аниқ қўрсатади.

Йўналтирувчи мақсадлар. Йўналтирувчи мақсадлар энг қатта қўламдаги таълим жараёнининг мақсадларини белгилайди.

Масалан, бирор мутахассисликни эгаллаш бўйича ўқув мақсадлари. Бу мақсадлар одатда давлат таълим стандартларида ўз аксини топади ва қонуний ҳужжат ҳисобланади. Улар таълим жараёнига қўйилган умумий талабларни аниқлайди ва унинг умумий йўналишини белгилаб беради.

Умумий мақсадлар. Умумий мақсадлар қичикроқ қўламдаги таълим жараёнларига тааллуқли бўлиб, унинг мазмуни йўналтирувчи мақсадлардан қелиб қикади. Масалан, бирор фан бўйича ўқув мақсадлари. Умумий мақсадлар қам қар бир фан бўйича тузилган давлат таълим стандартлари қўринишида белгиланиши мумкин. Умумий мақсадлар йўналтирувчи мақсадларни ўз қамров қулами қаражасида ойдинлаштиради ва аниқлаштиради. Шундай бўлсада, йўналтирувчи мақсадлар қам таълим олувчи эгаллаши лозим бўлган билим, қўникма, малақа ва ҳулқ ҳақида умумий тасаввурни беради. У қам ўз навбатида пастқи қуламда янада аниқлаштирилиши ва ойдинлаштирилиши лозим бўлади.

Аниқ мақсадлар (қутилаётган натижалар). Аниқ мақсадлар энг қичик қуламдаги таълим жараёнига тааллуқли бўлиб, унинг мазмуни ўз навбатида умумий мақсадлардан қелиб қикади. Масалан, бирор бир дарснинг мақсади. Аниқ мақсадлар аниқ ифода этилганлиги туфайли таълим жараёнида муҳим ўрин тутати. Улар бирор бир мавзуга оид дарс, амалий машғулот бўйича ўлчаниши мумкин бўлган аниқ якуний билим, қўникма, малақа ва ҳулқни ифодалайди. Шунинг учун уларни ифодалашда мақсадлар билан бирга уларга эришиш қўрсатқичларини, бақолаш мезонларини ва бу натижаларга эришиш учун яратилиши лозим бўлган шарт-шароитлар (асбоб-усқуналар, материаллар ва бошқа зарурий воситалар) тавсифини қам бериш лозим бўлади. Аниқ мақсадлар одатда таълим муассасалари ўқитувчилари томонидан ишлаб қикилади. Шунингдек, бу мақсадлар юқорида турган мутасадди таълим муассасалари, илмий-методик қенгашлар томонидан ишлаб қикилиши ва амалиётга тақдиқ қилиниши мумкин.

Аниқ ўқув мақсадлари моҳиятига қўра уч соҳага бўлинади (5.1 - қизма).


- **Когнитив** (назарий билимларни узлаштириш билан боғлиқ) ўқув мақсадлари соҳаси;
- **Психомоторик** (амалий хатти-ҳаракатларни ўзлаштириш билан боғлиқ) ўқув мақсадлари соҳаси;
- **Аффектив** (хулқ ўзини тутиш, атроф-муҳитга ва теъдиқ атрофдагиларга муносабатнинг шаклланиши ва кадриятларни ўзлаштириш билан боғлиқ) ўқув мақсадлари соҳаси.



5.1 - чизма. Ўқув мақсадларининг соҳаси.

1. Когнитив ўқув мақсадлари соҳаси. Когнитив ўқув мақсадлари соҳаси - ўқув материаллари, маълумотлар, ахборотлар, турли далиллар, тушунчалар, тамойиллар ва методларни билиш (яъни хотирада сақлаш ва эшлаш) ва уларни миёда қайта ишлаш орқали тушуниш, амалда қўллаш, таҳлил ва Синтез қилиш, баҳолашни ўз ичига олади. У билимларни ёдда сақлаш, яъни хотирани чиниктириш, интеллектуал ақлий қобилиятларни ривожлантиришни кўзда тутди.

Америкалик психолог олим Бенджамин Блум томонидан ўрнатилган "Блум таксономияси" (5.2-чизма) бўйича ўрганиш даражаси 6 поғонадан иборат бўлиб, когнитив ўқув мақсадлари соҳаси ушбу поғоналар бўйича фаркланади.



5.2 - чизма. Ўрганиш поғоналари.

«Билиш» даражаси когнитив соҳанинг энг қуйи босқичи бўлиб, у тушунчалар, далиллар ва тамойилларни эслаш демакдир. Бу босқичда шахс ўзлаштирган билимларини хотирада сақлаши ва эслаши, уларни номлаши ва айтиб бера олиши керак.

«Тушуниш» босқичида ўзлаштирилган билимлар моҳияти ойдинлаштирилади ва англаб етилади.

«Қўллаш» босқичида ўзлаштирилган назарий билимлар турли шаклларда қўлланилади.

«Тахлил» босқичи шахсга ўзлаштирилган билимларни тахлил қилиш имконини беради.

«Синтез» босқичи шахсга ўзлаштирилган билимларни ўзаро бир-бирига боғлаш ва умумий алоқадорликларни аниклаш имконини беради.

«Баҳолаш» даражаси энг юкори босқич ҳисобланади. Бу босқич олинган билимлар асосида маълум кадриятларга таълуқли ҳолатларни баҳолаш, қарор қабул қилиш, муаммоларни ҳал қилиш ва баҳолаш мезонларини яратиш кўникмаларини злаштиришни назарда тутди.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир даража узидан олдинги даражадаги билимларни ўзлаштиришни тақозо этади.

2. Психомоторик ўқув мақсадлари соҳаси. Бу ўқув мақсадлари соҳаси амалий иш жараёнлари орқали ҳосил қилинадиган кўникма ва малакаларни эгаллашни кўзда тутди. Бунда психика орқали бошқариладиган мушкул ҳаракатлари (моторик ҳаракатлар) амалга ошади. Амалий фаолият олиб бориш, мисол учун, бирор асбобни ишлата олиш малакасига эга бўлиш психомоторик ўқув мақсадлари соҳасига таалуқлидир. Ушбу ўрганиш соҳаси инсон мияси томонидан бошқариладиган ҳаракатларни ифодалайди. Улар эса ўз навбатида моторик (мушкул ҳаракатлари билан боғлиқ) кўникмаларни талаб этади. Психомоторик ҳаракатлар оддий, урта ва комплекс ҳаракатларга ажратилиши мумкин.

3. Аффектив ўқув мақсадлари соҳаси. Аффектив ўқув мақсадлари соҳаси шахснинг атроф муҳитга бўлган муносабати, бошқа кишилар билан ўзаро муомаласи, ҳулки, жамоат жойларида ўзини тутиши каби умуминсоний кадриятларни ўзлаштириши билан боғлиқ бўлган кўникмаларни эгаллашни назарда тутди. Уни аниқлашда маслак, манфаат, муносабат

кадрият, интизом, дунёкараш, хавфсизлик (хусусан, меҳнат хавфсизлиги) каби эмоционал ҳолатлардан келиб чикилади.

Хулоса килиб айтганда, ихтиёрий таълим жараёнини ўқув мақсадларидан иборат бўлади. Назарий дарсда кўпроқ когнитив соҳа, амалий таълимда эса кўпроқ психомоторик соҳа бўйича билимларни эгаллашга эътибор қаратиш лозим. Аффектив соҳага купинча унча эътибор берилмасдан келинар эди. Шахс камолотига янгича назар билан қаралаётган ва катта эътибор берилмаётган бугунги кунда бу соҳа янада катта аҳамият касб этиб бормокда.

Ўқув мақсадларини ифодалашда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- аниқ қўйилганлигига;
- ўлчанадиганлигига;
- реаллиги, амалга ошириш мумкинлигига;
- вақт жихатдан белгиланганлигига.

Ўқув мақсадларини ифодалашда муайян аниқ иш ёки хатти-ҳаракатни ифодаловчи феъллардан фойдаланилади.

1. Когнитив ўқув мақсадлари соҳаси

Даражалар	Тавсия этиладиган феъллар
Билиш	Аниқлаш, номлаш, таърифлаш, ёзиш
Тушуниш	Фарқлаш, тушунтириш, ифодалаш, мисол келтириш
Қўллаш	Ишлатиш, танлаш, топиш, тайерлаш, ечиш, ҳисоблаш
Тахлил	Фарқлаш, таққослаш, карама-қарши қўйиш, тахлил қилиш
Синтез	Таснифлаш, тузиш, қуриш, яратиш, жамлаш
Баҳолаш	Қарор қилиш, баҳолаш, танқид қилиш, фикр биллириш

2. Психомоторик ўқув мақсадлари соҳасида

Даражалар	Тавсия этиладиган феъллар
Қўйи боскич	Боғлаш, ажратиш, чизиш, алмашиш, тақлид қилиш, ҳаракатни қайтариш
Ўрға боскич	Ясаш, монтаж қилиш, хатосини топиш, хизмат курсатниш, амалга ошириш, созлаш, урнатиш
Юқори боскич	Лойихалаш, конструкциялаштириш, яратиш, симуляция қилиш, текшириш

3. Аффектив ўқув мақсадлари соҳасида

Ушбу соҳадаги ўқув мақсадларни иш ёки хатти-ҳаракатни ифодаловчи фаолиятлар орқали ифодалаш анча мушкул бўлади. Шунингдек, бу ўқув мақсадларга эришишни кузатиш ва баҳолаш ҳам анча қийин кечади. Шундай бўлсада, аффектив ўқув мақсадларни бешта боскичга (даражага) бўлиш ва ҳар бир боскич учун қуйидаги феъллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Даражалар	Тавсия этиладиган феъллар
1 Боскич	кадриятни англаб етиш, кадриятга умуман олганда эътибор бериш
2 Боскич	кадриятга талабларга қура эътибор бериш кадриятга эътибор бериш орқали қониқиш ҳиссига эришиш

3 Боскич	кадриятга асосан риоя қилиш кадриятни афзал қилиш
4 боскич	кадриятлар татибини тузиш:
5 Боскич	кадриятга тўла риоя қилиш, янги кадриятларни англаб етиш

Назорат учун саволлар

1. Аниқ ўқув мақсадлари моҳиятига кўра неча турга бўлинади?
2. Ўқув мақсадларнинг қайси турига хатти ҳаракатлар билан боғлиқ кўникмалар соҳаси киради?
3. Когнитив ўқув мақсадлари соҳаси нималарни ўз ичига олади?
4. Ўрганиш поғоналари неча турга ажратилади?
5. Ўқув мақсадларини ифодалашда муайян аниқ иш ёки хатти-ҳаракатни ифодаловчи қандай феъллардан фойдаланилади?
6. Ўқув мақсадларини ифодалашда нималарга эътибор бериш керак?
7. Йўналтирувчи ўқув мақсади нима?
8. Умумий ўқув мақсадини тушунтириб беринг.
9. Аниқ ўқув мақсад нима?
10. Когнитив ўқув мақсад соҳасини тушунтириб беринг.

6-Маъруза

“ТЎРТ ПОҒОНАЛИ” МЕТОДГА АСОСЛАНГАН ФАОЛИЯТ

Режа:

1. "Маъруза" методи ва унинг босқичлари
2. "Тўрт поғонали метод" метод

Таянч сўз ва иборалар:

Анъанавий методлар, маъруза, сўзлаш, баён этиш, рағбатлантириш(ситимуллар), қиёсларда ракамлар, тушунтиришлар, пассив фаолият, актив фаолият, асосий қисм, диққат билан тинглаш, зиёлилик, профессионализм, қиёсларда ракамлар, фактларни ишлатиш, гаптириш ва талаффуз.

Ўнлаб йиллар утказилган гадкиотлар натижаеи шуни курсатадики, анъанавий дарс таълимининг самарали моделларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўқув материали янги ва анча мураккаб бўлганда, анъанавий дарс - кўп ҳолларда таълим жараёнининг бирдан-бир самарали модели булиб қолмоқда. Маълумки анъанавий дарсда таълим жараёнининг марказида таълим берувчи туради. Яъни таълим жараёнида таълим берувчи таълим олувчига нисбатан фаол иштирок этади. Шу боис, баъзида анъанавий дарсни марказида таълим берувчи турган ўқитиш модели деб ҳам аташади. Анъанавий дарснинг асосий мақсади – дарс мавзусининг асосий мазмунини, тушунча ва фактларини таълим берувчи томонидан таълим олувчиларга етказиш ва тушунтиришдан иборат. Дарс - олдин ўзлаштирилган билимлар билан ўзлаштирилиши лозим бўлган билимлар ўртасида алоқа ўрнатилишидан бошланади.

Анъанавий методлар деганда - таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган ва таълим олувчилар ийсбаган пассив иштирок этадиган методлар тушунилади.

Анъанавий таълим методларига маъруза намойиш, тақдирот, савол-жавоб, тўрт поғонали методлар киради. Ўқув амалиёти машғулотларида ўтиладиган мавзу анча мураккаб бўлганда, «Тўрт поғонали» метод кўп ҳолларда таълим жараёнининг бирдан-бир қулланиладиган самарали методи булиб қолмоқда.

Қуйидаги материалларда анъанавий таълим методларидан "Маъруза" методи ва "Тўрт поғонали" методларни ўтказиш босқичлари ва уларнинг афзалликлари ҳамда камчиликлари тўғрисида тўхталиб ўтамыз.

“МАЪРУЗА” методи

Маъруза-катта ҳажмдаги ўқув материални нисбатан узок вақт давомида монологик баён этишдир.

Бу метод бутунлай "сўзлаш" орқали амалга ошириладиган ўқитиш методи ҳисобланади. У 40 дақиқа ёки ундан узокроқ давом этади ва одатда таълим олувчининг иштироки учун ҳеч қадайдан имконият қолдирмайди.

Маърузанинг тушунарлилигини оширувчи жиҳатлар:

- фикрни содда тилда баён этиш
- маъруза тузилмасининг (структурасининг) мантиқан тугри тузилганлиги;
- фикрларни қисқа ва лунда ифодалаш;
- рағбатлантириш (стимуллар);
- нотиклик, раво тилда гапириш ва талаффуз.

Фикрни содда тилда баён этиш. Ўз фикрини содда ифодалаш-таълим берувчининг энг муҳим фазилятларидан биридир. Ўз фикрини мураккаб тилда ифодалаш - зиёилик ва профессионализм белгиси ҳисобланмайди. Ўз фикрини содда тилда ифодалаш - таълим олувчига мос равишда гапириш демакдир.

Содда тилда гапиришга қуйидагилар воситасида эришилади:

- айтилган фикрни қурғазмали қилиб етказиш;
- фикрни қисқа гаплар воситасида ифодалаш;
- оддий сузларни ишлатиш;
- атамалар маъносини тушунтириб кетиш;
- чет тилидан қириб келган сузларни иложи борида ишлатилмаслик, ишлатилган тақдирда тушунтириш бериш;
- содда тузилишга эга бўлган гапларни ишлатиш;
- фаол феълларни ишлатиш.

Маъруза тузилмасининг (структурасининг) мантиқан туғри тузилганлиги

Маърузанинг ушбу белгиси маърузаниш ташқи тузилиши ва ички тартибини тугри тузилганлигини билдиради. Маърузанинг ташқи тузилиши - уни ўқишдаги қуйидаги хатти-харакатларини билдиради:

- ✓ маъруза мавзуси билан таништириш;
- ✓ мавзунинг асослаш;
- ✓ мантикий тузилма асосида маърузани олиб бориш;
- ✓ маърузани якунлаш.

Маърузанинг ички тартиби уни ўқишда риоя қилинадиган мантикий кетма-кетликни билдиради:

- ✓ маълумотлар мантикий туғри кетма-кетликда берилиши;
- ✓ маърузанинг алоҳида қисмлари ўртасида ўзаро алоқаларни урнатиш;
- ✓ бир фикрдан бошқа фикрга сакраб ўтишга йул қуймаслик;
- ✓ муҳим ва унча муҳим бўлмаган нарсаларни фарқлаш.

Фикрларни қисқа ва лунда ифодалаш. Қисқа ва лунда ифодалаш деганда, маъруза мазмунининг ортиқча вақт кетмасдан, лунда, аниқ ва тугри ифодаланиши тушунилади.

- ✓ бутунлай ўқув мақсадга қаратилган;
- ✓ асосий мазмунини қаратилган;
- ✓ туғри (беҳато) ифодалардан иборат;
- ✓ муҳим ва қарақли изоҳлар билан чекланган.

Рағбатлантириш (ситимуллар), Рағбатлантириш (стимуллар) деб маъруза таркибидаги шундай қўшимчалар тушуниладики, улар маъруза мазмунини таълим олувчиларга жонлироқ қилиб беради ва шу орқали уларнинг эътиборини кизикишини таъминлайди. Рағбатлантиришга қуйидагилар ёрдамида эришилади:

- ✓ маъруза мазмунларини тўғри кизикарли фактлар, масалан урф-одат, хикоя ёки мигомиир сранида аниқлаштириш;
- ✓ таассуротли гапириш айтилаётган фикрларни курғазмали тарзда етказиш (визуаллаштириш);
- ✓ қиёсларда ракамлар ва фактларни ишлатиш;
- ✓ таълим олувчиларга мос кизикарли ифодаларни танлаш шахсий фикрни билдириш;
- ✓ тингловчиларнинг фикр-мулохазаларидан фойдаланиш.

Маърузанинг тузилиши (структураси)

Маъруза одатда уч қисмдан: кириш, асосий ва якуний қисмдан иборат бўлади (6.1-чизма).



2.4-чизма. “Маъруза” методининг тузилмаси

"Маъруза" методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Кириш қисми:

- ✓ Қутлаш;
- ✓ Мавзу;
- ✓ Мақсад;
- ✓ Ташкилий саволлар;
- ✓ Мотивация, кизикишни уйғотиш

2. Асосий қисм:

- ✓ 1-асосий фикр;
- ✓ 2-асосий фикр;
- ✓ 3-асосий фикр ва хоказо.

3. Якуний қисм:

- ✓ Натижа ва хулоса;
- ✓ Умумлаштириш.

Таълим олувчилар билан таълим олувчининг биргаликдаги ушбу фаолиятини ташкил этишнинг самарали шартлари қуйидагилардан иборат:

- маърузанинг батафсил режасини тузиш;
- маъруза режасини эшиттириш;
- режанинг ҳар бир қисмини ёритишдан сўнг қисқача умумий хулоса қилиш;
- маърузанинг бир қисмидан бошқа қисмига (бўлимига) ўтишда мантиқий боғлиқлиқни таъминлаш;
- муаммоли баён қилиш;
- ёзиб олиш зарур бўлган жойларни ажратиш (ёздириш);
- маърузаларни унинг алоҳида батафсил таҳлил қилиш имконини берувчи семинар-машғулоғлар ва амалий машғулотлар билан қушиб олиб бориш.

"Маъруза" методидан фойдаланганда маълумотлар, тушунтиришлар (изоҳлар) ва фактлар самарали равишда тақдим этилади.

"Маъруза" методининг афзалликлари.

- аниқ илмий билимларга таянади;
- вақтдан унумли фойдаланилади;
- таълим берувчи томонидан ўқув жараёнини тўлиқ назорат қилиш имконияти пайдо бўлади.

"Маъруза" методининг камчиликлари.


- таълим олувчилар пассив иштирокчи бўлиб қоладилар;
- таълим берувчи билан таълим олувчилар бевосита мулоқотга кириша олмайдилар;
- катта миқдордаги билимларни ўзлаштириш таълим олувчилар учун қийин кечади;
- узок вақт давомида диққат билан тинглаб ўтириш таълим олувчиларни тез толиқтиради;
- эслаб қулиш даражаси барча таълим олувчиларда турлича бўлганлиги сабабли, гуруҳ бўйича ўзлаштириш даражаси паст бўлиб қулиши мумкин.

"Тўрт поғонали" методи.


"Тўрт поғонали" метод - амалий кўникмаларни ўзлаштириш жараёнининг тўрт поғона доирасида кечадиган методидир.

Бу метод таълим олувчиларга бир хилда такрорланадиган кул кўникмаларини тез ва мукамал урганиб олишларига ёрдам беради. "Тўрт поғонали" метод кулланилганда, таълим олувчилар иложи борица оддий операциялар билан таништирилади, сўнг уни такрорлайдилар ва то мукамал ўзлаштирагунча машқ қиладилар. Ушбу метод куйидаги босқичлардан иборат (6.2-чизма):

- тушунтириш;
- нима қилиш кераклигини курсатиб бериш;
- курсатилган тарзда қайтариш;
- машқ қилиш.



6.1-чизма. “Тўрт поғонали” методнинг тузилмаси.



6.2-чизма. “Тўрт поғонали” методда мухандис-педагог ва таълим олувчининг фаолияти.

“Тўрт поғонали” методнинг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. **“Тушунтириш”** босқичида муҳандис-педагог таълим олувчиларга аввал оддий операция босқичини тушунтириб беради.

2. **“Нима қилиш кераклигини тушунтириб бериш”** босқичида муҳандис-педагог таълим олувчиларга топшириқни қандай бажариш кераклигини амалда кўрсатиб беради.

3. Учинчи босқичда таълим олувчилар муҳандис-педагог курсатган иш ҳаракатларини такрорлайди. Муҳандис-педагог таълим олувчилар бажараётган ҳаракатлар юзасидан ўз фикрини билдириб, хатоларини тўғрилаб туради.

4. **“Машқ қилиш”** босқичида таълим олувчининг ҳатти-ҳаракати муҳандис-педагог томонидан назорат қилиб борилади. Таълим олувчилар иш амалларини мукамал ўзлаштирганларидан сўнг, уни мустақил бажарадилар.

“Тўрт поғонали” методнинг асосий белгиси-таълим олувчиларнинг ҳаракатлари муҳандис-педагог кўрсатиб берган ҳаракатлар доираси билан чеклангангадир.

“Тўрт поғонали” методнинг афзалликлари:

- Таълим олувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришда ёрдам беради;
- Вақтдан унумли фойдаланиш имконияти мавжуд;
- Оддий иш босқичларини ўзлаштириш даражаси юқори бўлади.

“Тўрт поғонали” методнинг камчиликлари:

- Таълим олувчиларнинг ҳаракатлари таълим берувчи кўрсатиб берган ҳаракатлар доираси билан чекланиб қолади;
- таълим олувчилар яқка тартибда ўрганишга йўналтирадилар, лекин мустақил фикрлаш имконияти чегараланган бўлади;
- Иш босқичларини амалга оширишда ҳеч қандай янгича ёндошувларга йўл қўйилмайди.

Назорат учун саволлар

1. “Маъруза” методининг кириш асосан қандай қисмларни ўз ичига олади?
2. “Маъруза” методининг “тўрт поғонали” методдан фарқи нима?
3. Педагогик технологияда “тўрт поғонали” методнинг ўрни қандай?
4. “Тўрт поғонали” методда таълим олувчининг фаолияти қандай?
5. “Тўрт поғонали” методнинг камчиликлари ва афзалликлари айтинг.
6. “Тўрт поғонали” метод деб нимага айтилади?
7. “Маъруза” методини тушунтириб беринг.
8. “Маъруза” методининг камчиликларин айтинг.
9. Машқ қилиш босқичини тушунтириб беринг.
10. “Тўрт поғонали” методнинг анъанавий методдан фарқи нима?

7-Маъруза
ИХТИСОСЛИК ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ЎҚУВ-РЕЖАЛАШТИРИШ
ХУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Режа:

1. Ўқув жараёнини режалаштиришда таълим берувчи
2. Таквим-мавзуий режа ва дарс режасини ишлаб чиқиш
3. Машғулотнинг технологик харитаси

Таянч сўз ва иборалар:

Машғулотларни режалаштириш истикболли тайёргарлик, назарий дарс, керакли китоблар, мухандис-педагоглар, таквим-мавзуий режа, кундалик дарс режаси, ўқувчиларнинг машқлари, мустакил ишлари тизимини, жорий инструктаж методларини белгилаш.

Машғулотларни режалаштириш ва уларга тайёргарлик кўриш ўзаро чамбарчас боғлангандир. Режалаштириш-тайёргарликнинг бир қисми бўлиб, режалаштириш хужжатларида таълим берувчининг машғулотларга тайёргарлик натижалари акс эттирилади. Машғулотларга тайёргарликни икки босқичга булиш мумкин: **истикболли** тайёргарлик-ўқув йилига ва дастурнинг мавзуларини ўрганишга тайёргарлик ҳамда **жорий**-навбатдаги дарсга тайёргарлик. Тайёргарликнинг ҳар бир элементи таълим берувчининг шахсан тайёргарлини, ўқув кургазмали курулларини тайёрлашни ва ўқув жараёнини режалаштиришни ўз ичига олади.

Ўқув жараёнини режалаштиришда таълим берувчи қуйидаги вазифаларни амалга ошириши керак:

- таълим ва тарбия ишлари истикбол режаларини тайёрлаш;
- ўқув ишлаб чиқариш ишлари учун меъёрлар ва техника талабларини ишлаб чиқишда катнашиш;
- ўқув техника хужжатларини, баҳолаш мезонларини, ишлаб чиқариш амалиётининг батафсил дастурини ишлаб чиқиш;
- махсус ва умумқасбий фанларни ўрганиш пайтида мавзу бўйича олинган ўқувчилар билимларини таҳлил қилиш;
- мавзу материални кичик мавзулар ва дарсларга тақсимлаш;
- ўтилган машғулотлар якунларини таҳлил қилиш, келгуси дарс мазмуни, мавзуси, таълим ва тарбия мақсадларини аниқлаш;
- кириш инструктажини ўтказиш методларини белгилаш;
- ўқувчиларнинг машқлари ва мустакил ишлари тизимини, жорий инструктаж методларини белгилаш;
- дарс режасини ва кириш инструктажи конспектини тузиш, ўқувчиларга бериладиган муайян уй топшириқларини белгилаб қўйиш.

Махсус фан ўқитувчилари ва мухандис-педагоглар қуйидаги асосий ўқув-режалаштириш хужжатларини юритади:

- таквим-мавзуий режа; кундалик дарс режаси;
- дарснинг маъруза матни;
- ёзма курсатма бериш хужжатлари:
 - а) йул-йурик харита;
 - б) йул-йурик технологик харита;
 - в) кўп учрайдиган хатолар харитаси.

Режалаштириш хужжатлари дарс ўтказиш учун асосий восита бўлиб хизмат қилади.

Таквим-мавзуий режа ва дарс режасининг тузилмаси қатъий белгиланган эмас. Шу билан бирга, ушбу режалаштириш хужжатларини ишлаб чиқишдаги баъзи қоидаларни эътиборга олиши лозим.

Таквим-мавзуий режа ўқув материални тўғри тақсимлашда мазкур фанни бошқа фанлар ва ўқув амалиёти билан боғлашда, дарсга керакли ўқув материаллари ва жихозлашда тайёрлашда ёрдам беради, ўқиш жараёнининг самарадорлигини ошириш шароитини яратиш имконини беради.

Таквим-мавзуий режа ва дарс режасини ишлаб чиқишда дарс турини фарклаш муҳим аҳамиятга эга. Хар кандай дарс ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, у узининг конкрет вазифалари ва мазмунига кура бир-биридан фарк қилади. Лекин дарсларда ўқитиш ва ўқув фаолиятларининг умумий хусусиятлари ҳам мавжуддир.

Таквим-мавзуий режанинг асосини мавзулар бўйича дарслар тизими ташкил этади. Мазкур режани ўқитувчи фаннинг ўқув режаси ва дастурига асосан тузиб олади ва унда қуйидагилар қўзда тутилади:

- мавзулар;
- хар бир мавзуга ажратилган вақт;
- дарс тури ва шакли;
- дарсда ўқувчиларнинг мустақил ишлаши бўйича топшириқлар;
- фанлараро ва фан ичидаги боғланишларни белгилаш;
- қўргазмали қўроллар, дидактик материаллар ва таълимнинг техник воситаларини белгилаш;
- ўйга топшириқ;
- фойдаланиладиган адабиётлар.

Таквим-мавзуий режанинг бўлимлар ўқув фани мавзу материалнинг мазмуни, касб-хунар коллежини ўқув-моддий базаси, ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қараб аниқланади. Таквим-мавзуий режа касб-хунар коллежининг методик кенгашида қўриб чиқилади.

Таквим-мавзуий режа такроран фойдаланиладиган ҳужжат бўлиб, унга мунтазам равишда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб борилади.

Қуйидаги 7.1-жадвалда назарий дарс бўйича таквим-мавзуий режанинг тузилмаси келтирилган.

7.1-жадвал.

Таквим-мавзуий режа. (Назарий дарс учун)

Т/р	Мавзу	Ажратилган соат	Таълим шакли	Дарс тури	Фанлараро ва фан ичидаги боғлиқ	Таълим методлари	Таълим воситалари	Асосий топшириқлар	Фойдаланиладиган адабиётлар	Ўйга топшириқ
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

Таквим-мавзуий режа 1 йил ёки 6 ой учун тузилади.

Таквим-мавзуий режанинг бўлимлари қуйидагича тулдирилади:

1. Дарснинг тартиб рақами ёзилади.
2. Дастур бўйича мавзу ёзилади ва дарснинг режаси келтирилади.
3. Мавзуга неча соат ажратилганлиги кўрсатилади.
4. Таълим шаклини белгилашда ўқув режада ва дастурда берилган бўйича назарий ва амалий лаборатория машғулотларига ажратилади.
5. Дарс тури белгиланади. Дарс турлари машғулотини ўтказиш босқичлари ва мақсадига кўра янги билимларни ўзлаштириш дарси, аралаш дарс, такрорлаш ва мустаҳкамлаш дарси, синов дарсларига ажратилади. Дарс тури ўқув-тарбия мақсадлари ва ўқув материалнинг мазмунига қараб танлаб олинади.

6. Фанлараро ва фан ичидаги боғланишлар. Бу бўлимда урганилаётган фаннинг умумтаълим, умумкасбий ва бошқа махсус фанлар билан боғланишлари курсатилади. Укитиш жараёнида укув материалининг мазмунида ҳамма турдаги боғланишлардан фойдаланиш (бошқа фан билимларини куллаш, ҳар бир фанларда урганиладиган тушунча, конун ва конуниятларни бир хил изоҳлаш) керак.

7. Дарсда фойдаланиладиган таълим методлари курсатилади. Мавзуни ургатишда ва урганишда бир неча методлардан фойдаланиш мумкин. Метод танлашда мавзунинг укув мақсади, талаб этиладиган шарт-шароит, таълим олувчиларнинг сони ва имкониятлари ҳисобга олиниши керак.

8. Укитишнинг техник воситалари, курғазмали қуроллар курсатилади. Бунда мавзу бўйича дарсда фойдаланиладиган техник воситалар, курғазмали қуроллар ва жиҳозлар, кино ва диафильмлар, плакат, макет, модел ва деталларнинг рақамлари курсатилади.

9. Ушбу бўлим амалий машғулотлар учун мулжалланган бўлиб, унда укувчиларнинг дарсда мустақил ишлашлари учун берилладиган топшириқлар курсатилади.

10. Фойдаланиладиган адабиётлар. Бунда мавзуни ўрганиш учун керакли китоблар, қўлланмалар ва бошқа манбаалар курсатилади.

11. Уйга топширик. Мустиқил ишлашда фойдаланиладиган адабиётларнинг номлари, нашриётлари, чиққан йиллари, қайси бетлардан фойдаланиш кераклиги ифодаланади.

Қуйидаги 7.2-жадвалда юқоридаги назарий дарс бўйича тақвим-мавзуий режадан фарқлироқ, укув амалиёти машғулоти бўйича тақвим-мавзуий режани эътиборингизга ҳавола этамиз.

7.2-жадвал.

Тақвим-мавзуий режа. (Ўқув амалиёт машғулоти учун)

Т/р	Мавзу	Ажратилган соат	Фанлар-аро фан ичидаги боғлиқлик	Таълим методлари	Таълим воситалари	Керакли асбоб-ускуна ва жиҳозлар	Амалий топшириқлар	Фойдаланиладиган адабиётлар	Уйга топширик
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Юқоридаги 7.2-жадвалда берилган тақвим-мавзуий режа назарий дарс бўйича ишлаб чиқилган тақвим-мавзуий режа билан деярли бир хил. Фақатгина 7-бўлимдаги дарс учун керак бўладиган асбоб-ускуна ва жиҳозларнинг рўйхатини аниқ белгилаш лозим бўлади. Ушбу рўйхат амалий машғулотларни самарали олиб боришда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Тақвим-мавзуий режадан келиб чиққан ҳолда ҳар бир машғулот учун, яъни назарий дарс учун ҳам, укув амалиёти машғулоти учун ҳам алоҳида дарс режаси ишлаб чиқилади.

Дарс режаси асосий ўқув-режалаштириш ҳужжатларидан бири бўлиб, уни ўқитувчи ўқув дастури ва тақвим-мавзуий режа асосида тузади. Унда дарснинг таълим-тарбиявий мақсадлари, укитиш ва тарбиялаш масалалари курсатилади ҳамда дарснинг таркиби ва босқичлари, ҳар бир босқичга ажратилган вақт, ўқитувчи томонидан изоҳланадиган ўқув материалининг кетма-кетлиги ва мазмуни, мустиқил ишларнинг характери ва мазмуни, уй топшириги ва бошқалар ифодаланади.

Дарс режасининг асосий мақсади ўқитиш жараёнини туғри режалаштиришга ва унинг самарадорлигини оширишга ёрдам беришдир. Дарс муваффақиятли ўтиши учун уни ташкил этиш бўйича ўқитувчи фаолиятининг мақсадини аниқлаш лозим.

Сизга намуна сифатида илғор педагогик технологиялар талабларига мос келадиган назарий дарс режасини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Сизга тақдим этилаётган янги дарс режаси машғулотнинг технологик харитасини ҳам ўз ичига олган. Машғулотнинг технологик харитасида таълим технологияси элементлари ўз аксини топган. Бу эса ҳар бир ўқитувчидан дарс вақтларини' тўғри тақсимлашга, таълим технология элементларидан самарали фойдаланишни олдиндан режалаштириб олишга катта ёрдам беради. Қуйидаги назарий дарс режаси "Трактор ва автомобиллар" фанидан мисол тариқасида берилган.

НАЗАРИЙ ДАРС РЕЖАСИ

Фан: «Трактор ва автомобил»

Мавзу: Трактор ва автомобилларнинг рул бошқармаси.

Ўқув мақсади: Ўқувчиларни рул бошқармасининг тузилиши, ишлаш тамойили, созланиши ҳамда транспорт воситалари ҳаракатининг хавфсизлиги рул бошқармасининг техник созлигига боғлиқлиги бўйича билимларини шакллантириш

Кутилаётган натижалар:

- ўқувчилар рул бошқармасининг тузилиши ҳақида тушунчага эга бўладилар;
- рул бошқармасининг ишлаш тамойилларини санаб бера оладилар;
- ҳар хил автомобилларнинг рул бошқармаларини таққослай оладилар.

Машғулот учун талаб этиладиган вақт: 80 дақиқа.

Дарс тури: Янги билимларни ўзлаштириш дарси.

МАШҒУЛОТНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Дарс босқичлари	Вақт	Дарс мазмуни	Метод	Восита
Ташкилий қисм	5	Саломлашиш, йўқлама, ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлигини кўздан кечириш		
Мотивация	10 дақиқа	Машғулот м авзуси, мақсади, кутилатган натижаларни баён қилиш. Ўқувчиларга “Трактор ва автомобилнинг рул бошқармасининг тузилиши нималардан иборат?” деган савол қўйилади, жавоб ёзиш учун қоғоз карточкалар тарқатилади, вақт белгиланади ва жавоблар йиғиб олинади. Жавоблар муҳокама қилинмайди.	Маъруза Ақлий ҳужум	Қоғоз карточкалар, маркерлар
Янги мавзу баёни	20 дақиқа	Ўқувчиларга рул бошқармаси тўғрисида умумий машғулот, унинг тузилиши, рул бошқармасининг ишлаш тамойиллари, рул бошқармасининг созлаш ва ҳар хил автомобилларнинг рул бошқармасини тоққослаш бўйича тушунчалар ва мисоллар келтирилади.	Маъруза	Доска, слайд, кодоскоп

Мустахкамлаш	15 дақиқа	Рақамли карточкалар ёрдамида ўқувчилар кичик гуруҳларга бўлинади ва ҳар бир гуруҳга қуйидаги вазифалар топширилади: 1-гуруҳ. “Рул бошқармасининг тузилишини ёзиб беринг?”; 2-гуруҳ. “Рул бошқармасининг ишлаш тамойилларини ёзиб беринг?”; 3-гуруҳ. “Рул бошқармаси созлаш кетма-кетлигини ёзиб беринг?”.	Кичик гуруҳларда ишлаш	Флип-чарт (ватмин) қоғози, маркерлар
	15 дақиқа	Кичик гуруҳлар ўзларига берилган вазифаларини тақдимот қиладилар.	Тақдимот	Доска, скотч ёки магнит
Якуний қисм	10 дақиқа	Ўқутувчи бажарилган ишларни баҳолайди ва умумлаштиради, машғулоти бўйича ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглайди. Уйга топширик: В.П.Митронин, Н.В.Киселёв “Трактор, автомобил ва қишлоқ хўжалик машиналарини тузатувчи слесарнинг ишлаб чиқариш ва унинг методикаси” Тошкент-Ўқутувчи-1992 йил. 32-35бетлар.		

Ўқув амалиёти машғулоти режаси назарий дарс режасидан босқичлари ва уларга ажратилган вақт бўйича талабларига мос келадиган ўқув амалиёти дарс режасини ҳам эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Сизга тақдим этилаётган ўқув амалиёти дарси режасида таълимнинг мақсадлари, кутилаётган натижалар ва таълим методлари белгиланган.

Буни белгилашдан мақсад ўқув амалиёти дарси режасини янада такомиллаштириш ва фойдаланиш учун қулайлигини оширишдан ибратдир.

ЎҚУВ АМАЛИЁТИ ДАРС РЕЖАСИ

Дарс мавзуси. Дазмолда намлаб-иситиб ишлов бериш. Бириктириб тикиш универсал машиналарида чоклар тикиш.

Дарсдан мақсад. Дазмолда ва мосламаларда намлаб-иситиб ишлов бериш ва бириктириб тикиш универсал машиналарида чоклар тикиш бўйича куникмаларни шакллантириш.

Кутилаётган натижалар:

1. Ўқувчилар дазмолда ва мосламаларда ишлаётганда меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қила олади.
2. Ёриб дазмоллаётганда, букиб дазмоллаётганда ва х.к. иш ҳолатларида иш қоидалари ва усулларни бажара олади.
3. Универсал машиналарга ип тақа оладилар.
4. Универсал машиналарда турли бирлаштирувчи чокларни тика оладилар.

Дарснинг моддий таъминланиши. Дазмолда намлаб-иситиб ишлов бериш иш урни, дазмоллаш гама колпплари оғирлиги ҳар хил, терморостлагичли электр дазмоллар, оёқ тагига солинадиган резина гиламчалар, ўқувчиларга тарқатиладиган, ёриб дазмолланган ва бошқа хил чок, дазмолланган детал намуналари. Дазмоллаш учун газлама, бириктирма чоклар, машина ишлари учун асбоблар, 16 ғалтак оддий ип, 16 ғалтак ипак, 120 та газлама парчаси (5X10 см), тикув машиналари.

Кўргазмали ўқув қуроллари. Йўл-йўриқ технологик хариталар: «Намлаб-иситиб ишлов бериш» ИШ урпиги ташкил этиш», «Гавданинг иш ҳолати», «Чокларни ёриб дазмоллаш», «Чокларни букиб дазмоллаш», «Деталлар зайини дазмоллаш», «Намлаб-иситиб ишлов беришдаги меҳнат хавфсизлиги қоидалари». Намлаб-иситиб ишлов бериш учун ишлаш ҳолати ёки дазмолда ишлаш ва тахта қолипларнинг ҳар хил турлари тасвирланган плакатлар.

Машғулотга ажратилган вақт- 6 соат

Машғулотнинг методик харитаси

Босқичлар	Ажратилган вақт	Машғулот номи	Метод
Ташкилий	5 дақиқа	Ўқувчиларнинг ждавоматини, иш ўринлари тайёргарлигини текшириш ва ташқи кўринишини текшириш	Маъруза
Мотивация	5 дақиқа	Ўқувчиларга “Намлаб иситиш ишлов беришда ишлатиладиган қандай ускуна ва мосламаларни биласизлар?” деган савол берилади, ўқувчилар берилган саволга оғзаки жавоб берадилар.	Ақлий хужум
Кириш йўл-йўриғи	20 дақиқа	Ўқувчиларга тикувчилик буюмлари тайёрлашда намлаб-иситиб ишлов беришда ишлатиладиган ускуналар ва мосламалар, намлаб-иситиб ишлов беришни ўрганиш тартиби, уларни ўрганишга машқ ишларига кетадиган вақт ҳақида тушунчалар мисоллар билан берилади. Ўқувчиларга дазмоллар тузилишини, ҳарорат режими ўрнатилиши, дазмолда ишлаётганда меҳнат хавфсизлиги қоидаларини тушунтириш.	Маъруза
	20 дақиқа	Дазмоллаётганда гавданинг иш ҳолатини, газламани намлаш ва қуритишни кўрсатиш; газламаларни ҳар хил ҳарорат режимларида синаб кўриш. Машина чок турлари ҳақида сўзлаб бериш ва тикиб уланган машина чокларини, улар ишлатиладиган жойларини кўрсатиш; бирлаштирувчи чоклар ҳақида гапириб бериш ва уларни кўрсатиш: чокларни бириктириб тикиш усуллари кўрсатиш.	Намойиш этиш
Жорий йўл-йўриқ ва ўқувчиларнинг мустақил ишлари	80 дақиқа	Рақамли карточкалар ёрдамида ўқувчилар кичик гуруҳларга бўлинади ва ҳар бир гуруҳга вазифалар берилади. Биричи кичик гуруҳга-универсал машинада ёрма чок тикиш. Иккинчи кичик гуруҳга-бостирма чок тикиш. Учинчи кичик гуруҳга-безак баҳяқаторлар юритиш. Тўртинчи кичик гуруҳга-чокларни ёриб дазмоллаш. Бешинчи кичик гуруҳга-ётқизиш дазмоллаш. Ўқувчилар машқ қилишади, муҳаддис-педагог кузатиб туради ва жорий йўл-йўриқ беради. Муҳандис-педагог иш ўринларини айланиб чиқади: иш ўринларини ташкил этишни текшириш, меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишини текшириш, дазмолда ва машина иш ўринларида ишлаш усуллари текшириш	Кичик гуруҳларда ишлаш

	80 дақиқа	Ўрин алмаштириш асосида кичик гуруҳларга қуйида кўрсатилган топшириқларни бериш: Биринчи гуруҳга-турли томонларга қараган иккита очик қирқимли машина чоклар, Иккинчи гуруҳ-бир томонга қараган иккита очик қирқимли машина чоклар, Учинчи гуруҳга-битта ва иккита ёпиқ қирқимли машина чоклар, Тўртинчи гуруҳга-тутуштирма чоклар, қотирма деталларини улаш, Бешинчи гуруҳга-безак чоклар тагига газлама парчалар қўйиб тикиш.	Кичик гуруҳ-ларда амалий топшириқни бажариш
Якуний йўл-йўриқ	30 дақиқа	Ўқувчиларни юқорида берилган вазифалар бўйича билимларини саволлар орқали баҳолаш: 1) Қуйидаги терминлар нимани билдиради; дазмоллаб текислаш, ёриб дазмоллаш, букиб (ётқизиб) дазмоллаш? 2) Дазмоллашда қандай қолиплар бўлади? 3) Дазмолда намлаб-иситиб ишлов бераётгандаги меҳнат ҳавфсизлиги асосий қоидаларини айтиб беринг.	Савол-жавоб
		Машғулот якунлари жамоа бўлиб муҳокама этилади. Таълим олувчилар бажарилган ўқув ишлаб чиқариш ишлари бўйича ўз-ўзини баҳолайдилар. Шундан сўнг, муҳандис-педагог хато нуқсонларни тузатиш йўллари тушунтириб кўрсатиб беради. Ҳар бир таълим олувчи ишига қисқача таъриф берилади ва қуйидаги баҳо эълон қилинади. Дарсга якун ясаш, уйга топшириқ бериш.	Муҳокама

Махсус фан ўқитувчисининг асосий ҳужжатларидан бири маъруза матни ҳисобланиб, ундан ўқувчилар ҳам фойдаланишлари кўзда тутилган.

Маъруза матни-турли адабиётлардан мазуга доир матераиллар йиғиндисидир.

Маръуза матнининг тузилмаси қуйидагилардан иборат:

- титул варағи (вазирлик, бошқарма, ўқув муассасаси, кафедра ва фан номлари);
- аннотация ёзилади, муалиф такризчилик исми-фамилияси, муҳокама қилинган йиғилиш сони кўрсатилади;
- кириш;
- мавзу режаси;
- мавзу баёни;
- таянч иборалар;
- назорат саволлари ва топшириқлар;
- адабиётлар;
- иловалар;
- мундарижа.

Назорат учун саволлар

1. Машғулотларни режалаштириш ёки ўтказишда ўқитувчи ва ўқувчининг ўрни.
2. Дарс режаси ҳужжатларнинг қайси турига киради?
3. Машғулотларга тайёргарликни неча босқичга булиш мумкин ва унга қўйилган талаблар

4. Машғулотнинг методик харитаси қандай босқичларига ва методларга ажратиш мумкин?
5. Маъруза матнини тузишнинг асосий талаблари.
6. Касбий таълим педагоглари қайси қоидаларга риоя қилиши шарт?
7. Якуний йўл-йўриқ тушунчасини тушунтиб беринг.
8. Ўқув амалиёти дарс режаси қандай тузилади?
9. Дарс ўқишдаги умумий талабалар нима?
10. Махсус фан ўқитувчилари ва мухандис-педагоглар қандай асосий ўқув-режалаштириш ҳужжатларини юритади?

8-Маъруза

МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШГА ДОИР УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

Режа:

1. Махсус фанларни ўқитишда назарий ва амалий дарсларни ташкил этиш.
2. Махсус фанларни ўқитиш тамойиллари.

Таянч сўз ва иборалар:

Дидактика, методика, ўқитиш тамойиллари, дидактик редакция, кўргазмачилик, илмийлик, ўқитишда мунтазамлик ва изчиллик, мухтожлик, педагогик маҳоратини ошириш, баҳолаш, билим, кўникма, малакаларни ўзлаштиришнинг пухта бўлиши.


Махсус фанларни ўқитишда назарий ва амалий дарсларни ташкил этиш

Касбий таълим педагогикаси ўз мажмуига касбий педагогиканинг асослари ва муҳим масалаларини, яъни касб-хунар таълими йўналишлари, меънат педагогикаси, касб-хунар дидактикаси каби масалаларни олади.

Махсус фанлар услубини яратиш ва уни такомиллаштиришдан асосий мақсад ўқитувчиларни ўқитишнинг замонавий усуллари ва методлари, меъёрий ҳужжатлар ва китоблардан фойдаланиш, ўқувчилар билимини, қобилиятини баҳолаш мезонлари ҳамда касб-хунар коллежларида ўқитиш жараёнини тўғри ташкил қилиш, ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш усуллари билан таништириш орқали уларнинг педагогик маҳоратини оширишдан иборат бўлиб, у касбий таълим педагоглари учун қуйидагиларни беради:

- ўқитиш ва тарбиялаш мазмуни, мақсади ва вазифасини аниқлай билиш;
- ўқитишда замонавий педагогик технологияларни қўллаш;
- замонавий техника-билим муаммоларини махсус фанларда акс эттира билиш;
- ўқитишнинг ташкилий кўринишлари ва методларини танлай олиш;
- дарснинг мақсадини оғзаки ва ёзма назарий қилиш методлари;
- ўқувчилар билимини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;
- касб-хунар коллежларида меънатни илмий ташкил этиш ва методик ишларни оилб бориш;
- ўқув хоналари, лабораториялари ва ўқув устахонаси ишини ташкил эта билиш;
- ўқув хоналаридан оқилона фойдалана олиш.

Махсус фанларни ўқитишда назарий ва амалий дарсларни ташкил этиш учун касбий педагогикани қуйидаги услубий схема бўйича ташкил этиш мумкин:




Махсус фанларни ўқитиш тамойиллари.

Ўқитиш тамойиллари ўқитиш назариясининг бошланғич қоидалари бўлиб, ўқитувчи ўқув жараёнини ташкил этишда уларга амал қилиш керак.

Ўқитиш тамойиллари мажмуи мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- фаоллик;
- ўқитишда назария билан амалиётнинг боғлиқлиги;
- кўргазмалилик;
- ўқитишнинг тарбияловчи характери;
- илмийлик;
- ўқитишда мунтазамлилик ва изчиллик;
- ўқитишнинг тушунарли бўлиши;
- намуналардан фойдаланиш;
- ўқувчиларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш;
- билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг пухта бўлиши;
- дидактик редукция.



Фаоллик тамойилида ўқувчиларни ўзини кўпроқ ҳаракат қилишларига, мустақил ишлашларига ўргатилади.

Назариянинг ўқитиш амалиёти билан боғлиқлиги тамойилида ўқувчиларнинг эгаллаган назарий билимлари амалий ва лаборатория машғулотларида ўқитувчи раҳбарлиги остида тажрибалар ўтказиш ва назариянинг тўғрилигини асослаш ва унга ишонч ҳосил қилиш, бундан сўнг эса ишлаб чиқариш таълими жараёнида уларнинг фаолликларини ошириш усуллари ўргатилади.

Ўқитишнинг кўзгазмалилиги тамойили. Бу тамойил ўқитиш жараёнида турли сезгилардан: кўриш, эшитиш, бадан билан сезиш ва бошқалардан фойдаланишни талаб этади. Ўқувчилар буюмни қанчалик ҳар томонлама идрок қилишса, уларнинг шу буюм ҳақидаги билими ҳам шунчалик тўла ва чуқур бўлади.

Ўқитишнинг тушунарли бўлиши тамойили ўрганилаётган материалнинг мазмуни, ҳажми ва ўқитиш методлари ўқувчиларнинг ёшига, тайёргарлик даражасига, жисмоний кучи ва билиш имкониятларига мос бўлиши талаб этилади. Ушбу тамойилга кўра ўқувчиларга берилаётган материал юқорида келтирилган омилларга мос равишда жуда содда ҳам, жуда мураккаб ҳам бўлмасин. Чунки жуда содда тушунтириш ўқувчиларни ақлий ривожланишини сустлаштиради, мураккаби эса тушунарсиз бўлиб ўқувчиларни фандан совутади.

Намуналардан фойдаланиш тамойили. Ўқитувчи ўқув материалининг мазмунини тушунтириш учун ҳар доим яхши намуналарни танлашга ҳаракат қилиши керак. Яхши нусха, амалиётдан намунавий мисоллар, яхши ҳамда ёмон машғулотлар ҳам қўйилган даражадаги натижаларнинг сифати қандай бўлиши ёки бўлмаслигини аниқ кўрсатади.

Дидактик редукция тамойилида ҳажми катта материаллар қисқартирилиб, асослаштирилиб тушунтирилади. Тажрибали ўқитувчи мураккаб жараёнларни осон сўзлар билан тушунтира олади.

Илмийлик тамойили. Ўқувчиларга ўрганиш учун илмий жиҳатдан асосланган, амалда синаб кўрилган марлумотлар берилишини талаб этади.

Ўқитишнинг тарбияловчи характери. Ўқитиш ва тарбиялаш жараёнлари бир-бирига узвий боғлиқ бўлади. Ўқитиш билим бериш вазифаларини ҳал қилиш билан бирга ўқувчиларга жуда катта тарбиявий тарсир ҳам кўрсатади. Бунда энг муҳим омил педагогнинг шахсидир.

Мунтазамлилик ва изчиллик тамойили ўқитишни шундай ташкил қилишни талаб этадики, бунда ўқув фанларини ўқитиш қатрий мантиқий тартибда олиб борилади, ўқувчилар билим, кўникма ҳамда малакаларини изчиллик билан эгаллаб борадилар ва айни замонда амалий вазифаларни ҳал қилиш учун улардан фойдаланишни ўрганадилар.

Ўқувчиларнинг онглилиги ва фаоллиги тамойили ўқитишни шундай ташкил этишни назарда тутаядики, бунда ўқувчилар илмий билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш методларини онгли ва фаол эгаллаб оладиган, уларда ижодий ташаббускорлик ва ўқув фаолиятида мустақиллик, тафаккур, нутқ ривожланадиган бўлсин.

Ўқувчиларнинг шахсий, ўзига хос (индивидуал) имкониятларини ҳисобга олиш тамойили. Ҳар бир ўқувчи ўзининг шахсий (жисмоний, руҳий ва бошқалар) хусусиятларига эгаки, улар унинг ўқув фаолиятига катта тарсир этади. Педагогнинг бу хусусиятларни ўрганиши ва ҳисобга олиши ўқитиш сифатини ошириш ва ҳар бир ўқувчининг ижобий қобилиятларини ривожлантириш учун шароит яратади.

Билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг пухталиги тамойили. Талабаларда ҳосил қилинган билим, кўникма ва малакаларнинг келгусида илмий билимлар тизимини ўзлаштира олишда асос бўлиб хизмат қилиши учун улар пухта ўзлаштирилган, яхши мустаҳкамланган бўлиши ва ўқувчиларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиши керак. Пухталик тамойилининг мақсади мана шундан иборат. Ўқитиш тамойиллари билан бир қаторда ўқитишнинг асосий қоидалари ҳам бор бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- тушунарлидан – тушунарсизга;
- яқиндан – узоққа;
- осондан – қийинга;

- аниқдан – мавҳумга;
- умумийдан – хусусийга.

Назорат саволлари

1. Махсус фанларни ўқитиш услубини яратиш касбий таълим педагоглари учун нима беради?
2. Касбий педагогикани ташкил этишнинг услубий схемасини шарълаб беринг?
3. Ўқитиш тамойили мажмуи мажмуи нималардан иборат?
4. Ўқитиш тамойили мажмуи схемасини шарълаб беринг?
5. Ўқитишда фаоллик тамойили нима?
6. Назариянинг ўқитиш амалиёти билан боғлиқлик тамойили нима?
7. Дидактик редукция деганда нимани тушунасиз?
8. Ўқитишда мунтазамлик ва изчиллик деганда нимани тушунасиз?
9. Ўқувчиларнинг шахсий, ўзига хос (индивидуал) имкониятларини ҳисобга олиш қандай амалга оширилади?
10. Билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг пухталиги нима?

9-Маъруза

МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШНИ ПРИНЦИПЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

Режа:

1. Махсус фанлар методикасида қўлланиладиган илмий тадқиқот ишлари.
2. Ўқитиш методлари ҳақида тушунча ва уларнинг таснифи. Ўқитувчининг ўқитиш методларини танлаши. Ўқитишда кўргазмали қўлланмалар ва техника воситаларидан фойдаланиш.
3. Ўқитиш жараёнига қўйиладиган асосий талабалар.

Таянч сўз ва иборалар:

Илмий изланишлар жараёни босқичлари, муаммани аниқлаш, гипотеза қуриш, умумий методлар, махсус методлар, назарий методлар, кузатиш, суҳбат методлар, савол-жавоб методлар, тестлар, экспериментал-тажриба синов усули, статистика маълумотларини таълил қилиш, математика ва ижтимоий тадқиқот методлари, таълим бериш методи, дарсга қўйиладиган талаблар.

Махсус фанлар методикасида қўлланиладиган илмий тадқиқот ишлари

Махсус фанлар ўқитиш методикасига доир илмий изланишлар ўтказишдан мақсад, ўқитиш ва ўрганиш хусусиятларини, самарали методларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллашдан, техник воситаларни қўллашга доир масалаларни ечишдан иборат. Илмий изланишлар олиб бориш учун ўқитувчидан фаннинг мазмунини чуқур билиш талаб этилади. Кўпчилик талабалар ўзларининг касбий фаолиятларига ўқиш давридаёқ турли кўринишларда асос солиб борадилар (илмий анжуманларда қатнашиш, макетлар яшаш, семинарларда қатнашиш ва х.к.)

Илмий педагогик изланишлар жараёнини шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

1. Ўқитувчининг адабиётларни ўрганиш ва амалий ишлар асосида муаммони аниқлаши.

Ўқитувчи адабиётларни ўрганиш давомида қуйидагиларни аниқлаши керак.

- ўрганилаётган муаммо тўғрисида асар муаллифининг фикр мулоҳазаси;
- ўрганилаётган муаммо тўғрисида анонавий методдан фарқ қилувчи киритган тақлифлари;
- қанақа асосий масалалар адабиётларда ёритилмаганлиги;

- муаммони ечишда бундан кейин олиб бориладиган изланишлар.
- Ўқитиш жараёнида юзага келадиган муаммоларга қуйидагилар қиради:
- ўқитувчи дарс жараёнида дуч келадиган қийинчиликлар;
- камчилик ва қийинчиликларнинг юзага келиш сабаблари.

2. Гипотеза қуриш, яъни ўқитишни босқичма-босқич ташкил этиш. Фактлар ва уларни таққослаш орқали, изланувчи асосланган тақлифни беради.

3. Изланиш натижаларини расмийлаштириш ва ўқув жараёнида қўллаш.

Махсус фанларни ўқитиш методикасида илмий изланишларнинг умумилмий ва махсус методлари қўлланилади.

Умумилмий методларга назарий изланиш, кузатиш, суҳбат ва тажрибалар (экспериментлар) қиради.

Назарий методга адабиётлардан ўрганиш ва таълил қилиш ҳамда педагогик тажрибалар асосида олиб бориладиган изланишлар қиради.

Кузатиш одатда, табиий кузатиш орқали ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришлари, уларнинг хулқ атвори ва муаммоларидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш ва тегишли таълим тарбиявий таъсир кўрсатиш йўллари белгилаш учун қўлланилади.

Суҳбат методи савол-жавобнинг бир тури бўлгани ҳолда тадқиқотчининг жиддий тайёргарлик кўрсатишини талаб этади, чунки у текшираётган шахс билан бевосита алоқада бўлиш вақтида оғзаки суҳбат тарзида, суҳбатдошининг жавобларини ёзмасдан, эркин муомала кўринишини қўллайди. Ҳозирги кунда оммавий савол-жабоб назарияси ва амалиётида интервью ташкил этишнинг кўп усуллари мавжуд:

- гуруҳлар билан;
- интенсив;
- синов ва ҳ.к.

Ўқувчилар ижодини ўрганишда уларнинг ўзига хос шахсий фаолиятларига доир омиллар таълил қилинади, ҳулосалар ясалади.

Педагогик савол – жавоб методи. Тадқиқотчининг бошқа кишилардан педагогик тажрибаларнинг бирор томони ёки ҳодисалари ҳақида ахборот олиш жараёни бу методнинг асосини ташкил қилади.

Тестлар, сўровномалар яратилган илмий фаразнинг янгилигини билиш, аниқлаш, якка ўқувчининг ёки ўқувчилар гуруҳининг фикрларини, қарашларини, қандай касбларга қизиқишини, келажак орзу-имкониятларини билиш ва тегишди ҳулосалар чиқариш, тавсиялар бериш мақсадида ўтказилади.

Тест синовлари методи – бу ёзма жавобларни оммавий олиш методидир.

Эксперимент – тажриба синов усули таълим-тарбия жараёнига алоқадор илмий фараз ёки амалий ишларни тадбиқ этиш жараёнларини текшириш, аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Статика маълумотларни таълил қилиш усули. Таълим соҳасидаги, жумладан, ажратилган маблаъларнинг доимий ўсиб бориши, дарслик ва ўқув қўлланмалари, кўргазмали қуроллар, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, таълим муассасалирининг қурилиши, хўжалик шартномалари ва улардан тушаётган маблаълар статистика усули орқали аниқланади.

Математика ва кибернетика усуллари ўқитиш назарияси, амалиётида ҳисоблаш математикаси ва кибернетикаси машиналари ёрдамида бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш, дастурли таълим ва уни машина орқали бошқариш, ўқишни мустаъкамлаш, баҳолаш орқали таълим-тарбия самарадорлигини ошириш, дифференциал ва якка тартибда (индивидуал) таълим бериш каби жараёнлардир.

Ижтимоий тадқиқот методи. Сўровномага саволлар киритади. Бундан мақсад – талаба ёшларнинг касб-хунарга бўлган муносабатларини аниқлаш, талабалар орасидаги дўстлик муносабатларини, ўқув юртидаги шарт-шароитларни билиш, ютуқ ва камчиликларни, ёшлар орасидаги муносабатларни, динга, хусусан, тасаввуфга бўлган қизиқишларни аниқлаш, талабаларнинг маънавий сифатлари даражасини, билим олишга иштиёқини, адабиётлар билан таоминланганлик даражасини, ўқув тақсмотини,

Ўқитувчиларнинг ўқитиш савиясини, ўқув қўлланмаларни сифатини, компютер билан машғулот ўтказиш савиясини ва бошқа ижтимоий воқеликнинг барча жабҳаларини қамраб олишдир.

Ўқитиш методлари ҳақида тушунча ва уларнинг таснифи. Ўқитувчининг ўқитиш методларини танлаши. Ўқитишда кўргазмалар қўлланмалар ва техника воситаларидан фойдаланиш

Таълим бериш методлари деганда, педагогнинг иш услубларини тушуниш керак. Ўқитувчи ихтиёрида ўқитишнинг турли – туман методлари мавжуд. Уларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Ўқитишда ўқувчининг ҳаракатлари тавсифига кўра:
 - а) фаол методлар (лабораторияда, китоб билан ишлаш)
 - б) суғуст методлар (маоружа, суғбат, тушинтириш, экскурсия ва х. к.)

2. Ўқув ишнинг турларига кўра:
 - а) билимларни дастлабки ўзлаштириш методи;
 - б) билимларни такомиллаштириш методи;
 - в) билимларни текшириб кўриш ва баҳолаш методи;

3. Билим манбаларига кўра:

- а. оғзаки методлар;
- б) кўргазмалар методи;
- в) амалий методлар;

Ўқитиш методларини танлаш:

- биринчидан, дарсдан кўзда тутилган ўқув мақсадларига;
- иккинчидан, ўрганиладиган фаннинг мазмуни ва дарснинг муаян материалига;
- учинчидан, ўқувчиларнинг илгариги тайёргарлик даражаси ва шахсий

тажрибасига боғлиқ.

Ўқитувчилар ўқувчиларга ўқув материални баён этишда дидактиканинг энг муҳим тамойилларидан бири – кўргазмалар тамойилидан кенг фойдаланилади:

- а) ўрганиладиган объектнинг асли жуда катта ёки жуда кичик бўлганда (масалан, автоматик тузилмалар);
- б) ўрганиладиган объектнинг аслини бевосита кузатиш мумкин бўлганда;
- в) тушинчани график тарзда тасвирлаш талаб этилганда;
- г) мураккаб объектларни оддийлаштириш ёки ишлаш принципини кўрсатиш зарур бўлганда;
- д) ҳаракатнинг энг кўп учрайдиган моментида машина механизми ёки деталларнинг жойлашувини қайд қилиш ва кўрсатиш талаб қилинганда.

4. Касбий таълим педагоглари маълум бир қоидаларга риоя қилишлари шарт.

1. Ўқитувчи ўзи дарс берадиган фаннинг мақсади ва унинг бошқа фанлар билан қандай умумийликка эга эканлигини ва фан-техника ривожига қандай ўринни эгаллаши ҳақида маълумотларга эга бўлиши зарур.

2. Дарс режаларини тузишда мавжуд дастурлар, методик қўлланмалар, адабиётлар ва дидактик материаллардан унумли фойдалана билаш зарур.

3. Ҳар бир дарсни ўтишда унинг мақсадини тўла ёритиб бериши керак.

Ўқитиш жараёнига қўйиладиган асосий талаблар

Маълумки, ҳар бир ўтиладиган дарсга бир нечта умумий талаблар қўйилади ва бу талаблар ҳар бир дарс ўтилишида ўз ифодасини топиши зарур.

Бу талабларга қуйидагилар киради:

I. Тарбиявий талаблар:

- Юқори савияли эстетик дид ҳосил қилиш.
- Дарс услуби ва мазмуни, мақсадини ҳозирги замон талаби билан мувофиқлаштириш.
- Ўқитишнинг ҳаётийлигини таоминлаш.

- Ўқувчиларда юксак фуқаролик ʁояларини мужассамлаштириш.

II. Дидактик талаблар:

- ★ Дарс вақтидан унумли фойдалана билиш.
 - ★ Даср мавзуси ва мақсадини тўғри қўйилиши.
 - ★ Дарс жараёнида ўқувчиларнинг билим олиш фаолиятини таоминлаш.
 - ★ Назарий, кўргазмалар ва амалий дарс услубларининг муаммолари ўқитиш услуби билан узвий боғлиқлигини таоминлаш.
 - ★ Дарс жараёнида ўқувчиларда билим, кўникма, малакаларини шакллантириш.
 - ★ Назарий билимларни амалда тадбиқ этиш.
- Ўқувчиларни мустақил равишда ўз билимларини кенгайтириш ва тўлдиришга ўргатиш.

III. Психологик талаблар:

- ❖ Ўқитувчи дарс жараёнида ҳар бир талабанинг руҳий хусусиятларини ўрганиш ва ҳисобга олиши шарт.
- ❖ Ўқитувчи ўзини тута олиши ва назорат қила олиши билан ажралиб туриши зарур.
- ❖ Педагогик услубларга амал қилиш.
- ❖ Ўзаро дўстона ва ишонч муҳитини ҳосил қила олиш.

IV. Бошқа талаблар:

- Ўқувчиларнинг жисмоний ва ақлий ҳолатларини назорат қилиш.
- Дарс ўтишининг турли усулларида фойдаланиш.

Назорат саволлари:

1. Илмий педагогик йўланишлар жараёни босқичлари нималардан иборат?
2. Изланишнинг назарий методи нима?
3. Ўқитишнинг умумий методикадаги кузатишнинг омили нима?
4. Илмий изланишнинг суҳбат методи нима?
5. Ўргатишдаги савол-жавоб методини таълил қилиб беринг?
6. Тест синовлар методини шарълаб беринг?
7. Статистика маълумотларни таълил қилиш усули нима?
8. Таълим методи деганда нимани тушунасан?
9. Билим манбаларига кўра қайси методлардан иборат?
10. Қайси ҳолларда ўқув жараёни учун тасвирий кўргазмаларни куллардан фойдаланилади?

10-Маъруза

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Режа:

1. "Ақлий хужум" методи
2. "Ақлий хужум" методини қўллашдаги асосий қоидалар
3. "Ақлий хужум" методининг афзалликлари ва камчиликлари

Таянч сўз ва иборалар:

Ақлий хужум, кичик гуруҳларда ишлаш, бахс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа, ролли ўйинлар, фикр-ғоялар, таълим берувчи, таълим олувчи, интерактив методлар, интерфаол методлар.

Хозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий методлари кенг кулланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини куллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини ташлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда турли-туман таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кутарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг кизиқишини орттириб уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантириб турилиши, уқув материални кичик-кичик булақларга бўлиб уларнинг мазмунини очишда ақлий хужум, кичик гуруҳларда ишлаш, бахс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Бу методларни интерфаол ёки интерактив методлар деб ҳам аташади. Интерфаол методлар деганда таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди, таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим олувчи марказда бўлган ёндошувнинг фойдали жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади.

- таълим самараси юқорилик булган ўқиш-ўрганиш;
- таълим олувчининг юқори даражада рағбанлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг эътиборга олинлиши;
- ўқиш шиддатини таълим олувчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;
- таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масхулиятининг куллаб-қувватланиши;
- амалда бажариш оркали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоказаларга шароит яратилиши.

"Ақлий хужум" методи

"Ақлий хужум" методи - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулохазаларни туплаб, улар оркали маълум бир ечимга келинадиган методдир. "Ақлий хужум" методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг қар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага қуринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. "Ақлий хужум" методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳдаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод гугри ва ижобий кулланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ургатади.

"Ақлий хужум" методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти булади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини факат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантикий ва тизимли фикр юритиш қуникмаси ривожланади. Ўқитилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

"Ақлий хужум" методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

2. Мавзунини такрорлаш ёки бир мавзунини кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда янги маълумотга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўқитилган мавзунини мустахкамлаш мақсад қилиб қўйилган-мавзудан сўнг, дарснинг мустахкамлаш қисмида амалга оширилади.

"Ақлий хужум" методининг қўллашдаги асосий қоидалар:

1. Ўқитилган фикр-ғоялар муҳофизат қилинмайди ва баҳоланмайди.
2. Ўқитилган ҳар қандай фикр-ғоялар ўлар хатто тўғри бўлмаса ҳам илоҳбатга олинади.
3. Ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.

Қуйида (10.1-схема) "Ақлий хужум" методининг тўзилмаси келтирилган.



10.1-схема. "Ақлий хужум" методининг тўзилмаси.

"Ақлий хужум" методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим олувчиларга савол тўзланади ва буларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Таълим олувчилар савол бўйича ўз: фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Таълим олувчиларнинг фикр-ғоялари (магнитофонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўзланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;
5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

"Ақлий хужум" методининг афзалликлари:

- натижалар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;
- таълим олувчиларнинг барчаси иштирок этади;
- фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
- таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб қуриш имконияти мавжуд;
- таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш ўйғотади.

"Ақлий хужум" методининг камчиликлари:

- таълим берувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;

- таълим берувчидан юқори даражада эшителиш қобилиятини талаб этилиши.

Назорат учун саволлар

1. Анъанавий дарс ўтиш методидан "Ақлий хужум" методининг фарқи.
2. "Ақлий хужум" методининг асосий қўйиладиган босқичларини нималар ташкил этади?
3. "Ақлий хужум" методи тузилмаси нималарни ўзида мужассамлаштирган?
4. "Ақлий хужум" методини қандай дарс машғулотларига қўллаш тавсия этилади?
5. Дарс жараёнида кичик гуруҳларда талабалардан қандай фаолиятини талаб этади?
6. "Ақлий хужум" методи таълим берувчи томонидан қандай мақсадга қараб амалга оширилади?
7. "Ақлий хужум" методи неча босқичдан иборат?
8. "Ақлий хужум" методининг тузилмаси тушунтирилинг.
9. "Ақлий хужум" методининг бошқа методдан фарқи?
10. Қандай дарс турига қўллаш кўпроқ самара бериши мумкин?

11-Майруза

КХК ЎҚИТУВЧИСИ ВА ЎҚУВ УСТАСИНИНГ ЛИДЕРЛИК СИФАТЛАРИ

Режа:

1. Касбий тайёргарлик йўналиши бўйича лидерлик сифатлари.
2. Илғор педагогик ва ахборот технология технологиялар йўналиши бўйича лидерлик сифатлари.
3. Рейтинг тизими асосида ўқувчилар билимини баҳолаш ва мустақил билим олишини ташкилий ва услубий таъминлаш йўналиши бўйича лидерлик сифатлари.

Таянч сўз ва иборалар:

Таълим бериш маҳорати, тарбиялай олиш маҳорати, билимлар соҳасининг тарихи, ривожланиш истиқболлари, қиёфа, оғзаки сўров, ёзма текиширув усуллари, тестлаш, сунъий интелект, билим олиш, малакавий талаблар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури рақобатбардош мутахассислар тайёрловчи педагогга қўйиладиган замон талаблари мажмуини белгилайди. Бир-бирига боғлиқ бўлган талабларнинг мажмуи педагогнинг умумлаштирилган моделини ташкил этади. Умумлашган моделга мувофиқ асосий талаблар қуйидагилардан иборатдир:

- Таълим бериш маҳорати;
- Тарбиялай олиш маҳорати;
- Ўқув – тарбия жараёнида инсон омилини таъминловчи шахсият фазилати;
- Таълим оловчиларнинг билимларини ҳолисона баҳолай олиш ва назорат қила билиш маҳорати.

Умумлаштирилган модел доирасидаги малакавий замон талаблари педагог «Қиёфа»сини ифодалайди. Малакавий талаблар педагогнинг умумлаштирилган моделида келиб чиқадиган алоҳида йўналишлар бўйича қуйида табақалаштирилган тайёргарлик йўналишлари берилган.

Касбий тайёргарлик йўналиши бўйича лидерлик сифатлари

- ўқитиладиган фан мансуб бўлган тармоқ билимлар соҳасининг тарихи ва ривожланиш истиқболлари;
- ўқитиладиган фаннинг ўқув жараёнидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳақида;
- «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган мақсад ва вазифалар ҳақида;

- ўқитадиган фани бўйича ўқув дастурини;
- ўз фани ва тегишли тармоқнинг замонавий илмий ва амалий ютуқларини;
- дарс берадиган фанининг тушунчалари, атамалари ва таърифлари, қонуниятлари, тамойиллари, усуллари ва услубларини;
- илмий-амалий ижодиёт методологиясини;
- фан бўйича тегишли машғулотлар олиб боришда далиллаш ва инкор этиш усулларини;
- Илғор педагогик технологиялар, ўқув жараёнини фаоллаштириш усуллари ва ўқитиладиган фан бўйича сифатли билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишни таъминловчи педагогик услубларни;
- мувофиқ соҳанинг малака ошириш учун керак бўлган касбий ахборотни билиши ва қўллай олиши;
- мутахассислиги бўйича ташкил этилган педагогик маҳоратни ошириш курсларида фаол иштирок этиш;
- ўқитадиган фани бўйича билим бериш, кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- фанга таълуқли турли маълумотлар(маъруза, дарс, лаборатория ишлари, амалий машғулотлар)ни малакали ўтказиш ва услубий жиҳатдан таъминлаш;
- ўқувчиларнинг мустақил билим олишларини ташкилий ва услубий таъминлаш;
- ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи усуллардан самарали фойдаланиш ва услубий таъминлаш;
- ўқувчининг фан бўйича олган билимлари, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг объектив шакларини ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича кўникмаларга эга бўлиши шарт.

Илғор педагогик технологиялар йўналиши бўйича лидерлик сифатлари

- илғор педагогик технологияларнинг илмий-услубий асосларини;
- илғор педагогик технологияларнинг тарихини;
- ўқув жараёнига ёндашиш таъмойиллари ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- ўзлаштиришнинг унумли ва изланув поғоналари учун педагогик технологияларни;
- ўқитиладиган фанга тегишли илғор педагогик технологияларни;
- ўқув жараёнининг мувофиқ вазиятларини ўрганишга доир тушунтирув-кўргазмавий, технологик ва изланув усулларини;
- ўқитишнинг фаол усулларини билиши ва қўллай олиши;
- ўқитишга технологик ва изланувчан ёндашиш усулини ишлаб чиқиш;
- уй вазифаларини мақсадли, диагностик, керакли ҳажмда бериш, лойиҳаларнинг мантикий тузилмаси, тузатишлар киритишни;
- ўқув мақсадлари ва вазифаларининг тизимини ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадлари ва вазифалари асосида тест, ёзма ва оғзаки топшириқларни тузиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши шарт.

Ахборотли технология йўналиши бўйича лидерлик сифатлари

- ахборотлардан жараён сифатида билим олиш ва ижод қилиш;
- фан, техника ва маданиятдаги ахборот ва креатив жараёнларни;
- ахборотда жамиятни ривожлантириш муаммоларини;
- сунҳий интелектнинг ахборот тизимлари ва билим бериш усулларини;
- ахборотлашнинг техник воситалари ва телекоммуникация воситаларини;
- универсал ва муаммоли-мўлжалли ахборот технологияларини амалга оширишнинг дастурий воситалари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- ўқитиладиган фанга таълуқли бўлган универсал ва муаммоли-мўлжалли ахборот технологияларни;
- таълимда мультимедия технологиясини;
- ахборотни моделлаштириш асосларини;
- ўқитиш ва назорат қилишнинг автоматлашган тизимини;

- ўқув материаллари ҳақида ахборотли маълумот тизимини билиши ва қўллай олиши;
- ўқитиладиган фан бўйича маълумотлар базасини яратиш;
- глобал Интернет компьютер тармоғидан самарали фойдаланиш;
- ўқув жараёнида амалий дастур пакетларини қўллаш;
- ўқув жараёнида электрон почтадан унумли фойдаланиш ва амалий кўникмаларга эга бўлиши шарт.

Рейтинг тизими асосида ўқувчилар билимини баҳолаш йўналиши бўйича лидерлик сифатлари

- ривожланган давлатларда ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш ва назорат қилиш тизимларини;
- ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини рейтинг тизимида назорат қилишнинг мақсад ва вазифаларини билиши;
- академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг билим даражаси, кўникма ва малакаларини назорат қилишни рейтинг тизими тўғрисидаги Низомни;
- ўқувчилар билимлари, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизимини ташкил этиш ва ўқув-услубий таъминлашни режалаштиришга доир услубий тавсиялар ҳамда кўрсатмаларни;
- ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш учун оғзаки сўров, ёзма текширув усулларини ва тестлашни билиш ва қўллай олиш; тизимларини;
- ўқитиладиган фан бўйича ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизимини режалаштириш, ташкил этиш ва ўқув-услубий таъминлаш;
- ўқувчиларнинг билимларини турли назорат ишлари (оғзаки сўров, ёзма ишлар, тест саволлари) усулларида баҳолаш;
- ўқитиладиган фаннинг бўлимлари бўйича ва ёппасига ёзма назорат қилиш ишларини ишлаб чиқиш;
- ўқувчиларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилиш;
- ўқитиладиган фан бўйича тезкор (экспресс) назорат қилиш учун тест саволлари ишлаб чиқиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши шарт;

Ўқувчиларнинг мустақил билим олишини ташкилий ва услубий таъминлаш йўналиши бўйича лидерлик сифатлари

- ривожланган давлатлар ўқувчиларининг мустақил билим олиш технологиясини билиши, унинг ташкилий ва услубий таъминлаши;
- Шахс ахборотли муҳит» тизимидаги жараёнлар ва уларни бошқариш;
- ахборотли жамиятни ривожлантириш муаммолар ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- мустақил билим олишнинг «ўқишни ўргатиш» тамойилини;
- ўқувчиларнинг мустақил билим олишлари учун глобал Интернет компьютер тармоғидан фойдаланишни;
- ўқитиладиган фан бўйича мустақил билим олишнинг турли ташкилий шаклларини;
- лойиҳалаш тизимида ўқитишни;
- ўқувчиларнинг мустақил билим олишлари учун фаол ўқитиш усулларини;
- мустақил билим олишда илмий ва техникавий ижод қилиш услубларини билиши ва қўллай олишни;
- ўқитиладиган фан бўйича ўқувчиларнинг мустақил билим олишини ташкил этиш, режалаштириш ва услубий таъминлаш;
- ўқувчиларни мустақил (турли манбалардан) билим олишларига раҳбарлик қилиш;
- ўқувчиларни мустақил билим олиш воситалари ёрдамида олган билимларини назорат қилиш ва баҳолаш;
- мустақил билим олишда илмий билиш ва илмий тадқиқот усулларида фойдаланиш бўйича кўникмаларга эга бўлиши шарт.

Назорат учун саволлар

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ракобатбардош мутахассислар тайёрловчи педагогга қўйиладиган замон талаблари.
2. Педагогнинг умумлаштирилган модели ҳақида таъриф беринг.
3. Илғор педагогик технологиялар йўналиши бўйича лидерлик сифатлари нимага боғлиқ.
4. Ахборотли технология йўналиши бўйича лидерлик сифатлари тушунтиринг.
5. Ўқувчилар билимлари, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизимини ташкил этиш
6. Ўқувчиларнинг мустақил билим олишлари учун глобал Интернет компьютер тармоғининг ўрни.
7. Рейтинг тизими асосида ўқувчилар билимини баҳолаш бўйича педагогнинг лидерлик сифатлари қандай?
8. “Шахс ахборотли муҳит” тизимидаги жараёнлар қандай?
9. Педагогнинг фаолиятида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ўрни қандай?
10. Умумлаштирилган модел сўзига таъриф беринг.

12-Маъруза

ФАНЛАРНИНГ УСЛУБИЙ АСОСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Режа:

1. Ўрганиш босқичлари.
2. Илғор педагогик технология элементлари.
3. Махсус фанларни ўрганиш самарасини ошириш йўллари.

Таянч сўз ва иборалар:

Вазиятлар, “диққат”, «идрок», «тушуниш», ўрганиш босқичлари, ўрганишга таъсир қилувчи омиллар, абстракция даражаси, сенсатик ҳолатлар, ўқитиш вақти, ўзлаштириш даражаси, тасаввур даражаси, символлар даражаси.

Ўрганиш босқичлари

Касбий таълимда махсус фанларни ўрганиш, уларнинг назарияси ва амалиётида, мазмуни, шакл услубларини танлашда ҳамда ўқув мақсадларини белгилашда ўзига хосликни талаб этади.

Махсус фанлардан ўқув жараёнларини ташкил этишда ўқув материалларининг соддадан мураккаблашиб, мазмунинг чуқурлашиб бориши, ишлаб чиқариш жараёнининг кетма-кетлигига боғлиқ ҳолда машғулотлар тизимлаштирилади.

Назарий ва амалий машғулотнинг тизимлаштирилиши ўқув материалларининг мазмунини бутунлигича қамраб олишини, баён этишини, мустаъкамланишини ва мавзуларнинг кетма-кетлигига мос ҳолда ўрганилиши ҳамда ўзлаштириш даражасини назорат қилишни таоминлайди. Махсус фанларни ўрганишда, таълим услубларни танлашда ўқувчилар ва ўқитувчилар фаоллигини, мустақиллигини, фикрлашнинг тезкорлигини таоминлашга мос келадиган услубларни танлашга алоҳида эътибор берилади.

Махсус фанларни ўқитишга қуйидаги дастлабки вазиятлар ҳам таъсир қилади:

1. ҳатти ҳаракатларга реакция таъсири, яъни бирор ҳаракат бажарилишининг мураккаблиги;
2. ўрганишга иштиёқ, яъни аниқ тасаввур қилинган ўқув мақсадларига эришишга интилиш;

3. ташқи турткилар, яъни қизиқиши бўлмаган ўқувчига қизиқишини уйёотиши мақсадида ўқитувчи туртки беради.

Ўрганиш сабаблари «диққат» ва «идрок» тушунчалари билан чамбарчас боғлиқдир:

1. Дикқат. Даставвал ўқувчиларнинг диққатини ўқув объектларига жалб этиш керак.

2. Идрок. Сенсорик таъсирлар орқали (кўриш, эшитиш, хид билиш, маза билиш, тегиш, ушлаб куриш) ўқувчи қандайдир ахборотни қабул қилади.

3. Тушуниш. Қабул қилинган ахборотни таълил қилиш ва маносини англаш орқали маълум тасаввур пайдо бўлади. Ўқувчининг қабул қилишига қараб, бу тасаввур маълумотнинг мазмуни ҳақида тушунча ҳосил бўлишига олиб келади.

Махсус фанларни ўрганиш жараёнини билим дастури орқали қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

1. **Билиш босқичи.** Ушбу босқичда ўқувчи махсус фан таркибидаги бирор мавзу ҳақида билимларни эгаллайди ва эслаб қолади.

2. **Тушуниш босқичи.** Ўқувчи мавзуларнинг маносини ва ўзаро алоқаларни тушунади ва шуни ҳар хил вазиятларда таорифлаши мумкин.

3. **Қўллаш босқичи.** Ўқувчи билимларни амалиётда қўллаши мумкин.


4. **Таҳлил босқичи.** Билимларни алоҳида мавзуларга бўлиш ва тегишли мақсадда қўллаши мумкин.

5. **Синтез босқичи.** Ўқувчи бирор мавзунини нафақат бошқа мавзулар билан, балки билимларнинг бошқа соҳалари билан ҳам боғлай олади.

6. **Баҳолаш босқичи.** Ўқувчи ўзи баҳолаш мезонларини яратиши ва қўллаши мумкин.

Махсус фанларни ўрганишга таъсир қиладиган омиллар

Махсус фанларни ўрганишнинг турли дастлабки шартларидан, яъни олдин эгалланган билимлар, ўрганишга иштиёқ, ўрганиш ва фикрлашнинг шахсий қобилиятлари асосида ўрганилаётган билимлар миқдори ва сифатига, эслаб қолиш қобилиятига, ўргани вақтида таъсир қиладиган кўплаб омиллар мавжуд. Ўрганишга таъсир қилувчи омилларни қуйидаги алгоритм кўринишида тасаввур қилиш мумкин:



Педагогик технология оками деярли барча ривожланган мамлакатларга тез таркалди, ЮНЕСКО каби нуфузли ташкилот гомонидан тан олинди ва хозирги кунда купгина мамлакатларда муваффакиятли узлаштирилмокда ва кулланилмокда.

Республикамизнинг педагогик олим ва амалиётчилари нлмий асосланган холда Узбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларини ва уларни гаълим-тарбия амалиётида куллашга интилмокдалар.

Таълим технологияларини укув жараёнига жорий этишнинг асосий шартлари куйидагилардан иборат:

- «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» максади ва вазифаларини руёбга чиқариш учун таълимни жадаллаштириш зарурлиги;
- таълим-тарбия жараёнида таълим берувчи ва таълим олувчи ролини узгартириш зарурлиги;
- фан-техника тараккиётининг ута ривожланганлиги натижасида ахборотларнинг кескин купайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириш учун вақтнинг чегараланганлиги;
- баркамол авлодни тайёрлаш талаби уларга энг илгор билим бериш усули хисобланган объектив борликка тизимли ёндашув тамойилидан фойдаланишни талаб қилишидир. Таълим жараёни юқорида санаб утилган асосий шартларни барча талабларига жавоб берадиган таълимий тадбирдир.

Педагогик технология - укув жараёнини технология-лаштиришни бутунлигича аниқловчи тизимли категория. 'Педагогик технологиями барча бошқа тушунчаларни белгилаш учун синоним сифатида - "таълим технологияси". "укитиш гехнологияси" кабиларни ишлатиш мумкин.


БМТ нуфузли идораларидан бирп булган ЮНЕСКО нинг таърифича, **таълим технологияси** таълим моделларининг оптималлаштириш максадида, инсон ва техника ресурслари ва уларнинг узаро таъсирини хисобга олган холда бутун укитиш ва билимларни узлаштириш жараёнини яратиш. қўллаш ва аниқлаш тизимидир.

Педагогик технологиянинг мохияти - ўқитиш жараёнини бутунлигича ва тугалланган холда олдиндан лойиҳалаштиришдан иборат. Аниқ структуралаштирилган технологик жараёнда, педагогик ва дарс-иш харакатлари, операциялари ва коммуникацияларининг занжири, кутилаётган аниқ натижалар шаклига эга, куйилган мақсадларга қатий мос равишда тузилади.

Илгор педагогик технология - муайян муддатга мулжалланган, таълим жа раёни кўпрок таълим олувчи шахсига қаратилган, фаоллаштирувчи методлар ни замонавий таълим воситаларидан фойдаланган холда ўқув мақсадига эришишни кафолатлайдиган таълим бериш жараёнидир.

Юқорида таъкидланганидек, таълим технологияси тушунчаси укитиш ва урганиш жараёнига қарашни аңлатар экан. аввало тизим тушунчасини тушуниб олиш зарур. Тизим-тартибланган, узаро узвий боғлангвн вв биргаликда умумий функцияни бажарувчи эле'ментлар гуннамишр

Куйидаги тавсия этилаётган чизмада таълим жараёнининг тузилмаси келтирилган (12.1.-расм).



12.1-чизма. Таълим жараёнининг тузилмаси.

Таълим жараёнини бир тизим деб қарайдиган бўлсак, уни ташкил этувчилари, яъни элементларига куйидагилар киради:

- ўқув мақсади;
- аниқ мақсадлар (кутилаётган натижалар);
- таълим берувчи;
- таълим олувчи;
- таълим мазмуни;
- таълим методи;
- таълим шакли;
- таълим воситалари;
- назорат ва баҳолаш.

Таълим жараёнини лойихалаштиришда юқорида санаб утилган элементлардан бирортаси эътибордан четда қолса ёки поғутри танланган бўлса тизим ишламайди, демакки, таълим жараёни олдида қуйилган мақсадга эришилмайди.

Юқоридаги 1-модулда таълим жараёни элементларидан ўқув мақсади ва қутилаётган натижаларни белгилаш тугрисида маълумотлар берилган эди. Ушбу модулда таълим методлари ҳақида маълумотлар берилади. Таълим жараёнининг бошқа элементлари тугрисидаги маълумотлар кейинги модулларда бағафсил ёритилади.

Таълим жараёни элементларидан бири бўлган таълим методларига алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Авваламбор, "метод" сузига таъриф берамиз.

Метод - (грекча «Metodos» сўзидан олинган бўлиб, Изланиш ёки билиш йули, назария, таълимот маъносини англатади) аниқ вазифани ечишга бўйсундирилган, борликни амалий ёки назарий улаштириш операцияларининг ёки нуллариининг йигиндиси.

Метод- таълим олувчи ва таълим берувчининг муайян мақсадга қаратилган, биргаликдаги фаолиятини ташкил қилишнинг тартибга солинган йуллар йигиндиси.

Инсон воқелик тугрисидаги дастлабки маълумотларни қуриш, эшитиш, хид билиш, таъм билиш, туйиш каби сезгилар орқали қабул қилади. Сезгилар орқали қабул қилинган маълумотлар миёда муайян хусусиятларига қура яхлит ҳолга, маълум бир тизимга олиб келиниши, яъни маълумотлар идрок қилиниши лозим бўлади. Ахборотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлашга хизмат қилувчи бу жарал! уларни хотирада сақлаш ва зарур ҳолатларда қайта эсга туширишдан иборат бўлади. Маълумотларни қабул


килишда канчалик куп сезги органлари катнашса, уни идрок этиш, узлаштириш ва хотирада сақлаш шунчалик осон кечади. Иккинчи томондан, хар бир кишида кайсидир сезги органлари купрок, кайсиларидир камрок ривожланган булади.

Шу боис, таълим жараёнида назарий билим ва амалий куникмаларни шакллантириш, укув материалларини турли куринишларда, турли сезги органлари оркали кабул килиниши ва идрок этилишини таъминлаш - таълим самарадорлигини оширишнинг мухим омили хисобланади. Бутун дунёда таълим жараёнида кулланиладиган педагогик технологияларнинг 100 дан ортик методлари мавжуддир. Шунга кура, таълим .\o.\ анъанавий, хох интерфаол шаклларда олиб борилмасин, даре давомида таълимнинг синалган 11 та методлари; маъруза, гурт погонали, ақлий хужум, кичик гурухларда ишлаш, ролли уйин, ишбоп уйин, давра сухбати, муаммоли вазият, бахс-мунозара, лойиха, йуналтирувчи матн каби методларидан фойдаланиш, уларни урнида куллаш мухим ахамият касб этади. Маълумки, маърузада маълумотлар факат эшитиш оркали кабул килинади. Тажрибалар шуни курсатмоқдаки, маъруза пайтида тингловчининг диккатини 20 дакика давомида ушлаб туриш мумкин экан. Шунда хам, бу давр охирида диккатнинг жуда пасайиб кетишини кузатиш мумкин. Шунга мие равишда. укув материални узлаштириш даражаси хам жуда паст. атиги 5-10%ни ташкил килиши аникланган. Укув материални визуаллаштирилган холда, турли кургазмали тасвирлар ёрдамида узатилганда. хам эшитиш, хам куриш органлари оркали кабул килинади. Таълим олувчиларга кургазмалилик тамойилларига асосланган холда укув материални етказиш уларнинг диккатини жалб этишга ёрдам беради ва шу боис, бу материални идрок этиш, узлаштириш осонрок ва самаралирок кечади. Нафакат амалий малакаларни, балки назарий билимларни узлаштиришда укув материални мустикал ёки гурух булиб биргаликда урганиш, таълим олувчининг маълумотларни узи кидириб топиши, гажриба утказиши, ниманидир узи кулда бажариши барча сезги ирганларини бирваракайига ишлашига олиб келади ва бу холатда узлаштириш юкори булади.

Амалиётдаги оддий коида шу хакда гувохлик берадики, ниш билимларни бериш назарий дарсинг дастлабки 20 чликасида амалга ошириш, кейин эса бахс-мунозара, кичик гурухларда ишлаш ва бошка шу каби интерфаол методларни амалга ошириб, таълим олувчиларнинг билимларини мустваккамлаш керак.

Хар кандай холатда хам назарий даре жараёнида, масалан факат маъруза укиладиган вақт тахминан 20 дакикадан ошмаслиги керак. Чунки урганишнинг дастлабки 20 дакикаси энг самарали, 20 дакикадан кейин эса урганишни давом эттириш мпшвацияси тезда пасая бошлайди. Бу хамма тақлифлар таълим олувчининг диккатини узокрок вақтгача сақлаб туришга хизмат кнлади.

Куйида (12.2-чизма), мисол тарикасида, 80 дакикага мулжалланган укув материални муайян кетма-кетликдаги турли методларни уйгушлаштириш ёрдамида узатиш келтирилган.




12.2-чизма. Таълим олувчи дикқатининг вақтга нисбатан ўзгариб бориши

Юкоридаги чизмага кура, янги мавзунинг баёни 20-25 дакикалик маърузадан бошланиши, сунг эса 15-20 дакика маъруза мшпнган укув материалини визуаллаштириш, яъни унга доир кургазмали материаллар асосида тушунтириш, 10-15 дакика давомида эса, унга дойр бирор тажрибани намоиш килиш ёки бирор мисолни тахлил килиш ва охирида 20-25 дакика давомида укув материалини мустахкамлашга каратилган мустакил ёки гурухий амалий машк утказиш тавсия этилади. Шунинг учун, назарий укув материалини кичик-кичик булакларга булиб, ҳар 20 дакика давомида турли таълим методларидан фойдаланиб узатиш мақсадга мувофиқ булади. Таълим методларидан буи дай уйғунликда ва кетма-кетликда фойдаланиш натижасида, нафакат таълим олувчиларнинг диққатини жало этиш даражасини ошириш, балки таълим самарадорлигини оширишга ҳам эришиш мумкин.

Барча методлар укув материалининг дидактик вазифаси, шарт-шароитлар ва вақтни эътиборга олган ҳолда танланади. Тугри танланган уйғунлашган методлар таълим олувчининг диққатини узокрок сақлаб туриш ва унинг фаоллигини ошириш имкониятини беради. Бу эса уз навбатида таълим самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Идрок килиш пайтида канча кун сепсорик (сезги) каналлардан фойдаланилса, эса олиб қолинган билимларнинг миқдори ва сифати шунчалик юкори булади.

Куйида (12.3-чизма) таълим олувчиларнинг эса сақлаб қолиш даражасига сезги органларининг таъсири келтирилган.



12.3-чизма. Эслаб қолиш даражасига сезги органларининг таъсири

Юкоридаги чизмадан шуни куриш мумкинки, агар билимлар фақат маърузалар орқали (пассив тинглаш йулида) берилган булса, унда 3 кундан сунг уларнинг фақат 25%ни эслаш мумкин холос. Агар у маърузалар Уқиш (тинглаш), намоиш ва кургазмали килиш (куриш, ушлаб куриш ва шу кабилар) орқали берилса ва шу тугрисида бахслашилса, унда 3 кундан сунг 50% ни эса тушириш мумкин. Агарда билимлар беришда маърузадан, кургазмалиликдан ва амалий топшириқларни бажаришдан фойдаланилса (тинглаш, куриш ва амалда бажариш), 3 кундан сунг 75% ни эслаш мумкин. Агар билимларни идрок килишда бир неча сенсорик каналлар биргаликда ишга солинган булса, маълумотларнинг киска хотирадан узок хотирага утиш жараёни тезлашади, бу эса билишнинг асоси булиб хисобланади. Юкоридаги тасвирдан куйидаги коида келиб чикади:

1. Укув вазиятини тайёрлашда интерфаол методлар ва аудио-визуал воситаларни самарали ишлатиш лозим. Бунда бирданига купгина сенсорик каналлар жалб этилади.

2. Укув материали тугрисида бахслашишга доим имкон беринг. Укув суҳбатлар, гурухий бахс-мунозаралар утказиш ва амалий топшириқларни бажариш тавсия этилади, чунки бу методлар таълим олувчиларни фаолликка жалб килади.

Демак, дарс жараёнида анъанавий методлар кулланилганда, таълим олувчиларнинг ахборотни эслаб қолиш курсаткичининг энг юкори даражаси 30% ни ташкил этар экан. Ипгсрфаол методлар кулланилганда эса, таълим олувчиларнинг ихборотларни узлаштириш даражаси янада кутарила боради. Шунинг учун, анъанавий методлар билан биргаликда интерфаол мподларни биргаликда бир-бирини тулдирган ва уйгунлашган \пида олиб бориш мақсадга мувофикдир.

Махсус фанларни ўрганиш самарасини ошириш йўллари

Махсус фанларни ўқитиш тадқиқотлари шуни кўрсатдики инсонлар тинч, ижтимоий тан олинис даражасидаги муҳитда яхшироқ ва енгилроқ ўрганишлари мумкин экан. Нафақат ижобий эмоционал ва ижтимоий муҳит, балки мақсадга мувофик тарзда жиҳозланганлиги, фаол бўла олиш имкониятларини борлигини шулар жумласига киради. Ўқувчининг ўзлаштиришида эришган натижаларига мос мақтов ва тан олиш сўзларини айтиш унинг қизиқишини уйётишда ижобий таъсирга эга. Бу ҳолат уларда ўз кучларига ишонишларини ва ўзларига қўйилган талаб даражаларини юксалтиради. Ўқувчилар махсус фанларни ўрганишида турли хил қийинчиликларга дуч келишлари мумкун. Бу қийинчиликлар қуйидагилар бўлиши мумкин: дастлабки билимларнинг етарли бўлмаганлиги, қизиқишнинг йўқлиги муоммоларнинг мураккаблиги ва ҳоказо. Бу қийинчиликларни ўқув мақсадига қаратилган ёрдамга ўқув усуллари орқали бартараф этиш мумкин.

Буларга қуйидагилар киради:

- ўқув қийинчиликларини енгитишга қаратилган ёрдамлар;
- ечимни топишга қаратилган ёрдамлар;
- ишлаш ва амалга оширишга қаратилган ёрдамлар;
- такрорлаш ва машқлар қилишга қаратилган ёрдамлар;
- ўзлаштирилган билимларни бериш ва янги вазиятларда қўллашга қаратилган ёрдамлар.

Назарий ва амалий тадқиқотлар асосида махсус фанларни ўқитиш бўйича қуйидаги хулосани бериш мумкин.

- ❖ Ўрганиш кичик қадамлар, яъни босқичма-босқич ўтказилиши керак ва ҳар доим дастлабки билимларга асосланилиши лозим.
- ❖ Бундан ташқари, ўрганиш раъбатлантирилиши лозим, масалан тан олиш билан муваффақиятли ўрганиш ва уни давом этишни раъбатлантириш керак (мақтов орқали).
- ❖ Ўқувчилар ўзларининг ўрганишидаги ютуқлари ҳақида хабардор бўлсалар, қизиқтириш кучайтиради.
- ❖ Ўқувчилар «мустақил фаол бўлиш» принципи бўйича ўрганишади. Ўрганишнинг фаол давирларини ташкил қилиш керак.
- ❖ Ўрганиш ўтаётган даврда кўпгина қулай ҳолатларни қўллаш, ўқув вазиятларини ўзгартириб туриш керак.
- ❖ Ўқувчилар қанча кўп фаол бўлиб ўрганишса, ўзлаштириш давомли ва муваффақиятли бўлади. Ўрганишнинг фаоллаштирувчи усулларида фойдаланиш ва гуруҳий ўрганишини ўтказиш керак.
- ❖ Ўқув жараёнида ёрдамчи усулларни қўллаш орқали ўрганиш самарасини ошириш мумкин.

Назорат учун саволлар

1. Фанларни ўқитишда ўрганиш босқичлари деганда нимани тушунасиш?
2. Ўрганишга таъсир қилувчи омиллар нима?
3. Диққат билан ўрганиш босқичини шарълаб беринг?
4. Ўқитиш вақтини ихоълаб беринг?
5. Кун давомида ўзлаштириш даражасини изоълаб беринг?

6. Ўхшаш соҳаларнинг ўқув материалини эсда олиб қолиш даражасига таъсирини изоълаб беринг?
7. Идрок қилиш пайтида сенсорик ҳолатлардан фойдаланишни изоълаб беринг?
8. Ўрганиш босқичлари қоидаларини айтиб беринг?
9. Ўқувчиларнинг махсус фанларни ўрганишларидаги қийинчиликлар нималардан иборат?
10. Махсус фанларни ўрганиш самарасини ошириш йўллари айтинг.

13-Маъруза МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ ВА ТАШКИЛИЙ ШАҚЛЛАРИ

Режа:

1. Таълим методлари
2. Таълим модели
3. Таълимнинг анъанавий методлари
4. Дарсга қўйиладиган ташкилий талаблар

Таянч сўз ва иборалар:

Таълим методи, таълим методикаси, ўқитиш методи, таълим модели, ҳамкорлик, ўрганиш, моделлаштириш, тадқиқот маъруза, ҳикоя, турт погонали метод, лаборатория усули, иллюстрация, китоб билан ишлаш методи, инсерт.

Таълим методлари ўқитишнинг ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш усуллари ҳамда ўқув материалини назарий ва амалий жихатдан йўналтириш йўллари аниқланади.

Таълим методи – ўқув жараёнининг мажмуавий вазифаларини ечишга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолияти усули бўлса, **таълим методикаси** – муайян ўқув предметидаги ўқитишнинг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизимини ифода қилади.

Ўқитиш методи ўқитиш жараёнида ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш масалаларини ечишга йўналтирилган таълим берувчи ва таълим олувчининг тартибли бир-бирига боғланган фаолиятини аниқланади.

Ўқитиш методлари таълим жараёнида таълим берувчи ва таълим олувчи фаолиятининг қандай бўлиши, ўқитиш жараёнини қандай ташкил этиш ва олиб бориш кераклигини ҳамда шу жараёнда ўқувчилар қандай иш ҳаракатларни бажаришлари кераклигини белгилаб беради.

Ўқитиш методлари ўқув жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Фаолиятнинг тегишли методларисиз таълимнинг мақсад ва вазифаларини ўқув материалининг муайян мазмунини ўқувчилар томонидан ўзлаштиришга эришиб бўлмайди.

Таълим модели – таълим жараёни тузилмасидир. Таълим моделлари икки турга ажратилади:

- *Анъанавий таълим моделлари*
- *Ноанъанавий таълим моделлари*

Ноанъанавий таълим моделларини қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- *Ҳамкорликда ўрганиш*
- *Моделлаштириш*
- *Тадқиқот*

Анъанавий дарс муайян муддатга мўлжалланган таълим жараёни кўпроқ ўқитувчи шахсига қаратилган мавзуга кириш ёритиш, муҳокама қилиш ва яқунлаш босқичларидан иборат таълим моделидир.

Анъанавий таълим методлари:

- *маъруза, ҳикоя, тушунтириш, лаборатория, суҳбат, машқ, амалий*

- *тўрт погонали методлар киради*
- Ноанъанавий таълим методлари:
- *Кичик методларда ишлаш методи;*
- *Бахс мунозара методи;*
- *Давра суҳбати методи;*
- *Ишбоб ўйин;*
- *Лойихалаш;*
- *Ўйналтирувчи матн;*
- *Муаммоли вазият;*
- *Ақлий хужум;*
- *Ролли ўйин.*

Анъанавий таълим методлари:

Маъруза – катта ҳажмдаги ўқув материални нисбатан узоқ вақт давомида монологик баён этишдир.

Бу методнинг асосий вазифаси – таълим бериш, ўргатиш. Белгилари:

- қатъий тузилмага эга;
- нутқий-мантиқий баён қилиш;
- берилаётган ахборотнинг кўплиги.

Маърузалар ўқитувчиларга ўқувчилар тажрибасизлик туфайли эътибор бермайдиган фаннинг муҳим лаҳзаларини ажратиш кўрсатиш имконини беради.

Ўқувчилар билан ўқитувчининг биргаликдаги ушбу фаолиятини ташкил этишнинг самарали шартлари қуйидагилардан иборат:

- маърузанинг батафсил режасини тузиш;
- маъруза режасини эшиттириш;
- режанинг ҳар бир пунктини ёритишдан сўнг қисқача умумий хулоса қилиш;
- маърузанинг бир қисмидан бошқа қисмига (бўлимига) ўтишда мантиқий боғлиқликни таъминлаш;
- муаммоли баён қилиш;
- ёзиб олиш зарур бўлган жойларни ажратиш (ёздириш);
- маърузаларни унинг алоҳида ҳолатларини батафсил таҳлил қилиш имконини берувчи семинар-машғулотлари ва амалий машғулотлар билан қўшиб олиб бориш.

Маъруза методидан фойдаланганда маълумотлар, тушунтиришлар (изоҳлар) ва фактлар рационал равишда тақдим этилади.

Маъруза методининг афзалликлари:

- аниқ илмий билимларга таянади;
- вақтдан унумли фойдаланилади;
- ўқитувчи томонидан ўқув жараёнини тўлиқ назорат қилиш имконияти пайдо бўлади.

Ҳикоя – унча катта бўлмаган, таърифловчи характерга эга бўлган ўқув материални монологик ҳикоя қилувчи, хабар берувчи баён.

Тушунтириш – баён қилинаётган турли ҳолатларни таҳлил қилиш, тушунтириш изох бериш ва исботлаш ёрдамида ўқув материални баён қилиш.

Тўрт погонали метод – амалий кўникмаларни ўзлаштириш жараёнининг тўрт погонаси дорасида кечадиган методдир. Бу метод қуйидаги босқичлардан иборат:

- *Тушунтириш;*
- *Нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш;*
- *Кўрсатилган тарзда қайтариш;*
- *Машқ қилиш.*

Тўрт погонали методнинг асосий белгиси – ўқувчиларнинг ҳаракатлари ўқитувчи кўрсатиб берган ҳаракатлар доираси билан чекланганлигидир.

Лаборатория усули – бу усулда таълим олувчи таълим берувчи раҳбарлигида олдиндан белгиланган режа асосида тажрибалар ўтказди ёки амалий вазифаларни бажаради ва шу жараёнда янги билимларни англайди, тушуниб етади.

Машиқ – ўқитиш услуби бўлиб, ўтилган материални амалиётда қўллаш мақсадида, режа билан ташкил этилган амалларни кўп маротаба бажаришдир.

Сухбат – ўқитиш ва ўқишнинг диалогик, савол жавоб усули.

Мунозара – фаол таълим услуби бўлиб, муҳокама маълум муаммо бўйича фикр алмашинув кўринишида ўтади.

Ақлий ҳужум (брейнсторминг) – ғояларни генерация қилиш усули бўлиб, бунда қатнашчилар бирлашган ҳолда қийин муаммони ечишга ҳаракат қиладилар, уни ечиш учун шахсий ғояларни илгари сурадилар (генерация қиладилар).

Намойиш – таълим олувчиларни табиий ҳолатда ходисалар, жараёнлар, объектлар билан кўргазмалар таништириш қаратилган. Бу метод таълим берувчи томонидан баён қилинаётган илмий, назарий билимларни таълим олувчилар томонидан пухта ўзлаштириш учун уларнинг сезги органлари – эшитиш, кўриш, ҳид билиш ва таъм билиш, тери сезгиларининг бир объектга алоҳида-алоҳида ёки бир неча сезги аъзоларини бир йўла сафарбар қилишга имкон берувчи методдир.

Иллюстрация – ходиса, нарсалар жараёнларни тасвирий шаклда схема, репродукция, ясси моделлар ёрдамида кўрсатиш ва қабул қилишни кўзлайди.

Видеоусул – ахборотни кўпроқ кўргазмалар ўзлаштиришга асосланган бўлиб, унда кинескоп, кодоскоп, проектор, киноаппарат, ўқув телевидениеси, видеомагнитофон, мультимедия, электрон китоб, ахборотни дисплейда акс эттирувчи компьютердан фойдаланилади.

Китоб билан ишлаш методи китоб устида ишлаш, олинган билимларни хотирада қайта тиклаш, билимларни сақлашга қаратилган методдир.

Китоб билан ишлашнинг Инсерт методи таълим олувчига янги ахборотни номаълум ёки тушунарсиз, ёки эътироз билдириш лозим бўлганларга ажратиб, баҳолаш имконини беради. Ўқиш жараёнида ўқув материалнинг ҳар бир сатр боши ёки қисмининг мазмуни баҳоланиб, ҳулоса қилишнинг чап томонига қалам билан махсус белги қўйиб борилади.

Инсерт – самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгиларнинг интерактив тизими.

Технологик харита - жараённинг қадамма-қадам, боқичма-боқич, изчиллик билан кўпинча график усулда қўлланиладиган воситаларни кўрсатиб берган ҳолда тасвирлаш.

Таълим – тарбия жараёнининг сифат самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан таълим воситалари билан қай даражада таъминланганлик билан боғлиқ бўлади.

Таълим воситалари олти турга бўлинади:

- Матнли воситалар
- Тасвирли воситалар
- Аудио воситалар
- Моделли воситалар
- Ёрдамчи жиҳоз воситалар
- Реал воситалар

Матнли-маълумот олиш ва маълумотни қайта ишлаш учун:

- Ўқув дастурлари
- Махсус адабиёт
- Тарқатма материал
- Имтиҳон ва назорат варақлари

Тасвирли – умумий тасаввурни вужудга келтириш учун:

- Фотосуратлар
- Эскиз чизма, схемалар
- Рамзий тасвирлар, режа жадваллар, символлар
- Диаграмма ва графиклар

Аудио – жараёнлар ва ишлаш механизмлари тўғрисида тасвир ва овоз орқали тасаввурларни вужудга келтириш:

- Видео фильмлар
- Компакт дисклар
- Аудиокассеталар

Тасвир ва матнни ёзиш ва сақлаш учун ёрдамчи жихозлар:

- Доскалар (оқ доска, магнит доскаси);
- Пинборд доскаси;
- Видео проектор, видеопроектор доскаси;
- Кодоскоп;
- Видеомагнитофон, камера;
- Компьютер;
- Флипчарт.

Моделли – ўрганилаётган объектнинг модели орқали у ҳақда тасаввур ҳосил қилиш:

- Моделлар
- Макетлар

Реал – ўрганилаётган объектлар ҳақида тасаввурни вужудга келтириш:

- Асбоб ускуналар
- Станоклар
- Ярим тайёр маҳсулотлар

Жаҳон педагогикасида ўқитиш методларининг турли функцияларига ва принципларига қараб турлича синфлашган аниқ бўлишга ёндошиш тамойилларига асосланиб ўқитиш методларининг барчасини бир неча гуруҳга бўлиш мумкинлиги эътироф этилади, лекин ўқитиш методлари қатор қарашларга эга ва турли нуқтаи - назарларда қурилиши мумкин. Табиийки уларни синфлашда турли хил ёндашишга олиб келади.

С.И. Перовский Е.Я. Голандлар ўқитиш методларини ахборотни қабул қилиш таснифи ва узатиш манбаи бўйича оғзаки, кўргазмали ва амалий методларга бўлганлар.

М.Н. Скоткин, И.Я. Лайнерлар таълим таркибини ўзлаштириш бўйича таълим олувчиларнинг тушуниш фаолияти таснифига мос равишда қуйидаги методларга ажратадилар: кўргазмали – тушунтириш, (ахборот-рецептив), репродуктив, муаммоли ёритиш, қисмли изланувчан ёки эвристик ва тадқиқотли.

М.И. Махмутов таълим методларини ўқитиш методларига мос равишда синфлашни таклиф қилган, яъни ахборот-муаммоли ва ижро этувчи, тушунтириш ва репродуктив, амалий-кўрсатмали ва продуктив-амалий, ундовчан-тушунтириш ва қисмли изланувчан.

Н.М. Верзилин, А.Н. Алексюк, И.Д. Зверевлар ўқитиш методларини синфлашда билим манбаи бўйича ва мантикий исбот билан бир вақтда таълим олувчиларнинг ўқув фаолияти мустақиллик даражаси ва билимлар манбаи бўйича ёндошишни кўпроқ қўллашни таклиф қилганлар.

С.Г. Шоповаленко ўқитиш методларини тўрт томонлама қуриш орқали синфлашни таклиф қилган бу қуйидагича:

Мантикий-таркибий; манбали; жараёнли ва уюшган-бошқармали.

Умумий ўқитиш амалиётида кўп тарқалган камчиликлар сифатида атоқли рус педагоги

Н.В. Кухарев Н.В. қуйидагиларни кўрсатиб ўтади:

- Умумий ўқитиш амалиётини бир хиллиги уларни тузилишини мутлоқлиги;
- Дарс таркибидан озроқ четга чиқа олмаслик, таълим олувчиларнинг эътиборини йўқлиги;
- Фронтал ишларнинг индивидуал ишлар билан номуносив қўшилиб кетиши;
- Таълим олувчини саволига таълим берувчининг ва олувчиларнинг эътиборсизлиги;
- Таълим олувчиларнинг билиш имкониятларини кадрламаслик ёки ўта кадрлаш;
- Кучли таълим олувчилар савол жавоблари мисолида заиф таълим олувчиларни ўқита олмаслик;
- Таълим олувчиларнинг билиш имкониятларини ривожлантириш ўрнига

ташқи кўринишларини фаоллаштириш;

- Дарсда вақтни рационал тақсимламаслик. Савол жавобларни чўзиш, янги материални баён этишда ва мустахкамлашда вақтни қисқартириш;

- Уй вазифасини бажаришда ва дарсда мустақил ишларга кўникмалар ҳосил қилишда чала ва лоқайдлик билан ўқитиш.

- Рационал тақсимланмаган ўқитиш методларини танлаш, янги муҳитни ҳисобга олмай бировнинг малакасини кўчириб олиш.

Атоқли рус педагогларидан бири Ушинский ўқитишни юқори сифатини таъминлаш учун таълим олувчиларни самарали меҳнат тизимларига жалб этишда ва бунда таълим олувчилар ва таълим берувчини ортиқча юкламалардан олиб қочиш, бундай ҳодисага йўл қўймаслик, уларни фаолиятини баҳолашда баҳо йиғишга ва формаллаштиришни олдини олиш, бунинг учун бутун анъанавий дарсларни ва уни таркибий тузилишини қайта кўриш лозимгини таъкидлаб ўтган. Атоқли педагог Ушинский айтганидек, ҳар бир таълим олувчи ўқишга ўрганиши лозим.

Ҳар бир таълим олувчини китобдан билимни қидириб олишга, матндан, таълим берувчидан ва ўз дўстларидан олган мустақил қайта ишланган билимини тўғри, тартибли, ифодали ва қизиқарли баён этишга ўргатиш катта масаладир. Дарсда ҳар бир таълим олувчи нафақат билимларни китоблардан ёки бошқа одамлардан олиши, мустақил қайта ишлашни ўрганиши, балки бу билимларни турли воқеа, ҳодиса ва турли мақсадларда қўллай олишни ўрганиши лозим, чунки бу билимлар ҳақиқатда мустахкам, эгилувчан, тўғри, керагича тўлиқ тизимли бўлиши керак ва амалий йўналишга эга бўлмоғи шарт.

Муаммоли ўқитиш мутахассислари бўлмиш М.Н. Скаткин ва И.Я. Лернерлар томонидан тақлиф қилинган ўқитиш методлари ўқитиш жараёнини ташкилий шакллари тўлиқ қисмларга боғлиқ бўлмаган ҳолда олинган билиш жараёнининг қатор босқичларни тасвирлаб беради:

1. Ахборот – рецептив метод. Бу методдан бошлаб дарсда билиш жараёни бошланади. Таълим берувчи ахборотни беради, таълим олувчилар уни қабул қиладилар, эслаб қоладилар, фикр юритадилар, эслаб қоладилар. Ахборотни бошланғич манбаи китоб, ўқув қўлланма, кўргазма қўлланмали қурол ва воситалар хизмат қилиши мумкин.
2. Репродуктив метод – таълим берувчи саволи ёки топшириғи асосида ўрганилаётган материални таълим олувчилар қайта ишлайдилар. У билан улар таълим берувчи баёни орқали ёки китоб, ўқув қўлланма ёрдамига таянадилар.
3. Муаммоли баён методи – таълим берувчи муаммо танлайди, ўзи ечади лекин бунда унинг ечими йўл кўрсатади. Бироқ зиддиятларни таълим олувчиларга тушунарли қилиб беради. Ечиш йўлидаги ҳаракатларни яъни қандай фикр юритишни очиқ беради. Бу методни вазифаси шундан иборатки таълим берувчи илмий билиш намуналарини муаммони илмий ечишни “билим эмбриологияси”ни кўрсатади. Таълим олувчилар бу ҳаракатларни ишончлилигини назорат қиладилар, уни мантиғини фикрий кузатишади, бутун муаммони ечиш босқичларини ўзлаштирадилар.
4. Қисман изланувчан ёки эвристик метод ижодий фаолиятни қисмлаб ўзлаштириш малакаси муаммоли топшириқларни ечишни алоҳида босқичларини эгаллаш таълим олувчиларни бутун масалани ечишга ўргатиш учун, уларни ҳар бир ечим босқичларини мустақил бажаришга ўқитиш зарур бўлади.

Бир ҳолатда – муаммони кўриш, ҳужжатларга тасвирланган исбот ёки ҳодисага расмга саволлар қўйишни тақлиф қилиш, бошқасида – исбот тузиш, учинчидан кўрсатилаётган далиллардан ҳулосалар чиқариш, тўртинчидан таҳлилларни айтиб бериш, бешинчидан ечимни текшириш режасини тузиш.

5. Тадқиқотчилик методи ижодий фаолиятнинг асосий ўқитиш методи бўлиб ҳисобланади.

Бу метод унинг оддий вариантларида ҳам муаммоли масалани тўлиқ ечишда унинг керакли босқичларидан мустақил ўтишда таълим олувчидан махсус тайёргарликни талаб этади.

Ленинград ҳозирги Санкт-Петербургда 1978 йил илмий конференцияда ўқитиш методлари таълим берувчи ва таълим олувчининг бир-бирига боғланган фаолиятининг

тартибланган усули сифатида аниқланган. Бу ерда фаолият тартибсиз эмас, балки уюштирилган, тартибланган ўқитиш методлари ва шакллари ҳозирги замон дидактикаси ва фан дидактикасининг барчасида координал сонга кирувчи асосий муаммолардан ҳисобланади. Бу муаммолар ҳозиргача эмперик ҳамма томонлама ечилган барча ўз малакасидан келиб чиққан ёки бировни малакасини кўчирган.

Ўқитиш методи – бу ўқитишни уюштирилган тузилмасини ҳамда тўлиқ олинган ўқитиш жараёнини ўз ичига олган тузилма.

Ўқитиш методлари – бу ўқитиш жараёнини уюштирилган ҳаракатдаги ва ишдаги тузилмаси. А.Ф. Осборн томонидан “Фикрий ҳужум” методи тавсия этилган бўлиб, унинг асосий тамойили ва шартли машғулоти баҳсининг ҳар бир иштирокчиси томонидан ўртага ташланаётган фикрга нисбатан танқидни мутлақо таъкидлаш ҳар қандай лўқма ва ҳазилни рағбатлантиришдан иборатдир.

Ж. Дональдс Филипс томонидан “Ялпи фикрий ҳужум” методи ишлаб чиқилган бўлиб, уни ҳар бир 20-60 нафар таълим олувчига қўллаш мумкин.

Дарс – ҳозирги замон ўқув – тарбия жараёнида таълим мақсадларини амалга оширишда асосий таълим шакли ҳисобланади. Ўтказилган дарс ўқувчиларни ҳам, ўқитувчиларни ҳам қаноатлантириш учун жавоб бериш керак. Айрим олинган бирон-бир дарс предмет календар дастуридаги ўз ўрнига эга бўлиши, мақсади аниқ белгиланган бўлиши керак. Дарс тиш жараёнида шакллантирилиши лозим бўлган билим, малака ва кўникмалар алоҳида аниқланиши лозим. Шу билан бирга мазкур дарс давомида билим, малака ва кўникмаларнинг эришиладиган даражаси ҳам белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Дарсда ишлатиладиган методлар, воситалар туркуми аниқ бўлиши олдиндан белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Дарсга қўйиладиган дидактик талаблардан яна бири – бериладиган ўқув материали системали равишда осондан-қийинга, оддийдан-мураккабга, ўқувчилар ёш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Дарсга қўйиладиган таъликий талаблар:

- Календар режалаштириш асосида дарс ўтказишнинг ишлаб чиқилган аниқ режаси мавжуд бўлиши;
- дарснинг ўз вақтида бошланиб, ўз вақтида тугаши;
- дарснинг мантикий изчиллиги, тугалланганлиги;
- дарсда ташкил этишда турли-туман воситалардан, ўқув-техник, компьютер техникасидан, кўргазмалар куруллардан фойдаланишни кўзда тутиш.

Дарснинг таркибий тузилиши ўрганилаётган материалнинг мазмунига, дарсда фойдаланиладиган таълимнинг усуллари ва методларига, ўқувчиларнинг тайёрланиш ҳамда ривожланиш даражасига, ўқув жараёнида дарснинг ўрнига боғлиқ бўлади.

Мустақил таълим мазмуни. Мустақил таълим талабалар учун мажбурий ўқув машғулоти ҳисобланади ва режали характер касб этади. Мустақил таълим мавзуси талабалар мустақил ўрганадиган маъруза ва амалий машғулотлардан берилади. Мустақил таълим талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлашга, мавзуларни тушуниш қobiliятини максимал даражада ривожлантиришга, умумий дунёқарашини кенгайтиришга ёрдам беради.

“Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси” фанини ўрганиш давомида талабалар таълим мазмунини таҳлил қилиш, уларда педагогик фаолиятни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, фанлардан ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқиш, таълим методларини ривожлантириш муаммоларини мустақил ўрганишга олиб келади.

Назорат учун саволлар

1. Таълим жараёни тузилмаси деб қандай мектодга айтилади?
2. Тўрт поғонали метод ва ақлий ҳужум методлари ҳақида тушунча беринг
3. Таълим воситалари неча турга бўлинади ва улар ҳақида тушунча беринг.
4. Ёндошиш тамойилларига асосланиб ўқитиш методларини ажратинг.
5. Муаммоли баён методи қандай?
6. Таълим тизимида мустақил таълим ўрни.
7. Мустақил таълим мазмуни тушунтиринг.

8. “Ялпи фикрий хужум” методи қандай?
9. Матнли-маълумот олиш ва маълумотни қайта ишлаш учун нималар керак?
10. Тасвир ва матнни ёзиш ва сақлаш учун қандай жихозлар қўлланилади?

14-Маъруза

КАСБИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АМАЛИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛҒОР УСУЛЛАРИ

Режа:

1. Ўрганишнинг танланган асосларини қўллаш.
2. Ўрганишнинг тўрт поғонали усули.
3. Йўналтирувчи матн усули.
4. Лойиҳа усулини қўллаш.

Таянч сўз ва иборалар:


Ўрганиш, хулқ, тақлид, одат, англаш, уриниш, муваффақият, амалий кўникмаларни ўзлаштириш, тушунтириш, намоиш этиш, такрорлаш, машқ қилиш, амалга ошириш, текишириш, хулоса чиқариш, баҳолаш мезонлари.

1. Ўрганишнинг танланган асосларини қўллаш.

Умуман « Ўрганиш» тушунчасида хулқнинг янги турларини ўзлаштириш ёки мавжуд бор хулқнинг ўзгаришини тушунилади. Бу ўзаро боғланишда « хулқ» тушунчаси қуйидагиларни билдиради:

- билим ва кўникмаларнинг қўлланилиши;
- шахснинг бирор муайян фаолиятда қарашларига нисбатан реакцияси.

Оддий формулага келтирилганда:



Бу тушунчага аниқроқ таориф берамиз:

Ўрганиш шундай жараёнки, унда ўқувчи табиий атроф муҳит билан муносабатлари ва бунда ҳосил бўлган тажриба орқали хулқини ўзгартиради.

Бунда хулқ қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ✓ хулқ мақсадлари;
- ✓ хулқ имкониятлари;
- ✓ хулқ шакллари;

Ўрганиш орқали ўқувчи идрокка, ўз фикрига, билим кўникмаларга ва маҳоратга эришади. Янги хулқ шакллари ва натижалар муваффақиятли ўрганишнинг аниқ далиллариدير.

Ўрганиш турлари.

Ўрганиш ҳар хил ҳолатда ўтиши мумкин:

- ✓ тақлид орқали;
- ✓ одат туфайли;
- ✓ муваффақият туфайли;
- ✓ уриниш, хато ва муваффақият туфайли;
- ✓ англаш, тушуниб етиш орқали;


1. Таклид орқали ўрганиш. Таклид бошқа ўқитувчиларнинг хулқий намуналарини қабул қилиш ва худди ўшандай таклид қилишдир. Бу жараён онгли ёки онгсиз равишда ўтиши мумкин. Бу ўрганиш тури ҳаракатларни ўргатишда энг самарали ҳисобланади. Бу ўрганиш турини кундалик ҳаётда ҳам кузатиш мумкин. Масалан, болалар ота-оналарига ёки ёшлар ўз ифтихорларига таклид қилишлари мумкин.

2. Одат туфайли. Бу ўрганиш тури шартли рефлекс ёки классик шакллантириш орқали ўрганиш сифатида тавсифланади ва рус психолог олими И.Павловнинг тадқиқотларига асосланади. Шартли реакциялар одатлар ҳосил бўлишда, бахтсиз ходисаларнинг олдини олишга қаратилган хулқ турлари пайдо бўлишда катта аҳамиятга эга.

3. Муваффақият туфайли. Ўрганишнинг бу усули оператив шартлаштириш деб тавсифланади ва шундай жараёни назарда тутадик, бунда шартли реакцияларни режали равишда ўрганиш қулга киритилган ўқув ютуқлари ёрдамида амалга оширилади. Ўрганишнинг бу усули америкалик психологлар Скиннер ва Торндайк тадқиқотларига қарашлидир.

Ўқувчининг мустақил ўрганиш ва ишлаш томон қўйган ҳар бир қадами кузатилади, агар и ўзлаштиришда ўрта даражадан юқори натижага эришса, бу мақтов билан тан олинади. Мақтов шартли қўзғатувчи ҳисобланади.

Агар масалаларни тўғри хал қилишга қаратилган хулқ тез-тез қайтарилиб турса, унда бу хулқ узоқ вақт эсда қолади (машқлар қонуни).



4. Уриниш, хато қилиш ва муваффақият туфайли ўрганиш. Бу усул оператив шартлантириш билан боғлиқ, аммо бу ерда муваффақият ҳисси шарт эмас, Бу усул дастлаб тушунарсиз мураккаб вазият билан боғлиқ. Бунда «уринишлар» орқали мураккаб вазият ҳал қилиниши керак (масалан, нотаниш калитлар йиғимида тўғри калитни топиш). Бунда муваффақиятсиз бўлган нотўғри ечимлар кейинчалик қайтарилмайди. Тўғри ечимлар эса муваффақият ёки қисман муваффақият туфайли аниқланади ва узоқ вақтда эслаб қолинади. Бу усул кўп вақт сарфлашни талаб қилади, жуда ташвишли ва тасодифга асосланганлиги туфайли ундан фақат муаммоларни ечишга қаратилган хулқни машқ қилдириш керак бўлганда фойдаланиш керак.


5. Англаш, тушуниб етиш орқали ўрганиш. Англаш, тушуниб етиш деб бехосдан бирор аввал кўринмаган «алоқани кўриш» ва тушуниб етиш назарда тутилади. Бу ерда илгари тушунарсиз бўлган жараёнлар, ходисалар, сабаб-оқибат алоқалари фикран ўзлаштирилади.

«Англаш, тушуниб етиш» бу ақлий жараён натижасидир. Бунда маълумотларни қайта ишлаш пайтида уларни қайта тартиблаш ва структуралаш орқали янгидан ўзаро боғланишлар ҳосил бўлади. Бу муаммоларни ўрнида ҳал қилиш мумкин эмас, демак барча таклиф қилинган турли ечимларни фикр, яъни тасаввур даражасида кўриб чиқиш керак бўлади, муаммонинг ечими кутилмаганда келиб чиқади ва англанади, шунингдек, кейинчалик уни ақлий ҳаракатлар учун машқ ва такрорларсиз ишлатиш мумкин.

Ўқитувчи таълимий фаолият машқларини ўтишда онгли равишда ўрганишнинг турли усулларида фойдаланиши мумкин. Бу ерда «англаш, тушуниб етиш» орқали ўрганиш усулида кўпроқ эътиборни қаратиш кераклиги алоҳида кўрсатилади, чунки у узининг узок таъсири билан ажралиб туради.

2. Ўрганишнинг тўрт поғонали усули.

Касб-хунар коллежларида ўқувчилар ўз танлаган касб кўникмаларини шакллантириш имкониятига эга бўлишлари учун махсус фанларни чуқур ўрганишлари керак бўлади. Бунинг учун ўқитувчилар махсус фанлар ўқитишнинг илбор усуллари кўллаш орқали таълим жараёнини ташкил этишлари муҳим аҳамиятга эга. Махсус фанлардан амалий, машғулотларни ўтказишда «тўрт поғонали усул» энг самарали усул ҳисобланади. Бу усул Ўзбекистон Республикаси, АҚШ ва Европанинг бир қанча давлатлари касб-хунар таълимида кенг қўлланилади. Бу усулда амалий кўникмаларни ўзлаштириш жараёни қуйидаги тўрт босқичда амалга оширилади.



Амалиёт ўқитувчиси ўқувчиларга аввал бажариладиган кичикроқ бир ишни беради, сўнгра қандай тартибда бажарилишини амалда кўрсатади. Кейин ўқувчи шу ишни кўрсатилган тарзда қайтариши (иммитация) керак. Ўқувчи қайтариб бажараётган пайтда амалиёт ўқитувчиси унинг хатоларини тўғрилаб туради. Ўқувчи ушбу машқни бир неча маротаба қайтариши керак. Мисол тариқасида тўрт поғонали усул доирасида касб-хунар коллежларининг енгил саноат йўналишлари учун ўтиладиган «Тикувчилик корхоналарининг жихозлари ва ускуналари» фани бўйича амалий машғулотлар қандай ўтказилишини кўриб чиқамиз.

1-поғона – тушунтириш - қизиқтириш-маълумот бериш. Машғулот ўқувчиларда тикувчилик соҳаси ва унга оид замонавий тикув машиналарига қизиқиш уйғотишдан бошланади. Сўнгра ўқитувчи ўқувчиларга амалий машғулотни бажариш учун тикув машинаси тўғрисидаги маълумотларни, унда бажариладиган тикув жараёнини тушунтиради. Бунда ўқитувчи барча ўқув-дидактик материаллардан, масалан, тикув машинасининг кинематик схемалари, машинада ишлашга доир кўрсатмалар, созлаш асбоблари ва газламалардан кўргазмалар материаллар сифатида фойдаланиш мумкин.

Амалиёт ўқитувчиси тикув машинасини ишлатишдан олдин қилинадиган тайёргалик ишлари кетма-кетлигини тушунтиради. Тиқиш сифатини намоёиш этиш мақсадига машинанинг тўғри созланганлиги ёки унинг ишида содир бўладиган нуқсонларни кўрсатиб ўтиши мумкин.

2-поғона - намойиш қилиш. Бу поғонада амалиёт ўқитувчиси тушунтирган иш босқичларани ўзи қилиб кўрсатади, яъни тикув машинасига устки ва остки ипларни тикиш, игнани ўрнатиш, газламани тепки остига жойлаштириш ва машинани ишга туширишни кўрсатиб беради.

Бунинг учун керакли тикув машинаси, газлама ва иплар ва созлаш асбоблари тайёрлаб қўйилган бўлиши керак.

Амалий кўникмаларни 3 марта намойиш қилиш тавсия этилади.

1. Ўқувчиларда тўла ва ҳақиқий тасаввур пайдо бўлиши учун намойиш оддий тезликда ўтказилади.

2. Ҳар бир иш босқичини алоҳида ва хусусиятларини яхшироқ кўрсатиш учун паст тезликда намойиш қилинади.

3. Ўқувчиларда аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун оддий тезликда яна бир марта тўла равишда кўрсатилади.

3-поғона – кўрсатилган тарзда қайтариш: Ўқувчиларнинг ҳар бири амалиёт ўқитувчисининг характерларини у кўрсатган тарзда қайтаради. Ўқувчилар ишлаётган пайтда ўқитувчи уларнинг хатосини тузатади. Яхши ишни мактайди, ёмон ишни танқид қилади.

4-поғона - машқ қилиш. Ўқувчилар тикув машинасига устки ва остки ипларни такиш, игнани ўрнатиш ва газламани тепки остига жойлаштириб, тикиш жараёнини бажаришлари учун ўқитувчи уларга етарлича газлама ва ип бериб қўяди.

Агар иш натижалари сифат мезонларига жавоб берса, яъни газламадаги баҳя қатор сифатли бажарилса, иш тугатилиши мумкин.

Биринчи ва иккинчи босқич бўйича ўқувчилар дастлабки назарий билимларга эга бўлишлари керак. Ушбу усулни ўқув жараёнида қўллаб ўтказилган тадқиқотлар ва олимлар фикрларига кўра, режа асосида ишлатилган ташқи қўзғовчилар ва назорат қилиниши мумкин бўлган реакцияларгина етарли даражада текширилиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, ўрганишнинг «Тўрт паёнали» усули бўйича қуйидаги илмий хулосаларни бериш мумкин:

1. Ўзлаштириш (ўрганиш) – бу қўзғов таъсири ва реакция кетма-кетлиги такрорланишининг натижасидир.

2. Такрорлаш орқали «Шартли рефлекслар орқали ўрганиш» тамойили ҳосил бўлади.

3. Ўзлаштиришда эришилган натижалар раъбатлантирилса (мақтаб турилса), ўрганиш самараси ошиб боради.

Бугунги кунда босқичларни мураккаблаштиришга ҳаракат қилинмоқда, яъни машқлар мураккаблаштирилиб, уларни амалга оширишда ўқувчи бир вақтнинг ўзида бир нечта кўникмалар ва жараёнларни амалда бажарадиган қилинмоқда. «Тушунтириш» ва «Намойиш этиш» поғоналари эса босқичма – босқич амалга оширилади.

Бу усул касб – ҳунар коллежларида касб фанларидан амалий кўникмаларни ўргатишда жуда яхши самара беради.

3. Йўналтирувчи матн усули.

Йўналтирувчи матн усули Германия касб-ҳунар таълими амалиётчилари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, назарий жиҳатдан асосланиб, илмий асосда такомиллаштирилган. Касб – ҳунар таълимида ўқув жараёнини такомиллаштиришга доир изланишлар шуни кўрсатадики, амалий машғулотлар ўтказилишда ўқувчиларнинг бир қисми кўникмани тез ўзлаштиради, баози бирлари секин ўзлаштиради. Натижада бир ўқувчи тез ўзлаштириб, янги кўникмани ўрганишга тайёр бўлса, бошқаси учун янги амалий машғулотнинг фойдаси жуда кам бўлади. Яъни ўқувчилар қизиқиши қисман барбод бўлади.

Йўналтирувчи матн ёрдамида мустақил ўрганиш имконияти яратилади ва ҳар бир ўқувчи янги кўникма учун зарур билимни олиши мумкун бўлади. Йўналтирувчи матн усулида ўқувчи томонидан олти босқич амалга оширилади.

Ўқув жараёнини бундай босқичларга бўлиниши ўқувчиларга мустақил ўрганиш учун туртки беради. Ўқувчи аниқ ўқув мақсадига йўналтирилган саволлар ёки топшириқлар

ишлаб чиқади. «Маълумот йиғиш» ва «Режа тузиш» босқичларида ўқувчиларга кенематик схемалар, жадваллар, эслатмалар, кўрсатмалар каби ёзма ҳужжатлар берилади. Бундай ҳужжатлар ўқувчиларга мустақил маълумот йиғишда ёрдам беради. Ўқитувчи ўқувчиларнинг аниқ мақсадга қаратилган ҳаракатига туртки беради ва ишини назорат қилади. Ўқувчи эса ўз таълимнинг фаол қатнашчиси бўлиб қолади. Энди у фақат тингловчи эмас, балки бажариладиган топшириқ учун керакли маълумотларни йиғиши, ўқиш тартиби ва вақтни ўзи режалаштиради, бажарган иш натижасини ўзи баҳолайди.

Йўналтирувчи матн усули доирасида ҳаракатлар қуйидаги тарзда амалга оширилади.

1. **Маълумот йиғиш.** Бу босқичда ўқитувчи ўқувчиларга керакли барча манбаларни ва махсус саволлар варағини беради. Саволлар варағида ўқувчиларга маълумотларлар босқичма босқич йиғиш тартиби саволлар шаклида берилади.

Бу саволлар «Йўналтирувчи саволлар» дейилади. Йўналтирувчи саволларга жавоблар иш топшириғини бажариш учун керак бўлган маълумотни тўпламидир.

Демак, ўқувчилар ўзларига берилган иш топшириғини таълил қилиб, дарсликлар, ўқув-услубий кўрсатмалар, схема ва жадваллар ёки Ўзбекистон Республикасида амалда бошқа техник ҳужжатлар асосида иш босқичлари ёки керакли ҳом ашёлар ҳақида маълумот йиғиладилар. Бунинг учун йўналтирувчи саволлардаги берилган топшириқ таърифи ва ўқув мақсадлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилади.

2. **Режалаштириш.** Бу босқичда ўқувчилар мустақил равишда иш режасини тузишади, яъни иш топшириғини бажаришда қаратилган, ўзлари амалга оширадиган иш босқичларини (масалан, ишлов бериш жараёни, материал, жиҳозлар ва ёрдамчи воситаларни танлаш) режалаштирадилар. Бунда ўқувчилар ўзларининг дастлабки назарий билимларига таянадилар ва шахсий ёзувларидан фойдаланиладилар.

3. **Қарор қабул қилиш.** Ўқувчилар ўқитувчи билан биргаликда режани амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилишади. Агар муаммони ҳал этишда турли ечимлар юзага чиқса, у ҳолда энг унумли ечим танланади. Ўқитувчи доимо маслаҳатчи сифатида қатнашиши керак.

4. **Амалга ошириш.** Ўқувчилар иш топшириғини тузилган режага мувофиқ бажарилади, ўқитувчи эса уларнинг ишини назорат қилиб туради. Ўзлаштириш натижалари аниқлик, пухталиқ, барқарор, юқори сифатлилиқ каби кўрсаткичларга асосланади.

5. **Текшириш.** Ўқувчилар бажарган топшириқлари натижаларини (масалан сифат кўрсаткичларини) ўзлари текшириб «Баҳолаш варағида қайд қиладилар. Ўқувчилар бир-бирларининг ишларини текширишлари мумкин. Ўқитувчи натижаларни «хулосалар» варағига ёзиб қўяди.

6. **Хулоса чиқариш.** Ўқитувчи иш жараёни ва натижаларни таълил қилиб, якуний суҳбат ўтказиши ва кейинги сафар нималарга эътибор бериш кераклигини айтади.

Йўналтирувчи матн усулининг моҳияти шундаки, ўқувчилар иложи борида ўзлари мустақил ўрганишлари лозим. Шу сабабли дидактик ва машқ материаллари шундай тузилиши кераки, улар асосан мустақил ўрганишга қаратиладиган бўлсин.

Ўқувчиларга бериладиган топшириқлар аниқ белгиланган бўлиши, яъни уларни ўқув нуқтаи назаридан унумли бажариш мумкин бўлиши ҳамда ҳажми ва қийинлиги жиҳатидан белгиланган ўқув мазмунларига жавоб бериши керак.

Касб-ҳунар таълимида ўқувчиларнинг мустақил ишлаши ўзлаштиришда юқори самара беради, яъни уларда биргаликда мулоқотда бўлиш, режа тузиш, қарор қабул қилиш ҳамда ўз ишини текшириш каби қобилиятлар ривожланади. Бундан ташқари, ўқувчилар коллежни битиргандан кейин уларнинг иш фаолиятдан кутиладиган натижа шуки, улар ўз ишини иқтисодий мезонлар (тежамкорлик) асосида режалаштиришлари ва амалга оширишлари керак.

Масалан, улар тежамли ишлаб чиқариш усуллари қўллаш, материаллардан ёки энергиядан тежамли фойдаланиш усуллари билишлари зарур.

Йўналтирувчи матн усулини ўқув жараёнида қўллаш бўйича ўқув назарий ва дидактик тажрибаларга асосланиб қуйидаги хулосаларни бериши мумкин:

✚ ўрганиш-ўзлаштириш жараёнининг асосини мустақил бажариладиган иш ҳаракатлари ташкил қилади.

✚ Иш ҳаракатлари ўқувчилар томонидан мустақил равишда режалаштирилиши, амалга оширилиши, текширилиши ва баҳоланиши лозим;

✚ Иш ҳаракатлари ўзида техника, меънат ҳавфсизлиги, ҳуқуқий, экологик ва бошқа масалаларни қамраб олиши керак;

✚ Иш ҳаракатлари ўқувчиларнинг билим тажрибасига айланмоғи лозим.

4. Лойиҳа усулини қўллаш.

Лойиҳа усули йўналтирувчи матн усули билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу икки усул бир-биридан қуйидагича фарқланади.

✚ йўналтирувчи матн усули эътиборни мустақил ўрганишга қаратади;

✚ лойиҳа усули, мустақил ўрганишдан ташқари, эътиборни касбни эгаллашда керакли шахсий қобилиятлар ва кўникмаларни ўрганишга қаратади.

✚ Лойиҳа усули хусусан лойиҳалар билан ишлашни ўрганиш ҳамда ўзлаштиришни кучайтириш мақсадида қўлланилади.

Лойиҳа усули европа мамлакатларида «Лойиҳаларга ва мавжуд билимларни янги вазиятда қўллашга қаратилган таълим» деб аталади.

Лойиҳа асосан ўрганишга хизмат қилиши, назария билан амалиётни боғлаши, корхонада учрайдиган бирор бир иш жараёнига алоқадор бўлиши, ўқувчилар томонидан мустақил режалаштирила олинadиган, меънатни ташкил этишга ва амалга оширишга ёрдам берадиган бўлмоғи лозим.

Касб таълимида лойиҳа учун бирор жиҳоз ёки унинг бир қисми мисол бўлиши мумкин. Масалан, чилангар уста бўлишни хоълаган ўқувчи учун тикув машинасини тузатиш ёки унга бирор мосламани ўрнатиш лойиҳада мисол бўлиши мумкин.

Лойиҳа усулини бутун амалий таълим жараёни доирасида қўллаш учун лойиҳалар қуйидагича бўлиши керак:

1. Аниқ чекланган топшириқни, масалан, бирор ишни режалаштиришдан бошлаб то сифатини текширишгача бўлган иш тартиби таърифи билан бирга берилиши лозим.

2. Топшириқ ўқувчилар нуқтаи назаридан мураккаб ва улардан мавжуд билимларни бошқа вазиятларда қўллаш олишни талаб қиладиган даражада бўлиши керак, яъни ўқувчи муаммони ҳал қилишида мавжуд билимларидан ташқари, бошқа билим ва кўникмаларини ҳам ишлатишга мажбур бўлмоғи зарур.

3. Ўзлаштирилган билим ва кўникмалар орқали янги топшириқни режа асосида ва иложи борида мустақил бажаришга интилиши талаб қилинади.

Лойиҳа усулининг асосий мақсади шуки, топшириқни бажариш учун керакли барча билим ва кўникмалар жараён давомида ўрганилиши даркор.

Ўқувчилар берилган топшириқни бажаришда вазифаларни ўзаро тақсимлаб, лойиҳа гуруҳи сифатида мустақил равишда режалаштиришдан бошлаб то амалга ошириш ва хулоса чиқаришга қадар биргаликда ишлашади.

Ўқитувчи ўрганиш жараёнини назорат қилиб ва мунтазам равишда бошқариб боради. Лойиҳадаги барча босқичларни қайд этиш ва лойиҳа ишини таққослаш имконияти бўлиши учун қуйидаги ҳужжатлар ишлатилади:

✚ лойиҳа (кинематик схемалар, иш чизмалари);

✚ лойиҳада тегишли топшириқлар таорифи;

✚ йўналтирувчи саволлар;

✚ ўқув мақсадлари ҳақида маълумотлар;

✚ ишлаш тартиби ва вазифаларни тақсимлаш юзасидан кўрсатмалар;

✚ баҳолаш варағи;

✚ назорат баённомалари;

✚ асбоб ва ускуналар, ўлчаш воситалари ва ёрдамчи материаллар рўйхати.

Лойиҳа усулини амалга оширишни босқичма-босқич кўриб чиқамиз.

1.Маълумот йиғиш. Бу босқич учун амалиёт ўқитувчиси кутидаги ҳужжат ва амалиёт ўқитувчиси кутидаги ҳужжат ва материалларни тайёрлаш лозим:

- ✚ лойиҳа (схемалар, техник чизмалар);
- ✚ лойиҳада тегишли топшириқлар таорифи;
- ✚ йўналтирувчи саволлар;
- ✚ ўқув мақсадлари ҳақида маълумотлар.

Ўқувчиларга чизма ва схемалар шаклидаги лойиҳа ҳамда топшириқ таорифи берилади. Ўқитувчи ўқувчиларни йўналтирувчи саволлардан фойдаланиб топшириқни таълил қилишда жалб этилади. Ўқувчилар дарслик, ўқув қўлланмалари ва тарқатма материаллар асосида мустақил равишда маълумот йиғишади. Ўқувчиларга техник чизмаларни, улар шу чизмалардан ўзларига керак бўлган қисмларни ўз ҳужжатларига кўчириб олишлари учун берилади. Сўнгра ўқувчилар лойиҳани бажаришдаги иш босқичларини тузишади.

2. Режалаштириш. Бу босқичда ўқувчилар мустақил равишда иш режасини тўлдиришади. Бу режада иш босқичлари, яъни технологик кетма- кетликни ва улар учун ажратилган вақт, керакли жиҳозлар ва ускуналар ҳақида меънат хавфсизлигига оид тадбирлар ҳақида маълумотлар кўрсатилади.

3. Қарор қабул қилиш. Ўқувчилар режалаштириш босқичида юзага келган натижаларни амалиёт ўқитувчиси билан биргаликда муҳокама қилишади. Ҳар хил ечимлар бир-бири билан таққосланади, ва энг мақбули танлаб олинади.

4. Амалга ошириш. Ўқувчилар топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда бажаришади.

Амалиёт ўқитувчиси иш жараёнини назорат қилиб туради, натижаларни назорат дафтарида қайд этади.

Ўқувчи ўрганган билимларини янги вазиятда қўллай ва ривожлантира олади, баҳолашни танлашни билади ва янги ижодий ечимларни топа олади.

5. Текшириш. Ўқувчилар ўз иш натижаларини ўзлари текширишади. Масалан, иш натижаларини сифат мезонлари асосида баҳолашлари мумкин.

6. Хулоса чиқариш. Ўқувчи ва амалиёт ўқитувчиси иш жараёни ва натижаларни биргаликда таълил қилишади.

Лойиҳа усулининг мақсади шуки, ўқувчилар ўз касб-ҳунари бўйича билим ва кўникмаларидан ташқари, ижтимоий ва шахсий қарашларга эга бўлишларига ёрдам бериш.

Демак, ишчи мутахассислар ўз касб ҳунарларига оид билим ва кўникмалардан ташқари, қуйидаги қобилиятларга ҳам эга бўлишлари керак:

- ❑ ташаббус кўрсатиш;
- ❑ муаммоларга мунтазам тарзда ёндошиш;
- ❑ қарорларни мустақил қабул қилиш;
- ❑ мосланувчан бўлиш;
- ❑ бирор муаммони ўзи ҳал қилиш;
- ❑ доим малакасини ошириш истагини кўрсатиш;
- ❑ биргаликдаги масулиятга таёр бўлиш;

5.Амалий кўникмаларни баҳолаш.

Ўқувчиларга амалий кўникмаларни мунтазам равишда ўргатиш касб талимининг асосий белгилардан биридир. Амалий машқлар охирида доим «синов иши» ўтказилиши лозим. Синов иши амалий иш бўлиб касб-ҳунар қоидаларига мувофиқ ишлов бериладиган ишлаб чиқариладиган маъсулотдир.

Синов иши ўқувчи ўзлаштирган билим ва кўникмаларни намойиш этади.

Синов иши орқали ўқувчи бирон бир амалий топшириқни белгиланган вақтда бажариши текширилади. Шу билан бирга ўқувчи ўзлаштирган малака ва кўникмалар аниқланади.

Синов ишларида ўқувчиларнинг олдин олган ва ўрганган билим ва кўникмалари натижалари номоён бўлиши керак.

Синов ишлари бевосита ишлаб чиқаришда учрайдиган ишларга асосланган бўлиши керак. Синов ишлари натижаси белгиланган мезонлар асосида баҳоланмоғи лозим.

Баҳолаш мезонларига қуйидагилар киради.

1. Касб малакаси.
2. Меънат хавфсизлиги.
3. Ишни режалаштириш.
4. Ишнинг бориши.
5. Иш сифати.
6. Ажратилган вақт.
7. Иш давомида ўзини тушуниш.

Назорат учун саволлар

1. Ўрганиш тушунчасини шарҳлаб беринг?
2. Ўрганиш турларига нималар киради?
3. Амалий кўникмаларни ўзлаштириш жараёнининг тўрт босқичини шарҳлаб беринг?
4. Амалий кўникмаларни намоёниш этиш босқичларини сўзлаб беринг?
5. Ўрганишдаги йўналтирувчи матн усулини шарҳлаб беринг?
6. Йўналтирувчи матн усули доирасидаги ҳаракатлар қайси тарзда амалга оширилади?
7. Ўрганишдаги лойиҳа усулини шарҳлаб беринг?
8. Лойиҳа услани бутун амалий таълим жараёни доирасида қўллаш учун лойиҳалар қандай бўлиши керак?
9. Лойиҳадаги барча босқичларни қайд этиш ва лойиҳа ишини таққослаш имконияти бўлиши учун қайси ҳужжатлар ишлатилади?
10. Лойиҳа усули қайси босқичларда амалга оширилади?

15-Майруза

ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Режа:

1. Ўқитишда талабаларнинг ижодий тафакурини ривожлантириш йўллари.
2. Талабаларнинг мустақил фикрларини ривожлантиришда таълим назарияси ва амалиёт асослари.

Таянч сўз ва иборалар:

Ижодий тафаккур элементлари, воситалар, дидактика билиш фаолиятини таъмин қилиш, таълим босқичлари, билим, кўникма, малака, дунёқараиш, ишонч, эhtiқод, қобилият, истеодод.

1. Ўқитишда талабаларнинг ижодий тафакурини ривожлантириш йўллари.

Ҳозирги таълим соҳасида кун тартибидаги долзарб вазифалардан бири ижтимоий, табиий ва техник фанлар синтези муваффақиятини амалиётда қўллаш-янгилаш фикрловчи, теран фикрини амалга тадбиқ қила оладиган инсон тафаккуридир. Буларнинг барчаси орқали инсон омилининг янада ошишига кенг имкониятлар яратилмоқда. Бунинг замирида келажак ўқитувчилари учун ижодий тафаккурнинг албатта зарурлиги тан олинмоқда.

Мустақил ижодий тафаккур-маънавий камолотнинг белгисидир.

Маълумки, инсон тафаккурнинг ривожланиш имкониятлари чексиз. Эркин ижодий тафаккур муайян ижтимоий, сиёсий, иқтисодий заминда юзага келади ва маънавиятнинг ривожига қанчалик уйғун бўлса, ижтимоий тараққиёт учун замин бўладиган фан илм ёнлари кўпроқ майдонга келади ва тараққиётга ижобий таъсир кўрсатади.

Касиб-таълим ўқитувчиси учун ижодий тафаккур, айниқса муҳим сифат ҳисобланади. Ижодий тафаккур шахс активлиги, ақл қувватини ишга сола билиш, борлиққа ўзгартириш киргиза билиш, яъни мустақил ҳаракатдир.

Мустақил таълимни оптимал бошқариш ва режалаштириш талабаларда ижодий тафаккурни ривожлантиришнинг муҳим кўрсаткичлари.

Ижодий тафаккур – ички бир-бирига боғлиқ мантикий кетма-кетлик орқали бажариладиган ҳаракат деб қаралса ҳам бўлади. Ижодий тафаккур албатта янги ижодий натижага эришишни назарда тутди, янги тафаккурга бўлган талаб, ижодий тафаккурни бир бутун таркиби орқали бирлаштиради.


Берилган схемада талабаларнинг ижодий тафаккур таркибнинг мантикий кетма-кетлиги изоҳланган.

Талабалар ижодий тафаккур элементлари мантикий таркибининг алоқа схемаси

ОШЛАНҒИЧ БОСҚИЧ (1 КУРС).



ЯКУНЛОВЧИ БОСҚИЧ (4-КУРС)



Кўриниб турибдики, ижодий тафаккур структураси тушунчасида талабалар нафақат аудиториядан ташқари машғулотларда, балки маоруза, семинар, лаборатория, назорат ва индивидуал суҳбатларда ҳам мустақил фикрлашлари лозимдир.

Ижодий тафаккурни тўғри ва рационал ташкил қилиш кўзланган мақсад сари етаклайди.

Талабаларнинг мустақил фикрларини ривожлантиришда таълим назарияси ва амалиёт асослари

Таълим жараёнининг илмий, назарий услубий ва амалий асосларини, яъни таълим, билим бериш, ўқитиш назарияси билан педагогиканинг мустақил бўлими дидактика шуғулланди. **Дидактика** — грекча сўз бўлиб, "didasko", яъни, ўқитиш ўргатиш маноларини беради. Таълим қонуниятларини ўрганиш, таълил қилиш жараёнида таълим тушунчаси унинг моҳияти мазмун ва вазифалари, ўқитиш принциплари, шакллари ҳақидаги билимлар баён этилади.

Таълим - инсон билиш фаолиятининг энг мураккаб турларидан бири бўлиб, индивидуал психик ривожланишни ва билимларни ўзлаштиришни анча тезлаштиради. Ўқитувчи таълим жараёнида фақат билим бериш билан чегараланмайди, балки бу жараёнда ўқувчи, талабага таъсир кўрсатади, бу эса уларнинг билим олишларини янада фаолаштиради, натижада ўқувчи таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айланади. Таълимдаги ютуқлар, аввало ўқитувчига боғлиқ. Мутахассис сифатида ўз фанини чуқур билиши, педагогик мулоқот устаси бўлиши, психологик-педагогик ва услубий билим ва малакаларни эгаллаган бўлиши, ҳар хил педагогик вазиятларни зудлик билан ўрганиш ва баҳолаш, педагогик таъсир кўрсатишнинг мақбул усул ва воситаларини танлаб олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Таълимни асосий вазифаси шахсни илмий билимлар, кўникма ва малакалар билан қуролладтиришдан иборат. Таълим инсон билиш фаолиятининг бир тури сифатида бир неча маонони билдиради. Яъни: таълим оловчиларда билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, уларда дунёқараш, фикр ва эотиқодларни шакллантириш ҳамда уларнинг қобилиятларини ўстиради.

Таълим орқали ёш авлодга инсоният тажрибаси орқали тўпланган билимлар борилади, зарурий кўникма ва малакалар ҳамда эотиқодлар шаллантирилади.

Таълим ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти бўлиб, у икки томонлама характерга эга, яъни унда икки томон ўқитувчи ва ўқувчи фаол иштирок этади. Ўқитувчи аниқ мақсадни кўзлаб, режа ва дастур асосида билим, кўникма ва малакаларни

сингдиради, ўқувчи эса уни фаол ўзлаштириб олади. Билдириш, билиш мураккаб, қийин, зиддиятли жараёндир. Бу жараёнда инсон психикасига тегишли сезги, идрок, тасаввур ва тафаккур каби жараёнлар фаол иштирок этади ва муҳим ролр ўйнайди.

Таълим бериш, ёшларга билим бериш, уларда кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, янги ҳақиқатларни оча билишга қодир бўлган ижодий мантикий тафаккурни тарбиялашдир. Таълим ўқувчи-талабаларнинг ўзлаштириш, ўзида билиш қобилиятларини ҳамда фикрлаш операциялари ва ҳаракатларини ҳосил қилиш жараёнидир. Бу пасив жараён эмас, балки ўқувчига номаълум фаол, ижодий фаолият, меънат жараёнидир. Таълим жараёнида таълим олувчи билмасликдан билишгача, нотўғри ва ноаниқ билишдан тобора тўлиқроқ ва аниқроқ, чуқурроқ билишгача бўлган йўлни босиб ўтади.

Билимларни ўзлаштириш жараёнида сезги, идрок, тасаввур, тафаккур каби психик жараёнлар фаол иштирок этади ва амалиётда синаб кўрилади.

Ўқитувчи, ўқувчи ва талабалардаги фикрлаш жараёни тўғри йўлга солиш учун амалиёт ҳар қандай билишнинг негизидир, деган қондани ҳисобга олиши зарур.

Ўқувчи ва талабаларнинг эркин фикрлаш қобилиятини ўқув ва амалий машғулотлар ўтказиш йўли билан ўстириш лозим. Ўқувчи, талаба тафаккур жараёнида воқеликни таълил қилишни ва таққослашни, билимларнинг ўзлари учун тушунарли соҳаларидаги сабаб-хулосалар чиқаришни ўрганадилар, яъни оддий, сўнгра эса анча мураккаб тушунча ҳамда фикр-мулоҳазалар ҳосил қилишни билиб оладилар.

Таълимда ўқитувчи билим бериш билан чекланмайди, у ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятига ҳам раҳбарлик қилади, ўқувчиларда ишдаги мустақиллик, ижодкорлик қобилиятларини ўстиради ва шу тариқа ўрганилаётган нарсанинг онгли равишда ўзлаштириб олинишга эришилади. Материални идрок қилишлари ва тушуниб олишлари билан бирга, уни пухта эса сақлаб қолишлари тўғрисида ҳам Ҳамфўрлик қилади.

Ўқитувчи ўқувчи-талабанинг билиш фаолиятларини ташкил қилиш мақсадида ўқув ишларини олиб борар экан, аввало таълим жараёни орқали уч вазифани, яъни билим бериш орқали уч мақсадни ҳал қилиши лозимлигини унутмаслиги керак. Бу мақсадлар ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятини бирлаштиради.

Таълимий мақсад - ўқув материалларининг мазмунини билиш, яъни ушбу фанга тегишли илмий билимларни ўзлаштириш ва амалиётга тадбиқ қила олишдир.

Тарбиявий мақсад - фан асосларини ўзлаштириш орқали унинг мазмунида ётган буюлар, дунёқарашлар таъсирида ўзининг шахсий сифатларини, имон-эотиқодларини шакллантиришдир.

Ривожлантирувчи мақсад - таълим жараёни таъсирида шахснинг ақлий камолотини билиш қобилиятини, ўқишга, меънатга бўлган муносабатини ривожлантиришдан иборат.

Бу мақсадларни амалга ошириш натижасида ўқувчи - талабада мустақил ишлаш истеододи пайдо бўлади. Уни ўйлашга ўргатади, таълим жараёнида тафаккур ҳукмронлик қилади. Таълим турли босқичларда амалга ошади.

Биринчи босқич — ўқув материалларини идрок қилишдан иборат. Бунда ўқувчи-талаба таълимнинг мазмуни билан танишиб, ўзининг билиш вазифалари нималардан иборат эканини тушуниб олади. Бунда сезги, идрок, тасаввур каби жараёнлар фаол иштирок этади.

Иккинчи босқич — улар ўқув материалларини тушуниб оладилар, унинг моҳиятини англайдилар ва умумлаштирадилар. Натижада уларда янги билимлар пайдо бўлади. Бунинг учун улар анализ, синтез, таққослаш, хулоса чиқаришдан фойдаланадилар.

Учинчи босқич — янги билимлар, машқлар, мустақил ишлар, ўқитувчининг кўшимча изоълари орқали мустаҳкамланади.

Тўртинчи босқичда — улар ўзлаштириб олган билимларини имкониятга қараб амалиётга тадбиқ қиладилар.

Буларни билиш орқали ўқитуви таълим-тарбия жараёнини самарали бошқариши мумкин. Шунинг учун ўқув жараёнининг ҳамма босқичларида ўқитувчи етакчилик ва бошқарувчилик ролини ўйнайди. Юқоридаги фикрлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, ўқитиш жараёни билиш фаолиятининг муҳим тармоғи сифатида қатор вазифаларни бажаради. Жумладан:

ўқувчи ва талабаларда билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилади;

уларда дунёқарашни, ишонч ва этиқодларини ўстиради;
ёшларни муайян даражада ўқимишли, маданиятли, тарбияли кишилар бўлиб етишларига, қобилият ва истеоддорларини ўстиришга эришилади.

Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун ўқитувчида ўз касбига лаёқат бўлиши лозим. Лаёқатлилик педагогик меънатни муваффақиятли бажаришга қодир бўлишдир. Бу аввало, педагогик касбнинг ижтимоий роли ва заруриятини яққол тасаввур қила олишида кўринади. Бундан ташқари ўқитувчи, ўқувчида ўз фаолияти объектлари сифатида қизиқиб қараш, унинг эътиёж ва хусусиятларини тушуна билиши лозим.

Бундан ташқари ўқитувчи таълим жараёнида ҳар бир ўқувчи талабанинг билими ва тарбияланганлик даражасини аниқлай олиши ва ҳисобга олиши, ўқув материалларини тўғри танлай билиши, таълил қила олиши ва умумлаштира билиши педагог маҳорат учун зарур бўлган таълим усуллари, воситалари ва шакллари мукамал билиш, ўқувчида нисбатан талабчан бўлиш педагогик вазиятга қараб улардан ўринли фойдалана олиш, таълим натижаларини дастлабки ва кейинги кўрсаткичлар билан таққослаш, таълил қилиш ва хулосалаш кабилар. Хуллас, ўқитувчи кенг кўламдаги дидактик билимлар, педагогик маҳоратга эга бўлиши лозим. Шундагина ўқитувчи, кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари даражасида таълим жараёнини ташкил қилади ва бошқаради.

Назорат учун саволлар

1. Мустақил ижодий тафаккур нима?
2. Талабалар ижодий тафаккур элементлари мантиқий таркибининг алоқа схемасини бошланғич босқичи алгоритмининг тавсифлаб беринг?
3. Талабалар ижодий тафаккур элементлари мантиқий таркибининг алоқа схемасини оралик босқичи алгоритмининг тавсифлаб беринг?
4. Талабалар ижодий тафаккур элементлари мантиқий таркибининг алоқа схемасини якуний босқичи алгоритмининг тавсифлаб беринг?
5. Ижодий тафаккур элементлари нималардан иборат?
6. Ижодий тафаккур воситалари нималардан иборат?
7. Педагогик тадқиқотлар деганда нимани тушунасан?
8. Дидактика нима?
9. Таълимнинг таълимий, таркибий, ривожлантирувчи мақсадлари нималардан иборат?
10. Таълимнинг тўртта босқичини тавсифлаб беринг?

16-Маъруза

КАСБИЙ ФАНЛАРДАН ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Р е ж а:

1. Касб-хунар коллежларини ташкил этиш ва уларни фаолиятини бошқариш
2. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги низом
3. Касб-хунар таълимининг меъёрий хужжатлари.

Таянч сўз ва иборалар:

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, ўрта махсус, касб-хунар таълими худудий бошқармалари, ўрта-махсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги низом; Касб-хунар таълими, давлат стандарти, мутахассиснинг малакавий характеристикаси, йўналишларнинг намунавий ва ишчи ўқув режалари, фанларнинг намунавий ва ишчи ўқув дастурлари.

Касб-хунар коллежларини ташкил этиш ва уларни фаолиятини бошқариш

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни рубега чиқариш, шунингдек академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ташкил этиш, уларни фаолиятини йўлга қуйиш ва мувофиқлаштириш, уларда баркамол чуқур билимларга эга бўлган малакали кадрлар тайёрланишини таъминлаш мақсадида академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди (24.02.98й).

Қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ташкил этилди. Шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар таълими худудий бошқармалари ҳам ташкил этилди.

Қарорда ўрта махсус, касб-хунар-техника таълимининг фаолият курсатаётган таълим муассасаларининг ҳамда улар негизида ташкил қилинаётган академик лицейлар ва касб-хунар коллежалари фаолиятига ўқув -услугий ва илмий раҳбарлик қилиш давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўқув дастурларини унификациялаш, педагогик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигига юкланади.

Қарор талабларига мувофиқ, ҳозирда О ва УМТ Вазирлиги Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисида низомни, академик лицей ва касб-хунар коллежи намунавий уставларини ишлаб чиқди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими учун педагог ва муҳандис-педагог кадрларни мақсадли тайёрлашни таъминлашни амалга оширмоқда. Касб-хунар коллежлари учун малакали педагог ва муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш бўйича базавий олий таълим муассасалари сифатида Бухоро озик-овкат ва енгил саноат технологияси институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Наманган муҳандислик-педагогика институти тайинланган.

Ўрта махсус, касб-хунар Таълими тўғрисидаги Низом

"Ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги Низом" қуйидаги бўлимлардан иборат: Умумий қоидалар. Касб-хунар коллежининг мақсад ва вазифалари. Коллеж ўқувчилари. Ўқув -тарбиявий ва илмий-услугий ишларни ташкил этиш. Коллежнинг ўқитувчи ва ўқув тарбия ходимлари таркиби. Касб хунар коллежини бошқариш. Жамоат ташкилотлари. Касб-хунар коллежининг мулки ва маблағлари.Халқаро ҳамкорлик. Таълим муассасасини ташкил қилиш ва тугатиш.

"Умумий қоидаларда" касб-хунар коллежаларига таъриф берилади: касб-хунар коллежида ўқитиш уч йил, давлат таълими стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар маълумоти беради, ўқувчиларнинг касб-хунар лаекатларини, кўникма ва ўқувларини ривожлантиришни, уларнинг танланган касб-хунар бўйича бир еки бир нечта

мутахассисликка эга бўлишини таъминлайди. Касб-хунар таълими билим асосларини чуқур урганишни, танланган касб-хунар бўйича кичик мутахассис сифатида мустақил амалий ишлаш учун кадрлар тайёрлашни таъминлайди.

II бўлимда коллежларнинг асосий мақсади сифатида давлат стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини берадиган, ўқув чиларнинг касб-хунарга мойиллиги, махорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танлаган касблар бўйича бир еки бир неча ихтисос олишни таъминлаш белгиланган. Коллежларнинг асосий мақсадни амалга ошириш борасидаги вазифалари қуйидагилардан иборат: Таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш еки эгаллаган ихтисоси ва касб-хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берадиган давлат таълим стандартлари доирасидаги умум таълим ва касбий дастур асосида ўқитиш; танлаб олинган касб-хунар бўйича бир еки бир неча ихтисосликни эгаллаш жараёнида ўқув чиларнинг касбий ласкат, кўникма ва малакаларини ривожлантириш. Касб-хунар коллежларида касбга ўқитиш йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мувофиқ, Республика ҳудудларини иктисодий ва ижтимоий ривожлантириш, шунингдек меҳнат бозорининг кичик мутахассисларга бўлган эҳтиёж-ларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

III бўлимга мувофиқ, тасарруфдаги ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқув чилар қабўл қилиш умумий ўрта таълим негизида мактабларнинг 9-синфини битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва умумий ўрта таълимни тугатишда улар томонидан олинган рейтинг курсаткичлари натижалари бўйича, уларнинг академик лицейда ва касб-хунар коллежида ўқиш йўналишини ихтиерий равишда танлашини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Касб-хунар коллежларида умумий таълим ва касб-хунар дастурлари уч курсда амалга оширилади. Ўқув чилар ўқув курслари бўйича гуруҳларга, ўқиш йўналишлари бўйича эса бўлинмаларга бирлаштирилади. Тассару-фидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасида ўқув йили 2 семестрга бўлинади.

Касб-хунар таълими дастурлари давлат таълим стандарти билан белги-ланадиган қуйидаги билимларини уз ичига олади: умум таълим дастурлар, Ўқиш йўналишлари бўйича умумтехникавий касб-хунар ва махсус дастурлар. Коллежларда ўқитиш сифати ва даражасининг давлат таълим стандартига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат тартиботларини утказиш назарда тутилади:

ЖОРИЙ НАЗОРАТ - суровлар, коллоквиумлар, семинарлар, назорат ишлари ва тестлар тарзида билимлар, малака ва кўникмалар текширилади; ОРАЛИК НАЗОРАТ - семестр тамом бўлганда ва ўқув дастўрининг тегишли бўлими тугаллагандан кейин амалга оширилади. Унинг асосида Ўқув чи рейтинги аникланади. Билимлар, малака ва кўникмаларни баҳолаш учун оралик назорат имтихонлар, тестлар, синовлар, курс ва малака ишлари шаклида утказилади; ЯКУНИЙ НАЗОРАТ - академик лицейда, касб-хунар коллежида ўқиш тугалангандан кейин давлат аттестацияси: имтихонлар, тестлар, малака ишлари, диплом лойихаларини химоя қилиш шаклида амалга оширилади. Касб-хунар таълими муассасаларини битирувчиларга ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисида давлат намунасидаги халқаро намунасидаги халқаро андозадаги диплом берилади, унда классификаторга мувофиқ мутахассислик (мутахассисликлар) бўйича берилган малака курсатилади.

V бўлим моддаларида коллеж ўқитувчи-ҳодимларнинг таркиби, ҳуқуқлари ва маъсулиятлари аниқланган, шунингдек уларни аттестациядан утказиш ва малакасини ошириш тартиби белгиланган.

Коллеж фаолиятини бошқариш директор томонидан амалга оширилади, коллежнинг уз-ўзини бошқаришнинг олий органи бўлиб - илмий-педагогик кенгаш ҳисобланади (VI-бўлим).

Касб-хунар Таълимининг меъёрий хужжатлари

Касб-хунар таълимининг меъёрий хужжатлари таркибига давлат таълим стандарти, малакали характеристика, намунавий ва ишчи ўқув режалари, шунингдек фанларнинг намунавий ва ишчи ўқув дастурлари киради.

Давлат Таълим стандарти

Таълим тизимининг фаолияти муайян меъёрий хужжатлар асосида бошқариб борилади, таълим стандарти бугунги кунда шулардан бири бўлиб колмоқда. Стандарт тушунчаси меъёрий, намуна, улчов маъноларини англатади. Стандартлар, одатда, муайян хусусият ва сифатга эга, жамият эҳтиёжини кондирга оладиган махсулотларни ишлаб чиқарувчи кишилар ва ташкилотлар муносабатлари ва фаолиятини бошқариш усулини тайин этади.

Таълимни стандарт-лаштиришнинг мақсад ва вазифалари. Давлат таълим стандарти қуйидаги мақсадларни амалга оширишни кузда тутиши лозим: таълим беришнинг сифати масалаларида шахс, жамият ва давлат манфаатларини химоя қилиш ва кадрлар тайёрлаш, таълимий хизматларни тавсия этиш, меҳнат бозорини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш; шахс, давлат ва жамият эҳтиёжларига мос кадрлар тайёрлаш ва таълим бериш сифатини ошириш, халқаро тажрибалар асосида фан ва техникани ривожлантириш; кадрлар тайёрлаш ва таълим жараёнида мувофиқлик ва узлуксизликни таъминлаш; таълимнинг барча шакл ва бугунларида ўқув тарбия жараёнини мукаммаллаштиришга кумак бериш; таълимий хизмат курсатишда ракобат бўлишини таъминлаш;

Таълимни стандартлашнинг вазифалари:

Таълим бериш ва кадрлар тайёрлаш, тавсия этилувчи таълимий хизмат руйхати ва сифатига юқори талаблар белгилаш. Давлат ва шахс эҳтиёжи учун зарур бўлган таълим бериш ва унинг оқибат натижасининг муайян талабларини урнатувчи меъёрий хужжатлар тизимини ишлаб чиқиш, шунингдек, мазкур хужжатдан тугри фойдаланишни назорат қилиш. Миллий стандарт талабларининг халқаро мезонлар билан уйғунлигини таъминлаш. Таълим утғисидagi миллий хужжатларнинг шу турдаги хужжатларга мос келувини таъминлаш. Узлуксиз таълим жараёнининг таркибий қисмлари ва таркибий унсурлариаро богликлик ва мувофиқлик бўлишига эришиш. Таълим бериш ва кадрлар тайёрлашда юқори натижаларга эришувда моддий бойликлар, вақт ва бошқа сарф-харажатларни камайтириш. Ўқув -тарбия жараёни ва умуман, таълим учун меъер, қоида, курсатма ва талаблар белгилаш. Стандартлаш бўйича халқаро тажрибаларни бевосита куллаш амалиетини кенгайтириш, агар улардаги талаблар Ўзбекистон Республикасининг таълими, фани, маданияти, техника ва технологияси учун мос тушса, чет эл давлатлари миллий стандартлари йурикидан фойдаланиш. Педагогик технологиялар (ўқув -ўқитув ва тарбия методикаси, ўқитишнинг техник воситалари ва б.) га муайян талаблар белгилаш. таълим даражасини, таълим олаётганлар ва битирувчилар малакасини баҳолаш ва назорат қилишнинг меъёрий-техник ва методик таъминотини юзага келтириш.

Стандартлаш (уни ишлаб чиқиш ва фойдаланиш) жамият эҳтиёжларидаги тарихий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда турмуш амалиетини тартибга солишдан объектив заруриятдир. Таълим стандарти тушунчаси остида мавжуд шахс ва таълим тизимининг келажак ижтимоий мақсади, шаклланиш талабининг давлат меъерлари ва малака даражаси сифатидаги асосий қирралар тушунилади.

Таълимни стандартлаш турли мамлакатларда турлича амалга оширилган. Лекин таълимга нисбатан "стандарт" атамасидан фойдаланиш яқинда юз берди. Бизнинг мамлакатимизда таълимни стандартлашга асосан 1993 йилдан киришилди, (1992 йилдаги "Таълим тўғрисида" Қонун, 7-модда, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йилдаги 406-Қарори) ва қуйидагилар ишлаб чиқилиб жорий этилди: Давлат таълим стандартини юритиш қоидалари: Давлат таълим стандартининг манбаи, вазифалари ва таркиби аниқланди; таълимнинг маълум бугунлари битирувчилари учун талаблар ва х.к. Аммо умумий таълим тизимида бўлгани каби Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этишда назарий-методик, айниқса, ташкилий соҳада бир катор камчиликларга йўл қуйилди. Лекин шунга карамай бу ишлар шубҳасиз фойдали ва керак бўлиб чикди. У, мохиятан, таълимни

стандартлаш, Давлат таълим стандартини ишлаб ва уни хозирги босқичда амалиётга татбиқ этишнинг заминини юзага келтирди.

Таълим тизимини тузилиши жихатдан ислох қилиш, таълим мазмунини тубдан қайта қўришнинг хозирги шароитида давлат таълим стандартига муносабат, уни ишлаб чиқиш ва жорий этишга янгича ендашувни талаб этади. Стандартни ишлаб чиқиш "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддаси ва муайян бандларида, "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" да таълимнинг мазмуни ҳақида баён этилган умумий талабларга қўра амалга оширилади.

Таълим стандарти қонуннинг маълум қисмини жорий этишни таъминловчи асосий меъёрий ҳужжатдир. У таълимнинг мазмуни, ички тузилиши, намоён бўлиш даражасига талабни оширади ва аниқлаштиради, таълим натижаларини ва умумлаштириш метод ва шакллари курсатиб беради, бошқа турдаги меъёрий ҳужжатлар (ўқув режалари, ўқув юртлирини аккредитация қилиш, кадрларни аттестациядан ўтказиш Низомлари ва б.лар)нинг юзага келтирилишига асос бўлади. Стандарт воситасида таълимнинг талаб этилган даражасини бир меъёрида сақлаш, уни жамият тараққиёти истикболига қўра такомиллаштириш амалга оширилади. Шу билан бирга, давлат стандартини жорий этиш ўқув жараёнини бир қилипда ўтказиш деган гап эмас, балки, аксинча, у педагогик ижодкорлик, мазмунда маълум ўзгариш сақлаган ҳолда дастур турлирини тўзиш, ўқитишнинг турли-туман технологиясини ишлаб чиқишга кенг имкониятлар очиб беради.

Таълим тизимининг муҳим курсаткичи стандартдаги халқчилликдир, чунки у, энг аввало, давлат идоралари томонидан, марказлашган таълим муассасалари томонидан мустақил аниқлаштириладиган таълим бериш моҳиятига мос келади. Шундай қилиб, давлат таълим стандартлари таълим оловчилар ва битирувчилар тайёргарлигининг қўйи ва юқори даражадаги чегарасини; максимал ўқув юқламаси ҳажминини; таълим мазмунига ва унинг юзага чиқишига бўлган талабларни; таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш усуллари, механизми ва тайёрлаш сифатига бўлган стандарт талабларни баҳармаётган шахслар ва муассасаларга нисбатан қўриладиган чора ва бошқаларни аниқлаб беради.

Намунавий ва ишчи ўқув режалари, фан дастурлари

Намунавий ва ишчи ўқув режалар қасбий таълимнинг ҳар қайси йўналиши учун Давлат таълим стандарти ва мутахассиснинг қвалификацион тавсифномасига қўра таянч таълим муассасаси томонидан ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси қўйидаги бўлимлардан иборат: **1. Ўқув жараёнининг жадвали** – бунда курслар ва семестрлар бўйича ҳафталик ҳажмларда назарий ва амалий машғулотлар ишлаб чиқариш амалиёти давлат аттестацияси ва татиллар келтирилади. **2. Ўқув жараёнининг режаси** – бунда қўйидаги блоklarга бўлинган фанлар қўрсатилади: 1) умумтаълим фанлари; 2) махсус фанлар, шунингдек ишлаб чиқариш таълими, ишлаб чиқариш амалиёти давлат аттестацияси, курс ва семестрлардаги мустақил ишлар.

Фанларнинг намунавий дастурлари таянч ўқув юртлири томонидан қасбий таълимнинг давлат стандарти ва намунавий ўқув режаси асосида ишлаб чиқилади. Фаннинг намунавий дастури асосан қўйидаги бўлимлардан тузилган: **Сўз боши.** Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари. Фан бўйича талабаларнинг билимига, ўқув ига ва қўникмасига қўйиладиган талаблар. Ўқув режасига бошқа фанлар билан алоқаси. Фанни ўқитишдаги янги технологиялар. Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий қўрсатмалар. Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича ҳажм. **Ўқув материалларининг мазмуни.** Фаннинг мазмуни. Тавсия этилувчи амалий машғулотлар. Лаборатория машғулотларининг мавзуси. Курс ишлари лойиҳаларининг мавзуси ва мазмуни. Мустақил иш мазмуни. **Ахборот - услубий таъминот.** Асосий адабиётлар. Қўшимча адабиётлар. Информацион техник воситалар

Назорат учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 24.02.98 йилдаги «Академик лицей ва қасбий коллежлар фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш» ҳақида қарори ҳақида нима биласиз ?

2. Ўрта-махсус касбий таълим маркази нима учун тузилган ?
2. Ўрта-махсус, касбий таълимнинг худудий бошқармалари хакида нима биласиз ?
3. Ўрта-махсус, касбий таълим тўғрисидаги низомнинг асосий мазмунини айтинг.
4. Касбий таълимнинг Давлат стандарти нимани аниқлайди ?
5. Мутахассиснинг Квалификацион характеристикаси қандай мақсадлар учун ишлаб чиқилади ?
6. Квалификацион характеристикаси ўз ичига қандай бўлимларни олади?
7. Намунавий ва ишчи Ўқув режалари нималарни белгилайди ?
8. Ўқув режаси қандай бўлимлардан иборат ?
9. Фаннинг намунавий ва ишчи дастурлари қандай фаркланади ?
10. Таълим тизимининг фаолияти нималар асосида бошқариб борилади?

17-Майруза

КАСБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ВА ЛАБОРАТОРИЯ МАНЎҒУЛОТЛАРИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Режа:

1. Ахборот технологиясининг келиб чиқиш тарихи.
2. Замонавий ахборот технологиясида мультимедия

Таянч сўз ва иборалар:

Ахборот технологияси, Замонавий ахборот технологияси, Мультимедия, "инсон-компьютер", Слайд, Тақдимот материалларини тайёрлаш босқичлари, анъанавий ахборот турлари.

Ахборот объектлар, ходисалар, жараёнлар хакидаги хабарлар тўпламидир. Олинган ахборотлар белгили, матнли ва графикали курунишда ифодаланади. Белгили курунишдаги ахборот асосан харфлар, рекламалар, белгилар ва шу каби белгилар курунишидан иборат булади. Ундан турли ходисалар хакида мураккаб булмаган сигналларни узатиш учун фойдаланилади. Масалан, кучадаги светофорнинг яшил чироги транспорт ва одамларнинг ҳаракатланишини билдирса, **кизил** чирок эса, аксинча ҳаракатланишни тақиқлайди. Сарик чирок **эса** куча ҳаракатини алмашилиши хакида хабар беради. Матнли куруниш ахборотни тасвирлашнинг деярли мураккаб курунишидир. Бунда ҳам юқорида келтирилганидек харфлар, рақамлар, математик белгилардан фойдаланилади. Лекин ахборотни тасвирлашда нафакат мазкур белгилардан фойдаланамиз, балки уларни тутган ўрни ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Масалан “нок” ва “кон” сўзлари бир хил харфлардан иборат бўлсада, лекин турли хил ахборотни билдиради. Матнли белгилардан амалда жуда кенг фойдаланилади. Жаҳонда жуда кўплаб китоблар, ойномалар кундалик рўзномалар ва хоказолар матнли кўрунишда чоп этилмоқда. Ахборот тасвирлашнинг жуда катта ва мураккабли кўруниши графикали куруниш ҳисобланади. Бунга турли хил шаклларнинг табиий кўруниши, фотография, чизмалар, схемалар ва расмлар киради. Бир-биримиз билан ўзаро алмашинаётган ахборотлар нутқ ёки ёзма шаклда бўлиб, белгили ахборотлар деб аталади. Улар ёзма матнлар, харфлар, тиниш белгилар, рақамлар ва бошқа белгилардан иборат бўлади. Оғзаки нутқ ҳам белгилардан иборат, лекин бу белгилар ёзма эмас балки овозлидир. Тилшунослар буни фонемлар деб атайдилар. Фонемлардан сузлар йиғилади, сўзлардан эса иборалар ҳосил булади. Ёзма белгилар ва овозлар уртасида угридан-тугри алоқа мавжуд. Дастлаб овоз, сунгра ёзув пайдо оулган. Инсон нутқини қоғозга туширишнинг зарурати туфайли, ёзувга эҳтнёж пайдо булган. Алоҳида ҳарфлар ёки харфлар бирикмаси нутқ овозини, тиниш белгилар эса паузапарни, интонацияларни ифодалайди.

XX асрнинг 70 йилларида микропроцессор технологиясининг кашф этилиши ва шахсий компьютерларнинг ҳаётимизга кенг кириб келиши, янги ахборот инкилобини вужудга келтирди. Бу инкилоб янги соҳа ҳисобланмиш, яъни билимларни ишлаб чиқиш учун янги технологиялар, услублар, техник воситаларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ ахборот саноатини ривожланишини илгари сурмоқда. Ахборот технологиялари, хусусан телекоммуникациянинг барча турлари ахборот саноатининг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир.

Ахборот технологияси - объект, жараён ёки ҳодисанинг ҳолаги ҳақида янги сифат ахбороти олиш учун маълумотлар йиғиш, ишлов бериш ва узатишнинг восита ва услубларининг жамланмасидан фойдаланадиган жараёндир.

Телекоммуникация-компьютер тармоқлари ва замонавий техник алоқа воситалари негизда маълумотларни масофадан узатишдир.

Замонавий ахборот технологияси компьютер техникаси ва алоқа воситалари соҳасидаги ютуқларга таянади. Ҳозирда компьютер техникаси ва ахборот технологияларининг гуркираб ривожланиши турли хил ахборотдан самарали фойдаланишга қаратилган ахборот жамиятининг ривожланишига туртки бўлди. Бу жамиятда қўнғилиқ ишловчилар ахборот, унинг олий шакли бўлмиш билимларни ишлаб чиқиш, сақлаш, ишлов бериш ва амалга ошириш билан банд бўладилар. Ахборот жамиятида компьютерлаштириш жараёни одамларга ишончли ахборот манбааларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ахборотга ишлов беришни автоматлаштиришнинг юқори даражасини таъминлашга имкон беради. Бу жамиятда нафакат ишлаб чиқариш, балки бутун турмуш тарзи, қадриятлар тизими ҳам ўзгаради. Жами фаолият маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва истеъмол этишга йўнаштирилган саноат жамиятига нисбатан ахборот жамиятида тафаккур, билимлар ишлаб чиқарилади ва истеъмол этиладики, бу ҳолатлар ақлий меҳнат улушининг ошишига олиб келади. Ҳар бир инсондан ижодиётга қўйилаётган талаб этиладики, натижада билимларга бўлган эҳтиёж янада ошади. Ўшбу жамиятнинг моддий ва технологик негизини компьютер техникаси ва компьютер тармоқлари, ахборот технологиялари, телекоммуникация алоқалари асосидаги турли хил тизимлар ташкил этади. Жамиятнинг ахборотлаштириш жараёнида энг муҳим гушунчалардан бири ахборот захралари ҳисобланади. Ахборот захралари-алоҳида ҳужжатлар, ахборот тизимлари, яъни кутубхона, архив, фонд, маълумотлар банклари, шунингдек (юшқа ахборот тизимларидаги ҳужжатлар тупламидир).

Ҳозирда мультимедиа деган суз кундалиқ фаолиятимизда жуда қўнғилиқ ишлатилмоқда. Таълимда мультимедиа технологиясини тадбиқ этиш учун дастлаб, "Мультимедиа нима ўзи?" деган саволга жавоб берайлик. **Мультимедиа**- тасвирли маълумотлар билан ишлашга қўнғилиқ бўлган восита ҳисобланади. **«Мультимедиа»** сузи латинча **«медиа»** сузидан олинган бўлиб, **«маълумот ташувчи восита»** деган маънони англатади. Мультимедияли компьютерлар суз, мусика ва бошқа овозли маълумотлар, видео маълумотларни қабул қилади ва улар ўстида ишлайди. Мультимедиа тушунчаси ҳаётимизга 90-йилларнинг бошларида кириб келди. Қўнғилиқ мутахассислар бу атамани турли хил изоҳламоқдалар. Уларнинг фикрларини умумлаштириб **мультимедиага** шундай таъриф бериш мумкин: **мультимедиа** - бу пиформатиканинг дастурий ва техникавий воситалари асосида ахборотнинг аънавий ва оригинал турлари асосида Ўқув мпериалларини ўқувчиларга етказиб беришнинг муҳассамлашган ҳолдаги қўнғилиқидир. Мультимедиа ҳозирда жуда тез гуркираб ривожланаётган замонавий ахборот технологияси бўлиб, у қўнғилиқларни ўз ичига олади:

- аънавий ахборот турлари, яъни матн, жадал, турли хил безақлар ва оригинал ахборот турлари, яъни нутқ, мусика, (видеофильмлардан парчалар, телекадрлар, анимация, объектларнинг фазодаги ҳаракати) қўнғилиқидидаги ахборот турларини бир дастурий маҳсулотда муҳассамлаштирилганлиги;

- видео ва аудио ахборотларни компьютерам қайта ишлаш ва акс эттириш учун марказий процессор тез ҳаракатчанлиги, маълумотларни узатиш шинасининг ўтказиш қўнғилиқи, оператив ва видео-хотира, қатта қўнғилиқли ташки хотира, ҳажм ва компьютер

кириш-чикиш каналлари буйича алмашуви тезлигини тахминан икки баравар ошрилиши талаб этилади;

- "инсон-компьютер" интерактив мулоқотининг янги даражасини таъминланиши. Бунда мулоқот жараёнида фойдаланувчи анча кенг ва ҳар томонлама ахборотларни оладики, мазкур ҳолат таълим, ишлаш ёки дам олиш шароитларини яхшилашга имкон беради.

Таълим	жараёнида	мультимедиа	воситалари	ёрдамида
дарсларнинг	самарадорлигини	ошириш	ҳозирги	қўннинг
масалаларидандир.	Ривожланган	ҳорижий	давлатларда	

укитишнинг	бу	усулини	таълим	соҳасининг	барча	йўналишлари
бўйича тадбиқ	қилинмоқда.	Ҳозирда амалиёт	шунинг			

курсатмоқдаки, мультимедиа воситалари ёрдамида укитиш икки баробар самарали бўлмоқда. Мазкур восита ёрдамида укитишда анъанавий таълим усулларига нисбатан уртача 30 фоизгача вақтни тежаш мумкин ҳамда олинган билимлар укитишлар хотирасида узок муддат сақланиб қолади. Маълумки, эшитган материалнинг тўртдан бир қисми хотирада қоладиган бўлса, укитишларга берилаётган материалларни видео (қўриш) орқали амалга оширсак, ахборотни хотирада сақланиб қолиши ва тасаввур қилиш имконияти 25-30 фоизгача ошади. Шунингдек, мазкур укитиш материаллари аудио, видео ва графика қўринишида муҳассамлаштирилган ҳолатда укитишларга берилса, материалларни хотирада сақлаб қолиш 75 фоизга ошиши кузатишмоқда.

Таълим соҳасида мультимедиа воситалари ёрдамида Укитишларга билим бериш қўйидаги афзалликларга эга:

- таълим жараёнида берилаётган материалларни қўқуррок ва муқаммалрок узлаштириш имкониятининг мавжудлиги;
- маълумотларни визуаллаштириш имконияти;
- дарс жараёнида билим олиш вақтининг қисқариши натижасида вақтни тежаш имкониятига эришуви;
- олинган билимлар қиши хотирасида узок муддат сақланиб, қерак бўлганда амалиётда қўллаш имкониятига эришуви. Лекин, мазкур воситани таълим жараёнига қўллашнинг айрим муаммолари ҳам мавжуд бўлиб, у қўйидагилардан иборат:

- таълим учун зарур бўлган укитиш материалларини ҳамда бошқа зарурий курсатмаларни қўлланма шаклида компьютер дастурлари қўринишида ишлаб қиқиш.
- ишлаб қиқилган компьютер дастурлари учун мультимедиа элементларини қўллаш.

Ўқитиш материалларини яратиш бўйича ҳозирда Республикамизда маълум бир ишлар қилинмоқда. Бунга етакчи мутахассислар жалб қилинган бўлиб, укитиш материаллари таълим йўналишлари бўйича яратилмоқда.

Компьютер ёрдамида укитиш ва дидактик материаллар деярли профессионал даражада ишлаб қиқипиши мумкин. Матнни қўлёзма шаклида тайёрлаб олиш қерак. Матн тайёр бўлгач, уни мантнни қайта ишловчи дастур, мисол учун Word дастури орқали компьютерга қиритиш мумкин. Графикларни қиритиш учун Power Point тақдимот дастуридан фойдаланилади. Иққала дастур бирга матн ва график қомбинациясини амалга оширишга ёрдам беради.

Microsoft Power Point — универсал, имкониятлари кенг бўлган, қўргазмалар графика амалий дастурлари сирасига қиради ва матн, раём, қизма, графиклар, анимация эффектлари, овоз, видеоролик ва бошқалардан ташқил топган слайдларни яратиш имконини беради.

Слайд — маълум бир улчамга эга бўлган мулоқот иарақлари ҳисобланади. Унда бирор мақсад билан яратилаётган иамойиш элементлари қўйланади.


Слайдлар қетма-қетлигидан иборат тайёр тақдимотни компьютер экранида, видеопроектор ёрдамида қатта экранда иамойиш қилиш мумкин. Тақдимотни ташқил қилиш — слайдлар қетма-қетлигини лойиҳалаш ва қижозлаш демақдир.

Тақдимот ахборот технологиясининг самарадорлиги қўп ИСИХатдан тақдим этувчи шахсга, унинг умумий маданияти, нутқ МВДанияти ва ҳ.қ.ларга боғлиқ эканлигини ҳам унутмаслик лозим.

Power Point дастури Microsoft фирмасининг Windows м'онги остида яратилган булиб, ушбу дастур презентациялар (такдимот килиш, яъни таништириш) билан ишлаш учун энг кулай булган дастурий воситалардан биридир. Бу дастур оркали барча кургазмали курулларни яратиш ва баъзи жойларда эса маълумотлар базаси сифатида ҳам куллаш мумкин. Айрим холларда, бу дастурдан мультимедиа воситаларини бошқариш ва уларни куллаб, намойиш этувчи курилмаларга юбориш вазифаларини ҳам бажариш мумкин.

Power Point дастурида такдимот материалларини тайёрлаш куйидаги боскичлардан иборат (17.1-чизма):

- гоаянинг шақлланиши;
- маълумот йигиш;
- режа тузиш;
- матн танлаш;
- дизайн танлаш;
- анимация танлаш.



17.1-чизма. Такдимот материалларини тайёрлаш боскичлари.

Юкоридаги чизмадан куруниб турибдики, такдимот материалларини тайёрлашнинг биринчи боскичи тайёрланадиган материал буйича гоаянинг шақлланишидир. Яъни материал кимлар учун мулжалланган ва кандай курунишда булиши гугрисиди яратувчида бир неча гоаялар шақлланади. Иккинчи боскичда материал буйича керакли маълумот йигилади. Ушбу маълумотлар мавзуга тааллуқли ва аниқ мақсадга қаратилган булиши лозим. Акс холда кераксиз ва фойдасиз маълумотлар кўплигига ҳамда вақтнинг беҳуда сарфланишишга олиб келади. Учинчи боскич-режа тузиш боскичи ҳисобланиб, унда материаллар сараланиб олинади ва мантикий кетма-кетликда жойлаштириш режалаштирилади. Туртинчи боскичда саралаб олинган материаллар ичидан слайдга бериладиган матн танлаб олинади. Слайдлардаги матнлар жуда кўп булиши мақсадга мувофиқ эмас. Матнлар қисқартирилган курунишда танлаб олинади. Бир слайддаги матнлар 7-8 қатордан ошмаслиги лозим. Таълим берувчи дарс жараёнида қисқартирилган матнларни оғзаки тулдирилган холда тушунтириб беради. Дизайн танлаш боскичида матннинг шрифти, матнга қўшимча расм, чизма, графика ва ранглар танлаб олинади. Шундан сунг, яъни олтинчи боскичда барча танлаб олинган материалларга анимация қўйилади. Анимацияда матн ва тасвирларни ҳаракатлантириш, унга овоз бериш имкониятлари мавжуд. Анимациядан фойдаланиш материални янада жонлироқ

ва кизикарли булишига олиб келади. Бу эса уз навбатида таълим олувчига берилган мағериалнинг узок вақт хотирасида сақланиб қолишига ва уларнинг мотивациясининг ошишига ёрдам беради.

Назорат учун саволлар

1. Ўқув материалларини яратиш бўйича ҳозирда нималар амалга ошириляпти?
2. Ахборот сўзининг маъносини тушунтиринг.
3. Фонем сўзининг келиб чиқиши тушунтиринг.
4. Таълимда мультимедиа технологиясини тадбиқ этилиши.
5. Такдимот ахборот технологиясининг самарадорлиги нимада?
6. Такдимот материалларини тайёрлаш боскичлари ҳақида гапиринг.
7. Power Point дастурида такдимот материалларини тайёрлаш қандай боскичлардан иборат?
8. Такдимот материалларини тайёрлаш боскичларини тушунтиринг.
9. Слайд сўзига тушунча беринг.
10. Microsoft Power Point программаси нима мақсадда қўлланилади?

18-Майруза

МОТИВАЦИЯЛОВЧИ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Режа:


1. Бўр ва доска. Флипчартдан фойдаланиш.
2. Ўқув жараёнида Видеопроектор ва пинборд доскаси.

Таянч сўз ва иборалар:

Мотивация, Доскадан фойдаланишининг асосий қоидалари, Досканинг афзалликлари, Флипчартдан нима мақсадда фойдаланилади, Доскадан фойдаланишдаги қамчиликлар, Кодоскопнинг қулайликлари, Пинборд доскасининг афзалликлари.

Мотивация - бу шахс ҳатти ҳаракатини юзага келтирувчи ички ҳаракатлантирувчи қуч, ҳиссиёт бўлиб, Педагог уни бошқаришга ҳаракат қилади ва ўқув жараёнини ташхис этиш учун ҳисобга олади. Уни амалда вужудга келтириш учун ўқитувчи ўрганилаётган фаолият тажрибаларидан таассуротли далилларни махсус йиғиши ва ўқувчи (талаба)ларга ўқитилаётган предметнинг асосий билимлар асосида ноқулай вазиятлардан чиқиб кетиш йўлларни намоиш қилиш керак.

Таълим жараёнида техник воситалардан фойдаланиш жуда муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу воситалар ёрдамида машғулотларни замонавий талабларга жавоб берадиган тарзда олиб бориш ҳамда таълим олувчиларнинг диққатини жалб этишда кенг фойдаланиш мумкин. Техник воситалар маълумотларни визуаллаштиришга ёрдам бериб, қерақли тасвир ва матнларни ёзиб олиш ва сақлаш имконини беради. Таълим берувчилар доска тасвирлари, флипчарт тасвирлари ва кодоскоп слайд три каби визуал воситаларни узлари ишлаб чиқади. Шу сабаб.ш бундай воситалардан фойдаланиш қоидалари, уларнинг афзаллик ва қамчиликларини ҳисобга олиш лозим. Қуйидаги материалларда бур доска, флипчарт, кодоскоп, пинборд доскаси ва видеопроектор каби техник воситалардан фойдаланиш бўйича йул-йуриқлар берилган.



БЎР ДОСКА

Бўр доска энг кадимги, арзон ва бошқаларга нисбатан купрок ишлатиладиган восита хисобланса керак.

Мана куп йиллардирки, у назарий ва амалий дарсларда кулланиладиган техник восита хисобланади. Бугунги телевизорлар ва компьютерлар дунёсида доска синфдаги энг ишончли ва купрок кулланиладиган укув воситасидир.

Доскадан фойдаланишни хам режалаштириб олиш зарур. Бунинг учун утиладиган мавзу буйича доскага ёзиладиган матн ва чизмалар тартиб билан режалаштириб, қоғозга хомаки варианта ишлаб чикилади.

Доскадан фойдаланишнинг асосий коидалари:

- Рангли бурларни дидактик талабларга мое келган холатда ишлатиш
- Таълим олувчилар билан доим «кўз алоқаси»ни сақлаб туриш
- Факат бир томонга эмас, барча таълим олувчиларга қараб гапириш
- Ўзлаштириш натижаларини текшириб туриш
- Мухим булган маълумотларга алохида эътиборни ёрдамчи воситалар ёрдамида караташ.

Досканинг афзалликлари:

- арзонлиги;
- маълумотларни такдимот килиш учун кулайлиги;
- ёзувлар ёзиш учун ишлатилиши;
- асосий пунктларни тушунтириш учун фойдаланиш мумкинлиги;
- чизма ва графикларни чизиб курсатиш мумкинлиги;
- диккати жалб килиш учун фойдаланилиши.

Доскадан фойдаланишдаги камчиликлар:

- доскага диккат билан ёзиш таълим берувчидан доскага карашини талаб килади, бунинг учун у таълим олувчиларга тескари угрилишга мажбур булади;
- доскадаги ёзув (тасвир) сакданиши мумкин эмас ва шунинг учун уни кайта куллаш мумкин эмас;
- доскага ёзиш куп вақтни талаб килади.

Флипчарт доскага жуда ўхшашлигига карамасдан, кўпгина хам мавжуд. Флипчартнинг энг асосий кулайлиги - бу матнни учирмасдан ёзиб кетавериш имкониятининг борлиги, яъни жой этишмаслигидан ёзилган ёзувларни учуришга хожат йўқ, факат қоғоз булиши талаб этилади. Шундай қилиб барча фикр-мулохазаларни сақлаш мумкин, хатто бир неча кундан сунг бу қоғозни яна осиб куйиш ва мунозарани давом эттириш мумкин. Флипчартнинг бошка кулайлиги, синфдаги девор ёки доскага бирин-кетин хамма варақларини ёпиштириш имконияти хисобланади. Бутун гурух ишининг натижаларини бир пайтда куриш, таккослаш ва сақлаб қолишнинг бунга тенг бошка имконияти йук.



фарклар

Флипчартдан нима максатда фойдаланилади?

- гурухий бахс-мунозараларнинг натижаларини сақлаш ва уларни келажакдаги тадбирларда ишлатиш учун;
- жараённинг боскичларини курсатиш учун;
- такдимотни ташкиллаштириш учун;
- турли масалалар буйича асосий қисмларини ажратиб курсатиш учун.

Флипчартнинг афзалликлари:

- флипчартни керакли жойга силжитиш мумкинлиги;
- фойдаланишнинг кулайлиги;
- такдимот учун фойдаланиш мумкинлиги;

- варакаларни сақлаб куйиб, кера ли вақтда ундаги маълумотлардан такрор фойдаланиш мумкинлиги;
- турли рангли маркерлардан фойдаланиш имконияти;
- укувчиларнинг диккати жалб этиш учун фойдаланиш мумкинлиги.

Флипчартнинг камчиликлари:

- ёзув тушунарли бўлиши керак, акс холда уни ўқиш қийин бўлади;
- хато ёзмасликка ҳаракат қилиш керак, акс холда ҳамма тугриланган жойлар доим қуриниб туради;
- варақларни нусхалаштириш фақат фотосурат ёки қучириб ёзиш орқали мумкин ҳолос;
- куп флипчарт қоғозлари тадаб этилади.

Кодоскоп учун сатх (экран), шунингдек, плёнка-слайдлар керак. Кодоскоп таълим берувчи учун энг юқори даражадаги такдимот имкониятини беради. Ўқув жараёнини бу воситасиз Тасаввур қилиш мумкин эмас. Асосий қулайлиги шундаки, слайдларни компьютерда ёки шунингдек, қўлда профессионал даражада тайёрлаш мумкин. Улардан исталган вақтда фойдаланиш ва иш ўрни ўзгарганида бошқа жойга ўтказиш мумкин. Аммо кодоскопнинг фақат сифати эмас (ёруғлик қучи), балки ишлаб чиқилган слайдларнинг сифати ҳам муҳимдир.

Слайдларни тайёрлаш учун қуйидаги материаллар керак бўлади:

- ✓ Ацетатли қоғоз- сунъий толадан қилинган тиник қоғоз;
- ✓ алоҳида копламага эга, нусхалаштириш мумкин бўлган слайдлар;
- ✓ слайдларга ёзиш учун фломастерлар (доимий ёки сув билан ўчириш мумкин бўлган);
- ✓ слайдларни тозалаш учун спирт;
- ✓ символли асбоблар (шаблонлар, қизғич ва шу қабилар).

Кодоскопдан фойдаланишдан олдин унинг беҳато ишлашини ва тозаланишини текшириш лозим. Слайдлар такдимот қилинишидан аввал тартиб билан мантикий кетма-кетликда тайёрлаб қуйилиши мақсадга мувофиқдир.

Такдимот давомида экранга эмас, балки таълим олувчиларга қараб нутқ тезлигига эътибор берган ҳолда гапириш керак. Таълим олувчилар билан доим «қуз алоқаси»ни сақлаб туриш ва барча таълим олувчиларга қараб гапириш лозим.

Слайдларга ишлов беришда шрифт тури ва шрифт қатталиги бўйича қоидаларга риоя қилиб, яхши ўқилиши мумкин бўлган слайдларни ишлаб чиқиш керак. Бундан ташқари слайдларни тайёрлашда уларнинг дизайнига ҳам катта эътибор бериш, рангларни ҳаддан ташқари куп ишлатмаслик лозим.

Кодоскопнинг қулайликлари:

- кодоскопни бошқа жойга қўйиш мумкинлиги; фойдаланишнинг қулайлиги;
- слайдларни қўлда, фотонусха ва компьютер ёрдамида тайёрлаш мумкин;

слайдларнинг катта гуруҳга қўйиш мумкинлиги;

- бир марта тайёрлаб, улардан бир неча бор фойдаланиш мумкинлиги;

рангли тасвирни қўллаш мумкинлиги;

- таълим берувчи таълим олувчилар билан «қуз алоқаси»ни доимо сақлаб туриши мумкинлиги.

Кодоскопнинг камчиликлари:

- кодоскоп доска ёки флипчартга қараганда қимматроқ;
- купинча такрорланадиган хато: бир слайдга ҳаддан ташқари куп маълумот ёзилади;
- слайд устида тугрилаш купинча мураккаб (кодоскоп нурида доимо қўйилади);

ПИНБОРД ДОСКАСИ

- ранглардан ҳаддан ташқари куп фойдаланиш;
- электр энергиясини талаб қилади.

"Пинборд" инглизча суз булиб, (пин-махкамлаш, борд-доска) доскага махкамлаш деган маънони англатади.

Коидага кура, пинборд доскаси устига ураш қоғози тортилади ва кушимча керакли материал сифатида турли ранг ва шаклдаги карточкалар булишини талаб килади. Улар пинборд доскасига игналар билан махкамланади. Ишни тугатгандан сунг карточкаларни ураш қоғозига ёпиштириш ва уларни навбатдаги тадбирлар учун куллаш мумкин. Карточкалар махсус рангли фломастерлар ёки маркерлар билан ёзилади. Бу восита асосан йигилишларда мухим урин эгаллайди, чунки бу восита ёрдамида қарорлар, муаммоларни ишлаб чиқиш ва гурухий баҳс-мунозараларни бошқаришни кургазмали килиш мумкин.

Пинборд доскасининг афзалликлари:

- пинборд доскасини силжитиш мумкинлиги;
- маълумотларни доскага мустахкамлаш имконияти;
- карточкаларни гурухлаш имконияти;
- турли рангли қоғозлардан фойдаланиш мумкинлиги

Пинборд доскасининг камчилиги:

- куп қоғоз талаб этилиши;
- карточкадаги ёзувларнинг турли-туманлиги.

ВИДЕОПРОЕКТОР

Видеопроектор ўқув жараёнида қўлланиладиган замонавий воситалардан бири хисобланади. Видеопроектордан фойдаланиш учун компьютер курилмалари талаб этилади.

• Олдиндан тайёрланган укув материалларини компьютерга уланган видеопроектор оркали махсус экранга такдимот этиш мумкин. Компьютер хотирасидаги ёки компакт диск ва оддий дискетадаги материалларни видеопроектор оркали таълим олувчиларга намоиш килиш мумкин. Видеопроектор кодоскоп каби таълим берувчи учун энг юкори даражадаги такдимот имкониятини беради. Асосий кулайлиги шундаки, такдим этиладиган материалларни компьютерда таълим берувчи ўзи тайёрлаши мумкин. Ўқув материаллари турли компьютер дастурларида Word, Excel, RowerPoint, CorelDraw дастурларида тайёрланиши мумкин.

Видеопроекторда фойдаланишдан олдин унинг беҳато ишлашини текшириш лозим. Такдимот давомида экранга эмас, балки таълим олувчиларга қараб нутқ тезлигига эътибор берган ҳолда гапириш керак. Таълим олувчилар билан доим "кўз алоқаси"ни сақлаб туриш ва барча таълим олувчиларга қараб гапириш лозим.

Матералларни RowerPoint дастурида тайёрлаш қоидалари тўғрисида 3.2-модул бирлига маълумот берилган.

Видеопроекторнинг кулайликлари:

- видеопроекторни бошка жойга силжитиш мумкинлиги;
- материалларни компьютер ёрдамида турли курунишда тайёрлаш мумкинлиги;
- материалдаги камчиликларни тезда тузатиш ва такомиллаштириб бориш имкониятининг мавжудлиги;
- анимациялар оркали тасвирларни "жонлаштириш" ва ҳаракатлантириш имконияти;
- материалларнинг катта гуруҳга куринарли булиши; бир марта тайёрлаб, улардан бир неча бор фойдаланиш мумкинлиги;
- рангли тасвирни куллаш мумкинлиги;
- таълим берувчи таълим олувчилар билан «куз алоқаси»ни доимо сақлаб туриши мумкинлиги.

Видеопроекторнинг камчиликлари:

- видеопроектор бошка воситаларга нисбатан кимматроқ;
- таълим берувчидан компьютер ва видеопроектордан фойдаланиш куникмасининг талаб этилиши;
- фонни ва рангларни нотугри танлаш оқибатида кузнинг толикиши;
- анимациядан нотугри фойдаланиш оқибатида берилаётган мазмуннинг иккинчи даражали булиб қолиши ва "шоу" (томоша)га айланиб кетишига олиб келиши;
- электр энергиясининг талаб этилиши.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, ҳар бир таълим воситаси талаб даражасида ишлаб чиқилиб, ўз урнида ва самарали фойдаланилса, таълим жараёнида мазмунни узлаштиришга катта ёрдам беради. Таълим жараёнидаги энг муҳим воситалар юқорида таъриф берилган техник воситалар ҳисобланади. Бу воситалар даре жараёнини кургазмали қилишга, укув материалининг узлаштирилишини енгиллаштиришга ва таълим олувчиларнинг мотивациясини оширишга хизмат қилади. "Юз марта гапиргандан кура, бир марта курган афзал" деган халқ ибораси бунга яққол мисол булади. Кургазмалилик, тушунарлилик ва мисол-намуналардан фойдаланиш каби дидактик тамойиллар бу иборага жавоб беради. Чунки бу; воситалардан фойдаланишнинг моҳияти, таълим олувчиларда билимларни кургазмали ва имкон қадар реал ҳаётга яқин ҳолда шакллантиришдан иборатдир.

Назорат учун саволлар

1. Таълим жараёнида техник воситаларнинг ўрни қандай?
2. Флипчарт доскасининг оддий доскадан афзаллиги
3. Пинборд сўзининг маъноси нимани англатади?
4. Таълим тизимида энг кўп тарқалган техник воситаларни айтинг.
5. Кодоскопдан фойдаланишдан олдин нималарга этиборни қаратиш лозим?
6. Флипчартдан нима мақсадда фойдаланилади?
7. Видеопроекторда қандай дастурларни кўриш мумкин?
8. "Пинборд" доскасининг камчиликларини айтинг.
9. Флипчартдан нима мақсадда фойдаланилади?
10. Флипчартнинг энг асосий қулайлиги нима?

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

1. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар туплами. УМКХТМ, Тошкент, 2005.
2. С.П.Баранов, Л.Р.Болотина, В.А.Сластенин. Педагогика. Тошкент, "Укитувчи" 1990 й.
3. В.А. Скаун. Ишлаб чиқариш таълим устози учун кулланма. Тошкент, 1992.
4. К.Ж. Мирсаидов. Махсус фанларни ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими. Тошкент, «Укитувчи» 1996.
5. Германия ИВС - Berufliche Bildung und Consulting GmbH . Дидактика ва методика. Махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарини малакасини ошириш бўйича семинар материаллари. Берлин, 2002.
6. ОТБ УЗБ-1737 лойиҳаси. Таълим самарадорлигини ошириш йуллари. Тренерлар учун кулланма. Тошкент, 2002 .
7. Фарберман Б.Л. Передовые педагогические технологии Ташкент ФАН 2000.
8. Баркамол авлод –Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. “Шарқ”, Т. 1997 й.
9. Фарберман Б.Л, Мусина Р.Г, Жумабоева Ф.А. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. Ўқув-ўқувий кулланма. Т., 2002.
10. Государственный стандарт Узбекистана. Государственная система непрерывного образования Узбекистана. Требования к минимуму содержания и уровню подготовки бакалавров по направлению 5111000 – Профессиональное образование
11. Н. Сайидаъмедов. Янги педагогик технологиялар. (Назария ва амалиёт). Тошкент – «Молия» -2003.
12. Н.Ғайбуллаев, Р.Ёдгоров, Р.Маматқулова. Педагогика. Маърузалар матни. Тошкент 2004 йил.
13. Q.N. Olimov, L. O.Uzoqova. “Maxsus fanlarni o’qitish metodikasi”.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ.....	4
1—Маъруза. Дидактика - педагогик таълим назарияси сифатида.....	5
2-Маъруза. Модулли ўқитиш технологиялари. модулли ўқитиш технологияларининг долзарблиги.....	8
3-Маъруза. Педагогик технологиянинг тамойиллари ва элементлари.....	14
4-Маъруза. Касбий таълим мутахассисларини тайёрлашда назарий ва амалий билимларни режалаштириш.....	18
5-Маъруза. Касбий таълимни ривожлантиришда ўқув мақсадларни белгилаш.....	22
6-Маъруза. “Тўрт поғонали” методга асосланган фаолият.....	27
7-Маъруза. Ихтисослик фани ўқитувчисининг ўқув-режалаштириш хужжатларини ишлаб чиқиш.....	33
8-Маъруза. Махсус фанларни ўқитишга доир умумий тушунчалар.....	40
9-Маъруза. Махсус фанларни ўқитишни принциплари ва усуллари.....	43
10-Маъруза. Таълим жараёнида интерфаол методларни қўллаш.....	47
11-Маъруза. Кҳк ўқитувчиси ва ўқув устасининг лидерлик сифатлари.....	49
12-Маъруза. Фанларнинг услубий асосини ташкил қилиш ва илғор педагогик технология элементларини ишлаб чиқариш.....	52
13-Маъруза. Мутахассислик фанларини ўқитиш методлари ва ташкилий шакллари.....	59
14-Маъруза. Касбий таълимни ривожлантиришда амалий кўникмаларни ўрганишнинг ил-ғор усуллари.....	65
15-Маъруза. Ўқитиш жараёнида талабаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятларини оши-риш йўллари.....	72
16-Маъруза. Касб-хунар коллежларини ташкил этиш ва уларни фаолиятини бошқариш. Меъёрий хужжатлар. Касбий фанлардан таълим жараёнини ташкил қилиш.....	77
17-Маъруза. Касбий фанларни ўқитишда ва лаборатория машғулотларида ахборот техно-логияларидан фойдаланиш.....	81
18-Маъруза. Мотивацияловчи техник воситалардан фойдаланиш.....	85
Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати.....	90

